



ХУРШИДА САМОЙИНУР



САЙЛАНМА

«SHARQ» НАШРИЕТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2011

www.ziyouz.com kutubxonasi

УДК 821.512.133-1
ББК 84(5ў)6
Х-92

Хуршида.

Самойинур: (Сайланма): шеърлар / Хуршида. — Т.: «Sharq», 2011. - 304 б.

Самимиятта ва рамзларга бой илк шеърлари биланоқ адабий жамоатчилик эътиборини тортган шоира Хуршида (Ваҳобжон қизи)-нинг «Сифмагай жисмим жаҳонга», «Алдамчи тонглар», «Изҳор», «Тажалли» каби шеърий тұпламлари китобхонларга етиб борган.

Нозиктаъб шоиранинг ушбу сайланма китобига киритилган туркүм шеърлари ва достонида инсон руҳиятининг ўта нозик, күз ил-фамас, ақдан идроки мұраккаб олис мансиллари бадий чизгиларда акс этади.

Хәёттинг пасту балаңдиллари, синов ва машаққатларини сабрматонат билан енгиш, меҳнатсеварлик ва бағрикенглик, саховат ва кечиримлик каби фазилатлар инсонни албатта нурафшонликка етказишини, дунёни тутиб турғувчи күч зэгулик эканлигини, салбий хислатлар ортида эса чигал қысмат юз күрсатишини шоира ўз шеърларида таъкидлайды. Хуршиданинг ижодида Шарқ мұмтоз шеърияттың хос бадий санъатларнинг замонавий шеъриятдаги образлилік ва ғоявий етуклиқ билан үйғуналашувини кузатиш мүмкін. Вақт силласи хукмидан ҳоли умуминсоний — азалий ва абадий мавзуларнинг устуворлиги эса шоира шеърларининг моҳиятини ташкил этади.

Үйлаймизки, Хуршиданинг қалб гавҳари — «Самойинур» дил-ларга мұнавварлик багишлайды, ёш авлодлар қалбида чин инсоний түйгулар шаклланишига хизмат қиласы.

**УДК 821.512.133-1
ББК 84(5ў)6**

ISBN 978-9943-00-747-5

Ишқи шуурий

Бекиёс бу Ватан васфидыр сүзсиз,
 Хотиға – Ватандек мүкаддас бир ҳис
 Дағылайд җисеми түпнок қазына, сасыз
 Ұлуплағдан ёдюр – забон мусаффо,
 Аждаодлағым ғүзүн шодон, мусаффо



МУСАФФО МАСКАН

Халқим, тегрангга боқ, ҳар ён мусаффио,
Осмон мусаффодир — замон мусаффио,
Мусаффодир диллар — виждон мусаффио,
Не баҳт, томирда қон — туғён мусаффио!
Аждодларим руҳи шодон, мусаффио!

Гарчанд мотамсаро кўзлар тўла ёш,
О, бу маскан узра парвона қуёш!
Тингла, аҳли олам, тинглагил, элдош:
Бу кун юракларда фифон мусаффио...
Аждодларим руҳи шодон, мусаффио...

Беқиёс бу Ватан васфиидир сўзсиз,
Хотира — Ватандек муқаддас бир ҳис!
Гарчанд жисми тупроқ қаърида, сассиз
Улуғлардан ёдгор — забон мусаффио,
Аждодларим руҳи шодон, мусаффио!

Момоларим ёқсан қадим чироқлар
Нуридан залолат зулми йироқлар,
Жигарбандин кутган гирён қароғлар
Уммонида фасли найсон мусаффио,
Аждодларим руҳи шодон, мусаффио!

Ёмғирдек ёғилган ўт гирдобида
Шаҳид кетган номлар дил китобида,
Она-юрт бағрида қутлуғ обида —
Азизу мукаррам майдон — мусаффио,
Аждодларим руҳи шодон, мусаффио!

Ватан Истиқдоли йўлида қурбон
Зотлар, иншоаллоҳ, топгай пок макон,

Фитрату Абдулла, Усмону Чўлпон
Чин ҳаққи-ҳурмати иймон мусаффо
Аждодларим руҳи шодон, мусаффо!..

2001

БЕДОРИНГМАН, ВАТАН

Дардингни кўксимда кўтаргим келди,
Бир оҳ ўртаганда дилингни, Ватан!
Нур бўлиб, ҳур бўлиб асрагим келди,
Ёмон кўздан мушфиқ элимни, Ватан!

Ким сендан не тилар, барҳақи Худо,
Мен фақат тинчингни тиладим, Она,
Қара, сўз кўшкида Чўлпонинг каби
Мен ҳам бедорингман, мен ҳам парвонанг!

Бағрингни бир тикон тилса ногаҳон,
Бағримни минг фифон ёқди ўшал дам.
Фарзанд доғида сен ютганингда қон,
Юпатмоқ истадим қўзларимда нам...

Васлингдан даволар изладим ишққа,
Тупроғингдан топдим тансиқ меҳрни.
Онамсан, сен томон отилса тошлар,
Кўксим қалқон бўлур, сўзим қаҳрли.

Сенга пайвастадир томирим, илло,
Бобур кўксидаги эй буюк армон!
Тожмаҳалдан гўзал, азиз мен учун
Қалдирғоч ин қурган шу очиқ айвон!

Очиқ кўнгил элим, очиқ қўл элим,
Очиқ айвонингда меҳр тўла дур!

Жаннат жамолингга дунё ҳавасда,
Сени асрамоқлик бурчим-ку ахир!

Улуглар хокидан юксалган замин,
Юлдузи бағрига сиғмаган само!
Дүкчи Эшонингдан сўрагил, айтур:
Тинчлик – улуф неъмат, барҳақи Худо!

Ҳар бир майсангни, ҳар битта фунчангни
Фанимдан асрай деб ўртанаар жоним.
Ахир томиримда оқмоқда менинг,
Ватан деб жон берган аждодлар қони!

2008

ВАТАН

Ватан, қалбда ёнган оташсан, Ватан,
Томиримга туташ, уйқашсан, Ватан,
Сендан айро юрак урмоғи гумон,
Жафокаш, ҳаётбахш қуёшсан, Ватан!

Гирён кўзгинамнинг қароги ўзинг,
Ошуфта кўнглимнинг ардоғи ўзинг,
Дардингдан дилимнинг дардлари бунёд,
Қувончингдан ёруғ ёноғим ўзинг.

Сенсиз тупроқларнинг исин сезмасман,
Ёмғирлар сасин, қор тусин сезмасман!..
Оlamни яшнатиб, ифор таратиб,
Баҳорлар гул очиб келсин, сезмасман!..

Висолингдан айро меҳрга ташна
Қон бўлди не диллар – не тиник чашма...
Бағрингда баҳтга ёр, муҳаббатга ёр,
Нур сочар кўнгиллар кундан-кун яшнаб!

Саркорим, сафдошим, сирдошим Ватан,
 Бедор ҳисларимдай саркашим Ватан!
 Сендан айро юрак урмас бегумон,
 Жону жаҳонимга жонбахшим Ватан!

2004

ПАХТАКОР

Чин баҳтни меҳнатдан излаган халқим,
 Айтган сўзинг аҳд-у, дилингда паймон!
 Сен тўккан терларнинг ҳосиласидан
 Не тонг, самолар-ла бўйлашса хирмон!

Ерни севиш сенга азалий мерос,
 Асли жон томиринг заминда сенинг.
 Оқ яктакни кийиб баҳордан то куз,
 Оқ пахтадек оппоқ ниятда эдинг!

Хокисор дилингда нашида, суурур,
 Даалар олмоқда енгил бир нафас,
 Беминнат боқасан қўзинг тўла нур,
 Кўқда юлдузлар ҳам қилади ҳавас.

Фалла бошоқлари ризқи рўз бўлса,
 Оқ пахта – пок иқбол деҳқонга, элга,
 Қўлинг қадоғига момик пахтани
 Босмоқни йил бўйи боғладинг дилга.

Ёзнинг чилласига юрагинг меҳри
 Баробар келди-ю, гуллади пахта.
 Сен очиққўл эдинг сахий куз каби,
 Қўсакларнинг қўнгли очилди шаҳдам.

Роҳатни чин аҳддан излаган элим,
Имконинг — пок виҷдон, иймондан нишон.
Пахтадек оқ бўлсин танлаган йўлинг,
Пахтадек пок, чексиз тилагим, ишон!

2008

АНДИЖОН

Боги беҳиштдин ҳусн олган ажиб бўстондир,
Сервиқор манзиллара одимлаган карвондир.

Мирзо Бобур изларин асраб қадим тупроғида,
Бахту иқбол қасрининг бунёдиҳин комрондир.

Нодира назмий навосин сеҳридин сарбаст эса,
Коинот юлдуzlари ичра ёруғ Чўлпондир.

Зебу зар тупроғига жонбахш меҳр сарчашмаси
Дилдаги иймондир, кўнгилдаги паймондир.

Меҳнату сабрин риёзат кўксига нарвон этиб,
Ҳуррият тулпорларин имконига шоёндир.

Дилда жўш ургай шижоатким, фуур давворида
Рустами достондир — марданаи даврондир.

Чун ҳилол мастоналиқдин шабгир ўлғон кечалар,
Офтоб қўксига чўғ солган улуғ армондир.

Толеи ҳурлик қуёшин тафтидин порлар бу кун,
Миллатим, халқим дили осмондир, рахшондир.

Назм ила изҳори ишқ этгуси Хуршида, не баҳт,
Айрилолмас бир нафас кўнгулки, Анда жондир.

2001

ФАЛЛА ХИРМОНИ

Ўзбегимга тўй ярашгай тўй устига,
Қўёш мамнун нурин сочар осмонидан,
Дунё ҳавас қилгай расо бўй-бастига,
Таҳсин ёфар Бобур Мирзо замонидан!

Она юртим, зар тупроғим жондан азиз,
Ҳурлик сўзи янграр ул хуш ондан азиз,
Мехри олов Ўзбекистон нондай азиз,
Умид донин сочар элга имконидан.

Бу кун Ватан нигоҳида жон Андижон,
Севинч ёнар қарогида, жон Андижон,
Ризқи тўлиқ тупроғида, жон Андижон
Зўр эътироф топмиш улуғ сарбонидан!

Андижонда тўйлар бўлсин тўй устига,
Кўз тегмасин жондан бино бўй-бастига,
Меҳнат билан топган меҳр пайвастидан
Бу кун кўкси тоғдир фалла хирмонида.

Қутлуғ, элим, ризқи рўзинг, нонинг қутлуғ,
Ёруғ юзли бободеҳқон, номинг қутлуғ,
Шараф-шонга чўмилган шул онинг қутлуғ,
Истиқболинг қутлуғ, ҳурлик давронида!

Замин узра парвонадир фалак тинмай,
Юрт ишқида ёнаверар юрак тинмай,
Камолингни тилайверар тилак тинмай:
Бахтинг кўриб мосуво дил армонидан.

2010

УЛУФ ЗОТ

Мехр излар инсон мудом даҳр ичра,
Сеҳр излар саховатли самоватдан.
Гар маърифат ёрдир нурли эрур чехра,
Юракда жо бўлса агар илму урфон.

Кимни қандай ташвиш ўртар,
Кўнгилни дард,
Бир илиқ сўз айтмоқ жоиз, келмай малол,
Фанимат бу умр уммонидан абад
Ишқ, булогин излаб ўтгаймиз эҳтимол?..

Аммо бир зот борки, унга қодир Аллоҳ,
Тухфа этмиш бор меҳр ва саховатни,
Ҳар дам сенинг дардинг ила бедор, огоҳ,
Миннат билмас,
Ўйламас ҳеч ҳаловатни.

Сенинг юксак камолингни ўйлаб яшар,
Бору йўғи, инояти – илму зиё,
Минг эҳтиром, таъзим бажо айлар башар,
Унинг минг бир хислатидан пойдор дунё.

Устоздир ул самолардан юксак бағир,
Устоздир ул замин ичра улуф қалом.
Ул зот сабаб даҳоларни кўрмиш даҳр,
Ул зот сабаб камолотга ёр бу олам.

Ватан янглиғ азиз, юртдек муқаддас, деб,
Дил тўрида асрагаймиз устоз, номинг,
Ҳар он сенинг бир корингга ярап дастдек,
Кўз нурида асрагаймиз устоз, номинг!

Кутламоқда бу кун Ватан шараф-шонинг.
2005

ВАТАН ПОСБОНИ

Тунлар чароғондир,
 Кундуз фаровон,
 Ҳар тонг қуёш кулар,
 Тун моҳитобон –
 Сокин боғлар аро ҳурлик ҳукмрон,
 Қалбингиз матонат мулкига султон,
 Сизлар борки озод, тинч Ўзбекистон!

Самоларга боқдим:
 Мудрар юлдузлар,
 Тун сепин ёйса гар юмилар кўзлар,
 Заминдеқ ҳушёру заминдек бедор,
 Туну кун элимга беминнат посбон –
 Сизлар борки озод, тинч Ўзбекистон!

Сафларингиз безар аҳдлари чинлар,
 Алномишиңгизга ошиқ Барчинлар,
 Фурур давворида, ҳатто лочинлар
 Шиҷоатингизнинг қошида ҳайрон,
 Сизлар борки озод, тинч Ўзбекистон!

Не-не заҳматларга берурсиз бардош,
 Барчасига гувоҳ кўқда ой-қуёш,
 Э воҳ, нигоҳингиз ичра кўрдим ёш,
 Эрк йўлида неча мардлари қурбон,
 Сизлар борки озод, тинч Ўзбекистон!

Топмоқ баҳт, йўқотмоқ – дилларга алам,
 Шаҳид жонларга жон беролмас нолам,
 Фарзанд доғида зор йифласа олам,
 Ҳижронида кун-тун гирёндир Ватан,
 Сизлар борки озод, тинч Ўзбекистон!

Қанча таъриф этмай саёз кўринур,
Минг таъзим айлагум, лек оз кўринур,
Тинчлик олам аро тенгсиз кўҳинур,
Тинчлик посбонлари, бўлингиз омон,
Сизлар борки озод, тинч Ўзбекистон!

2001

ОНА ИСТАГИ

Бисёрбекка

Қайси йўл сенга баҳт эшигин очса,
Кезгайман шу йўлда мисли девона.
Истагим: қалбингда қуёш акс этса,
Ёғдулар ёғилса заррин ҳар ёна...

Кўнглим кишварида умид юлдузин
Порлатиб, роҳларим раҳшон айласанг.
Юракнинг қонига уйқаш армоннинг
Бағрига тилларанг пайкон жойласанг...

Пайваста дилларга қалбингдаги шамс
Айласа беадад меҳрдан нисор.
Куйдирса кўкарган риё томирин,
Сочса вафо нурин заминга Бисёр...

Фам аҳлининг маҳзун талъатларида
Шуълалар рақсидан чекинса қадар.
Фоғилларнинг мудроқ дил қатларидан
Узалса орзулар осмон қадар...

Ҳаётим сурури, кўксим фуури,
Сен борсан, умримнинг илдизи пойдор.

Пойингга тўшалсин саодат гули,
Севинчдан чехрамда чақнасин шарор.

Қайси йўл сенга баҳт эшигин очса,
Кезгайман шу йўлда далли девона.
Истагим: қалбингда қуёш акс этса,
Ёғдулар ёғилса заррин ҳар ёна.

1997

САОДАТ ФАСЛИ

Магарким, уйинг тинч — Ватанинг тинчdir,
Соф — осуда эрса кўнгил — севинчdir,
Нурсиз ҳаёт бўлмас, меҳр илинжdir,
Дилни айро тутманг мурувватлардан!

Дунё муҳаббатдан яралган асли,
Муҳаббат — гул фасли, саодат фасли!
Эй сиз, Моҳларойдек моҳвашлар насли,
Асранг авлодингиз залолатлардан!

Султонлари суйиб, ардоқлаган зот,
Аёл бошинг тутгил тоғлардай баланд,
Нихолинг бермасин десанг агар панд,
Огоҳ яша хавфу хиёнатлардан.

Аёл борки, дунё мангу, бардавом,
Аёл Ватан янглиғ муқаддас қалом,
Аёл борки, яшар миллат деган ном,
Юрт учун кечгувчи ҳаловатлардан!

Ҳур Ватанинг сенга ишончи улуғ,
Иймон сўзи аёл қалбидағи туғ!

Маърифат ўчоғин бағридаги чўғ –
Фарзандларинг эрур шаҳодатлардан!

Бир болага етти қўшни онадир,
Фарзандсиз уй ғариб, бир ғамхонадир,
Қариси бор уйдан ёғуду ёғадир,
Наслинг яралмишдир саховатлардан!

Ватан остонондан бошланар асли,
Бугун эрк фаслидир, ҳуррият фасли,
Оила Ватанга остона мисли,
Остона улуғдир самоватлардан!

Шижоатли диллар билмагай завол,
Халқим сўзларимни олмасми малол,
Ашъорим сўнггида берсам гар савол:
Севгим санарми чин муҳаббатлардан?

2004

ШАРАФ

(Амир Темур ордени берилиши муносабати билан)

Аллоҳ, назар қилган кўҳна Андижон,
Ғурур давворининг саҳни Андижон,
Бу кун юзинг ёруғ, она Андижон,
Амир Темур руҳи қўллаган диёр!

Улугсан замонлар силсиласида,
Жаҳонгирлар қони тутён наслида,
Истиқлол чўққисин забти қасдида
Не зотларин қурбон айлаган диёр...

Суюксан, шоҳ, шоир Бобуринг суюк,
Шаҳид Моҳларойим жонисан буюк,
Чўлпон, кўзларингдан севинч ёшинг тўк!
Мозийдан ҳикматлар сўйлаган диёр!

Олтин қўлларингнинг қадоқларига
Юзимни босайин, адоғларингман,
Тарих муҳр этган дил доғларингман,
Хокига хислатлар жойлаган диёр!

Бемашаққат толе кулмоғи душвор,
Эл ризқин бутлагай сарбаланд сардор,
Келажакка зимдан боқар умидвор —
Ўзни қўйиб, элни ўйлаган, диёр!

Соҳибқирон фахри муборак, сенга,
Порлоқ истиқболдан чин дарак сенга,
Не баҳт, ҳавасдадир ер-фалак сенга —
Юртбоши туҳфасин йўллаган, диёр!..

...Юксак эътибор бу, қутлуғ, ташаккур,
Аҳли Андижондан улуғ ташаккур!
Падардек мўътабар бузург, ташаккур!
Ишончдан жаҳонга бўйлагай диёр,
Ватан ҳаққи Сизни қўллагай диёр!

2003

ФИДОЛИК

Юртга фидоликни шараф деб билиб,
Кунни тунга улаб тер тўкар сабот –
Элнинг фами билан ўзни унутиб,
Улуг ният сари чоғлагай қанот.

Ақл-заковатнинг сувратларида
Сабр-матонатнинг сийрати яшар,
Самони титратган чақмоқ қаърида
Заминга муҳаббат ғайрати жўшар.

Гарчи шиддатидан ранж чекар майса,
Ёмғир бу – тириклик, ҳаёт манбаи.
Меҳнатдан яралган ўзбек дегани
Меҳнат қилсан дейди қилгани сайин.

Буюклик – камтарлик – макони ойдир,
Манзили ягона, матлаби – меҳр,
Адолат қуёши порлаган жойда
Самога бўй чўзгай пок ниятлар ҳур!

Гўзал Андижонда эрта отар тонг,
Гўзал Андижонда кеч ботар қуёш.
Бу кун Андижоннинг сийрати осмон,
Бу кун Андижоннинг суврати бардош!

Анда жондан ўтар Аршга қадар йўл –
Турфаранг гулларнинг ифорин сочиб,
Жаннат тупроғида ризқи рўзи мўл,
Бу кун Андижоннинг манзили ажиб...

Улуг эътирофдан само юраги,
Илиқ муҳаббатдан жўшмоқда шиддат.

Юрт Отаси берган меҳр тафтидан
Мамнун жилмаяди авлоду аждод!

Юракларда түгён интилиш, орзу,
Билакларга тұлған янги күч-қудрат.
Тилакларда: мудом ёруғ юз билан
Юксакларга қадам ташламоқ, фақат!

2010

МЕҲР ҚҮЁШИ

Боқиб күхна тарих нигоҳларига,
Дуога чулғанған ҳайратни күрдим.
Хур Ватаним, қайноқ қучоқларингда
Мунаввар юз очган ҳаётни күрдим!

Заррин нур ёғилди само бағридан,
Дуру гавҳар унған тупроқларимга.
Ватан, деган садо минг йил наридан
Янгради дилларнинг титроқларида –

Андижон – жон қадар суюқ, деганда,
Юртбошим бор меҳрин қуёшдек сочиб,
Үтмиш-келажаги буюқ деганда,
Улуғ ният тұла қалбини очиб!

Чиройингга чирой баҳш этди бу ишқ,
Салоҳият қўшди азиз номингта,
“Анжанча” лаҳҗада янгради калом –
Юксак эҳтиром-ла она заминга!

Тарихий ҳужжатта чекилди имзо,
Элим, шод қаршила бу улуғ баҳтни!

Муқаддас Ватанни айлагил ризо –
Жондан азиз тутгай Андижон аҳдни!

Барқарор бўлсину тинчлик жаҳонда,
Ҳеч дилга адоват фифон солмасин,
Бағрикенг ҳур диёр Ўзбекистонда
Халқим яратишдан асло толмасин!

2010

ФАХРИЯ

Кўрганларнинг ошар ҳайрати,
Дил яйратиб эсар хуш насим,
Бўй талашар ҳар иморати
Янги "Ўзбекистон" кўчасин!

"Арк ичи"дан келади садо,
Синчлар аро жонланар мозий,
Ҳавасланиб нур сочар само,
Замин қутлуг қадамдан рози!

Эски шаҳар хотирларини
Йигирма йил ёритар бир-бир,
Таҳсин келар минг йил наридан,
Фурурларга тўлади сабр!

Анда жоним, дея ўртанган,
Шоҳ ва шоир Бобур битар байт,
Армонларин учади ранги,
Руҳи обод юртни қучган пайт!

Навоийнинг даҳоси буюк
Ниятларга баҳш этса дуо,

Ворисларин Соҳибқирондек
Қўллаб турар улуғ муддао!

Юракларни яйратар севинч,
Нигоҳларни ёндирап меҳр,
Асрларга синалгувчи синч –
Мозий узра қўйилган муҳр!

2011

МУҚАДДАС ВАТАН

Буюк ва муқаддас Ўзбекистонда
Хумо қушнинг баланд учмоғи азиз,
Мозий қатларидан асрий орзулар
Юксалиб, самони қучмоғи азиз.

Ватан дея урган ҳар бир юракнинг
Оҳидан яралган титроғи азиз,
Шонли Мустақиллик солномасида
Йигирма йил тизган саноғи азиз.

Ватаннинг дардию, чеккан заҳмати,
Бағрида ҳар сиқим тупроғи азиз,
Азиз, барчасидан оби раҳмати,
Истиқоли азиз, байроғи азиз.

Хурлик карвонида одимлар шаҳдам,
Танлаган нурафшон ўз роҳи азиз,
Азиз, муқаддасдир, чин ишонч билан
Сизу бизга тиккан нигоҳи азиз!

2010

* * *

Арзир элга хизматингиз эътирофга —
Ҳақ қўллагай ҳар нияту муродингиз,
Мардонавор давр юки зиммангизда,
Асрларга еттай сабру саботингиз.
Давру даврон, зайди замон ўтар, аммо
Жондан бино рўйи замин қарофида
Осмон юлдузлари янглиғ яхшиларнинг
Номи яшар юракларнинг ардоғида.

2011

ДУНЁ

Замонлар ўзгарар, давронлар ўтар,
Қалбларни ўртаган армонлар ўтар,
Сафилу сафодил инсонлар ўтар,
Фақат сўз абадий қолар дунё бу.

Кимдир боғ яратгай, дилларга малҳам,
Кимнингдир қадамин гарди тўкар ғам,
Серёғду фалакнинг булатлари нам,
Ер-кўкни йиглатиб қонар дунё бу.

Оҳуларнинг маъсум кўзларида ёш,
Кумурсқалар йўлин ёритар қуёш,
Бегуноҳ оққушлар кўтаролмас бош,
Берган зийнатидан тонар дунё бу.

Гўзалдир, оламнинг ойлари гўзал,
Ишвакор гуллари, сойлари гўзал,
Маст этар хушнаво найлари гўзал,
Жилваси жонларни олар дунё бу.

Номардлар қилмиши дилни доғлайды,
Манфаат миннатнинг тилин ёғлайды,
Чумчукъа дон берсанг, зоғга ёқмайды,
Ҳасадлар ўт бўлиб ёнар дунё бу.

Ўтингим: байтларим ботмасин дилга,
Талх уммон ҳаёт бахш этолмас гулга,
Мусича дарс берса не тонг, булбулга,
Дилозорни қувиб, толар дунё бу,
Фақат сўзни асраб қолар дунё бу!..

2001

ЮРТ ИШҚИ

Йифламоқ истайди кўнгул, йифлаёлмасман, нетай?
Рухим ором излаган чоғ ухлаёлмасман, нетай?

Боғда булбул чорламиш, гар бормасам ҳолим
хароб,
Интизор гул-лолаларни ҳидлаёлмасман, нетай?

Тоғ ошиб манзилга етмоқ – фарзи дунёи азал,
Икки чашмим боғламиш афёр, ошолмасман, нетай?

Бул жаҳон шони надурким, ман бўлиб шайдо анга,
Тоғдин ошгайман, vale дилларда қолмасман,
нетай?

Андижон Чўлпони чорлайдир – сочиб сўздин
зиё,
Йўлларим тўсмиш азал ҳукми, боролмасман,
нетай?

Кўҳна Шош кўксига унсиз кўзларим тўкканда ёш,
Доду фарёд иштиёқидин тонолмасман, нетай?

Бетиним йиғлар юрак, мен йиғлаёлмасман, нетай?
Толдилар мужгонларим, оҳ, ухлаёлмасман, нетай?

1998

ВАТАНГА

Тунга қамар даркор, кундузга қуёш,
Гулга нур, об, ҳаво, шабнамий кўзёш.
Кимга бол, кимга ёр, кимга мол орзу,
Дилга ишқ-муҳаббат керак ҳис-туйфу.
Ким неъмат истайди, ким роҳат истар,
Кимнинг кўнгли висол ўйида музтар.
Ким шодон, ким нолон,
Ким лол, ким ҳайрон,
Мен Сенинг ҳажрингда бериб қўйгум жон!

2008

ЭЪТИҚОД

Беҳудуд оламнинг бир нуқтасини
Бедор, беҳаловат этаётган ким?
Кундуз кўзин ёқиб, тун сийнасини
Шўр сув или ювиб, кетаётган ким?

Ким у суюклисин вафо қошида
Ожиз, афтодаҳол кўрган жафокаш?
Ким у умрининг энг кўркам ёшида
Васлдин бегона кўнгли кул-оташ?

Қадр бозорида кезиб сазойи,
Муруват мезонин излаётган ким?
Серғавғо дунёнинг сермеҳр жойи
Кўйида кўкларни кўзлаётган ким?

Эътиқод қаломин тиш-тироғи-ла
Жонида, қонида асраётган ким?
Оқибат нотайин гумон доғи-ла
Тухмат ботқогига неча ботган ким?

Қўл тугул, ўй етмас ишқ мавзусида
Қалам бирла суҳбат қураётган ким?
Кўкни титратгувчи сўз орзусида
Замин кўксига тиф ураётган ким?

Ер уза тортма ғам-алам наърасин,
Кўксига оёғинг қўйганинг камми?
Ҳаётбахш тупроқнинг илиқ сийнасин
Тарқ этсанг, кўқ ватан бўлур эканми?

Беҳудуд оламнинг бир нуқтасини
Бедор, беҳаловат этаверма кўп,
Жажжи дилгинангнинг мунгли сасини
Ватан юрагига тутаверма кўп!..

1999

ИСТАК

Дунё!

Бағрингдан гул термоқ — ниятим!
Ва рангин гулларим ифори қайта
Ўзгинангни сарҳуш айласа, дейман.

Юртим!

Мұхаббатим сенгадир буょқ!
Мени қалбим ишқин изҳори сенга
Ишонч иллари-ла бойласа, дейман.

Тупроқ!

Хидларингга тўймайман сира;
Софинч саҳросида хуморинг мени
Мажнуаликка teng айласа, дейман.

Ҳаёт!

Гоҳо оғир, гоҳида аччиқ,
Ҳазилларинг, ғаму қайғуларингни
Юрак ер қаърига жойласа, дейман.

Халқим,

Бағрингда кўп турфа феъл каслар;
Тангрим мендек ўжар қизингни сенга
Лойик фарзанд этиб сайласа, дейман!..

2001

* * *

Мен жой ахтариб юрибман,
Халқим, сенинг юрагинг аро.
Бир тайинли сўз айтолмадим,
Афсус шеърим йўқ бирор сара.

Мехр ахтариб юрибман,
 Сендан чирой оларманми, деб,
 Суюк, хушрӯй бўларманми, деб,
 Ишқим ахир олий, бокира!

2007

БОБУР БОБО БИЛАН МУЛОҚОТ

(Андижон воқеалари қурбони бўлган
 Бобур театри изтироблари ёхуд тилсиз
 гувоҳ — Бобур ҳайкали қошига)

— Бобур бобо, Сиз севган гул диёр узра
 Бутун офтоб нур сочмоқда маъюс, маъсум,
 Халқингизнинг қалбида ҳур алёр узра
 Не тонг, афсус, алам тўла мунгли назм...

Руҳингизни безовталар айламакка
 Ботиндими ул мудҳиш кун, жаннатмакон?!
 Мозий аро келди сўзингиз кўмакка:
 Жазо топқусидир албат, кимки ёмон.

Саркардалик — мардлик ахир Сиздан мерос,
 Йўқ, хиёнат отин минган биздан эмас,
 Тожмаҳаллар безаб турган дунё ҳаққи,
 Доно халқим асло оқни қаро демас!

Ўшал куннинг гувоҳи — Сиз, тулпор, майдон,
 Каззоб дунё сўйлар ёлғон башоратлар.
 Ўшал куннинг минг оҳисиз — тилсиз қурбон,
 Дош бердингиз — бағрингизда ёнди ўтлар!..

Дош бердингиз, Сиз суйган юрт кўки узра
 Тундан қаро булут кезди ўшал кеча.

Иймони пок элингизга нажот излаб,
Қурбон бўлди неча асл миллатпеша.

Насиҳатлар этгандингиз наслингизга,
Юрт ҳажрида ёниб Ҳинднинг қучофида.
Неча аср Сиз кутган ҳур фаслингизда
Олов ёғди хоинларнинг ўчофидан.

— Болам, битмас ярамга туз сепдинг, аммо
Эзгуликка жаҳолат ҳеч келганми бас?
Сабр айла, алам олис кетгусидир,
Ҳалокатсиз тарих Ҳаққа етган эмас.

Гарчи жонсиз танам, руҳим уйғоқ эди,
Кўрдим: само узра ёт эл абри бедор,
Наслим, сенга маломатлар ёғдирмоққа
Уриндилар неча нокас, неча хунхўр.

Ёт ғоялар сўқир этган каслар қўли
Пок юраклар қонларига ботди, э воҳ!
Мозийдан бир ёдгор — фазл даргоҳидан
Аршга қадар етди сўнгсиз аламли оҳ!

Соф фалакни булғаб тундек тийра дудга,
Ўт қўйнидан ҳасадгўйлар излар таскин —
Ёнди, э воҳ, асрлардан омон ўтган,
Авлодларим азиз билган қутлуғ маскан.

Ёнди диллар, ёнди замин, ёнди олам —
Чидолмайин манқуртларнинг қилмишига.
Куйган дилим сўзламоқда кўрганларин,
Ишонмангиз кўрмаганлар миш-мишига.

Бу дунёга бўлолганми устун ахир,
 Ҳақиқатни эгиб, даврон сурган қаслар?
 Тарих ҳукми барҳақ, чин сўз демоқ фарздир,
 Ҳақни эслаб, халқни эслаб ҳар нафасда!

Кўнгил отлиғ олий ҳилқат тоза бўлса,
 Тоза аъмол, тоза виждан ёрдир анга.
 Қабиҳ, ният макон этган вужудлардан
 Ёғар фақат тубан ҳисли ўт-аланга.

Хушёр яша, алдов бир ён, синов бир ён,
 Бедор яша, ғаниматdir ҳар бир онинг.
 Эл бошига иш тушдими, бўлгин қалқон,
 Токи мавжуд эрур жисминг аро жонинг.

— Бобо, халқим билар хурлик сўзин қадрин,
 Сабр йўлларидан оғмай одимлагай.
 Нетай, кимдир англамайди фано даҳрин —
 Ўзни само, ўзгани ер фаҳмлагай!?..

Замонларга балолардан уруғ сочган
 Эмасмикан ўзни элдан устун кўрмоқ,
 Нафс отин миниб, меҳр боғларининг
 Мевасин еб, илдизига болта урмоқ?

Эмасмикан битта миллат, битта халқнинг
 Инқирози — дўст қадрини дўст билмаслик?
 Келтирмасми аждодларнинг ғазаб-қаҳрин —
 Эзгуликка эзгуликни қасд билмаслик?

— Тарих сўзлар ноқисларнинг кечмишларин,
 Асрлардан ўтгай фақат илму зиё,
 Разолатдан чиқмас сира маъно, тайин,
 Қабоҳатдан безор замин, безор дунё!

Мозийнинг қат-қатларидан акс этгай,
Ким жоҳилу ким фузало, ким нобакор?
Калтабинлар катта сўзлаб қайга етгай,
Қайга етгай элдан жудо бўлган беор?

Сўз демоқлик эмас осон элга манзур,
Оқил асло даҳоликка этмас даъво!
Асрларнинг синов отли элаги бор,
Элақдан соғ-омон ўтмоқ мушкул савдо!

Айтар сўзинг, юртим, деган ҳар юракка
Жойлай олсин эзгу умид, эзгу калом,
Токи Ватан ичра кезган хоинлардан
Омон қолсин ўзбек деган муқаддас ном!

2005

СЕНИ СЕВАМИЗ

Мен сени севаман, Андижон!
Юракда соф туйфу – ишқ билан!
Ишқимнинг баёни истадим,
Ушбу кун аламли ашқ билан.

Мен сени севаман, Андижон,
Мехрингдан ним кўнглим тоғ эрур!
Ярангга бир малҳам тополмай
Ожиз бу дилгинам доғ эрур.

Дунёни, зиёни англашим,
Англашим ҳаётнинг қадрини,
Фусункор гулзору боғларинг
Таратгач жаннатий атрини.

Кўзимда жолаю ҳажрдан
Юракни енгганда дард-ситам,
Жонсиз бу танимни авайлаб,
Бошимни силадинг, волидам.

Бобуринг кетганда йироқлаб,
Софинчдан соchlаринг қор бўлди.
Чўлпонинг бағрига босолмай
Тупроғинг ташнаи зор бўлди.

Нодиранг закоси қалбларга
Сочганда беминнат нур-зиё,
Жаҳолат, жонимни олма, деб,
Этгандинг оламга илтижо.

Айт, қандай юпатай, Онажон?
Осмонинг йиғлар ёв абридан.
Корингга ярарми, сўзим, деб,
Мухаммад ўртанаr қабрда.

Биз Сени севамиз, Андижон!

2005

ОГОҲЛИК

Не-не синовларга бергансан бардош,
Халқим, мудом сенга пок иймон йўлдош,
Кимки тинч кунларни этмаса эъзоз,
Кечирмагай икки дунё, эй халқим!

Ахир инсон деган муқаддас қалом —
Аллоҳдан иноят, Аллоҳдан инъом,
Ахир мусулмонга мусулмон одам
Этмоғи мумкинми, риё, эй халқим?

Бу кун шаҳрим, сенинг маҳзун бағрингда
Кезарканман дилда ёнди аланга,
Ахир қаро ният ёшу ялангта
Келтирди-ку шунча бало, эй халқим!

Афсус-надоматдан энди йўқ, фойда,
Не тонг, тикон ўсса гул мавжуд жойда,
Қабоҳат қайдаю, садоқат қайдар,
Фақат эзгулик — нур, зиё, эй халқим!

Ватан сўзин улуг, азиз билганлар,
Она тупроққа чин меҳр берганлар,
Бу кун бизни деб жон фидо қилганлар
Номларин унутма асло, эй халқим!

Мен бир дилбандингман, мен битта ниҳол,
Бағрингда неча мард фарзандларинг бор,
Ҳамиша Юртбошим этган ифтихор —
Андижонсан — асл маъво, эй халқим!

Огоҳлик, ҳушёрлик, бедорлик чекинг,
Майли, юрт деб жону жаҳондан кечинг,
Ватанга содиқлик қасамин ичинг,
Биздан қолсин Ватан сафо, эй халқим!

Ҳеч ким топмагай баҳт кечиб виждондан,
Ахир Ватан сўзи эрур иймондан,
Агар Ватан дея кечмасак жондан,
Авлодлардан ёғар жафо, эй, халқим!

2005

ТИЛАК

Туғилсин туйгулар,
 Туғилсин ҳислар,
 Мусаффо — пок бўлсин ортдаги излар.
 Эзгулик зиёси сочсин дур — сеҳр,
 Қалблардан таралсин
 Муҳаббат, меҳр!
 Дунёга нур керак,
 Оташ — қуёшга,
 Инсонга не керак севгидан бошқа?
 Сувсиз яшнарми гул,
 Яшнарми ҳаёт?
 Ишқсиз қандай ахир яшар одамзод?
 Дарёлар тўлқинсиз наҳрми,
 Юрак
 Тўлғониб, куймаса кимга ҳам керак?
 Туғилсин оҳанглар,
 Туғилсин оҳлар,
 Диљлари дардларга ошино моҳлар...
 Қалбларга армонлар солсин майли ишқ,
 Майли уммонларга айлансин сиришк.
 Майли, девонавор висолсиз тунлар
 Асрий орзуларни этсин кукунлар;
 Эгилсин эгилмас,
 Эрк билмас бошлар —
 Кўнгилга зулм этса сабру бардошлар!..
 ...Туғилса ишқ сабаб
 Нафосат — назм,
 Энг улуғ баҳт асли
 Шудир, азизим!

2004

БАҲОР

Баҳор!
Қалбим сенингдек софдир, ишон!
Шаббодангдек ҳисларим бедор,
беозор
осмонингдан юксакда ишқим яшар,
тупроғингнинг остида юрагим бор...

Баҳор!
Қиши зарбига этмайин парво,
мағрут, мардонавор енгасан уни,
менинг муз қалблардан озурда дилим —
риёлар гулханин кукуни!..

Баҳор!
Ўргат менга оҳиста,
кулиб,
қаро ерга алвон либос бичмоқни,
нозик ниҳолларинг савалаган сел
сувларин меҳр ила ичмоқни!..

Баҳор!
Сен йилдан йил яшнайвер, эркам;
Мен — очилмай сўлган гулнинг
дарбадар,
сенга ўхшолмаган байтларига ҳам
ҳаёт баҳш этиб тур ҳар сафар!?..

2002

УМИД

Дўппингдан ўргилай, жафокаш халқим,
 Қандай кўз тикипман нигоҳларингта?
 Мен бир фарзандликка арзидимми, айт,
 Малҳам тополмасам минг оҳларингга!

Сени камситдилар, кўндинг, чидадинг,
 Ишлатдилар, сабр паймонинг бўлди.
 Пахта — бут устим деб, буғдой — ноним деб,
 Роҳатни билмаган бир жонинг бўлди.

Зорланасан, фақат меҳнатдан умид,
 Хўрланасан, эзар ташвиши ноннинг.
 Юзингдаги ажин, кўзингдаги мунг
 Наҳот изтиробга солмас виждонни...

Дардингни айтавер, тинглайверайин,
 Чораси бир куни топилиб қолар,
 Умидлар юртида бир кунмас, бир кун
 Кўзларим кўзингта тик боқиб олар!..

...Мана, нурли кунлар келдилар охир,
 Муродбахш саболар эсдилар майин.
 Эрк қушинг қанотин кенг ёйиб, соҳир —
 Умид нурин сочар кўқдан тинмайин.

1994

САИД АҲМАД

Фалак, қизғонмайин ўз неъматингни,
Икки буюк дилга буюк ҳис солдинг!
Ногоҳ Саидаи омонатингни
Сўйганин бағридан қайтариб олдинг...
Нечун дариф тутдинг раҳм-шафқатни,
Ҳажр ўтида ёқдинг Саид Аҳмадни?!

Матонат мулкида ягона ўзи —
Вафо маликаси, шум қисмат қули.
Назмий чаман ичра янграгай сўзи,
Сўнмагай, сўлса-да умрининг гули!
Армонларга тўла фоний ҳаётни,
Тарк этди Саида Саид Аҳмадни!..

Эрк қушин хўрлаган хор замон узра
Маърифат маъвосин вайрон этганлар,
Тикондан туғ ясад, гул макон узра
Жаҳолат байробин баланд тутганлар —
Қаҳр ила бошига солиб тухматни
Қаро чоҳга отди Саид Аҳмадни!..

Саида зор кутган ҳуррият фаслин
Саксон йил самодан сўрди Саид Аҳмад!
Қўмсаса ғамгусор ёрининг васлин,
Андижонни кўзга сурди Саид Аҳмад!
Дўстлар, қадр этсангиз бу садоқатни,
Суртинг кўзингизга Саид Аҳмадни!

2000

ШОИР МУҲАММАД

Тириклик нимадир?..
 Фоний хаёлот!
 Ишқ излаган баёт,
 Висолсиз фарёд!
 Ким бешафоатдир, ким бесаховат,
 Сўнгти надоматдир санги маломат!

Дилдаги дардли оҳ —
 Серҳадик гулмоҳ...
 Юракни тилмоқдир риёни билмоқ!..
 Ким беҳаловатдир,
 Беишқ саломат,
 Ажри саодатдир ҳажру харобот.

Пайғом ҳадя этган Лайлутулқадр:
 Ҳар бир сиқим тупроқ —
 Биттадан қабр!
 Кимларга роҳатдир ғанимат давр...
 Муруват оятдир,
 Сабр — ҳидоят,
 Бу чин ривоятдир, бу чин ривоят!..

Тириклик бу назм!
 Залворли, азим,
 Икки жаҳон ичра жон бермоқ — жазм!..
 Иншоаллоҳ ўшал соҳиби фазл —
 Ким аҳли жаннатдир, сўзлари абад —
 Шоир Муҳаммаддир,
 Шоир Муҳаммад!

2004

* * *

Муқаммал бўлолмай дунё кўзи нам,
Умр синов эрса, Ҳақ – олий ҳакам.
Эзгулик қуёши қулган макондан
Қочгайдир залолат, чекингайдир ғам.

Токи дунё мавжуд, мавжуд одамзод,
Ислом нури этгай дилларни обод!
Эътиқод безаттай қалб маъвосини,
Муҳаббат-мехрдан бунёддир ҳаёт.

2001

МАШЪАЛА

(*Андижонда бўлиб ўтган «Баркамол авлод» спорт мусобақалари тантаналарида ўқилган шеър*)

Машъала ёнса аҳд – шижиоат ёнар,
Дилда зўр иштиёқ, матонат ёнар,
Машъала ёнса гар мардлар кўксида
Шон-шавкат шуури – жасорат ёнар.

* * *

Юракларда ёнган олов – машъала,
Марду майдон ичра синов – машъала.
Кўқда ёнган қуёш зарраси мисол,
Замин узра сочар зиё машъала.

* * *

Дилга мардлик ўтин ёқсан машъала,
Ўчмоқдасан, афсус қилмасмиз, яна
Қалбларни титратиб, зиё таратиб,
Ёнгайсан юрақда қилиб тантана!

2003

ИЗЛАДИМ

Мен дунёдан фақат меҳр изладим,
 Дилага чин вафодан муҳр изладим...
 Меҳр излай-излай кўксим музлади,
 Ўзимни сенлабон ишқни сизладим...

...Мен дунёдан фақат жафолар топдим,
 Алёр излаб, гирён наволар топдим,
 Баҳорий беқарор саболар топдим —
 Қалбимдан қаҳр — акс садолар топдим...

...Мен дунёдан ширин висол изладим,
 Тоза ишқ изладим, зилол изладим,
 Олов нигоҳлардан титраса лабим,
 Самовий — сарҳадсиз хаёл изладим!..

...Мен дунёдан талхи уммонлар топдим,
 Сайри боғ истабон, сайхонлар топдим,
 Саргардонлар излаб, комронлар топдим!..
 Қалбим қул айлаган хоқонлар топдим!..

Орзуласдан баҳридан армонлар топдим!?..

2004

ОҚИБАТ

Нурга чўмган севги сатрин тузмасман,
 Серхазон ишқ боягин сира кезмасман...
 Бағрим — қуёш, намхуш ҳаво эмасман,
 Лек қуёшдай кулолмасман, дўстларим,
 Оби дийдам тиёлмасман, дўстларим!..

Ошиқларим юрак розин тўкса ҳам,
Кўйимда минг дарду алам чекса ҳам,
Гурур тоғи пойимга тиз чўкса ҳам,
Кулфи дилим очилмагай, дўстларим,
Нури иймон сотилмагай, дўстларим!

Муҳаббатнинг йўллари тордир менга,
Севги оромгоҳи озордир менга,
Неча Фарҳоду Мажнун зордир, нега
Қўринмайдир вафо дашибида Мажнун,
Хиёнат тоғида Фарҳод туну кун?..

Басе, савти наволарга ишонмам,
Хийлагар, шўх саболарга ишонмам,
Ҳажр ила бедаволарга ишонмам —
Хиёнатнинг хили серобдир бутун,
Садоқатнинг ҳоли ҳаробдир бугун...

Даста-даста гулларим бор, асраган,
Хушкалом булбулларим бор, асраган,
Самовий соғ дилларим бор, асраган —
Қалбимга жо осмон қадар муҳаббат,
Сочай ер узра, то унсин оқибат!..

1999

* * *

Зулмат қучоғида ёрқин хотирот,
Зумрад баҳорларга гул тутар алвон,
Биллур томчиларни чексиз коинот
Замин қатларига қайтарар нолон.

Аввал кулиб унга этганди тортиқ,
Сахий ер қизғониш нима билмайин.

Элчи қуёш келиб меъёрдан ортиқ
Олиб кетаверган эди жилмайиб.

Инсониятда ҳам кўп учрар бу ҳол:
Олмоққа моҳирлар жилмаяр — кулар...
Бермоққа оғринар...
Шундан бу мақол:
“Оларда кирар жон, берарда ўлар!..”

2006

* * *

Сўрдилар: ишқ, деб топганинг
Нима бўлди, не бўлди?
Шеър десам жумла жаҳон
Мулзам бўлди, жим бўлди...

Ишқ ҳаётдир, ишқ билан
Инсон умри бардавом,
Ишқ сўзи мавжуд экан,
Барҳаёт шеър ҳам мудом!

2007

ГУЛ ФАСЛ

Ҳар йил сени интиқ кутаман, аммо
Ҳар гал гул фаслингда юрагим музлар...
Яшарганда меҳринг тафтидан дунё,
Кўксимга беркинар хазонгир кузлар?

Ишқпаст қўнгиллар сурганда даврон,
Куйларин қизғонар мендан булбуллар,
Сенинг завқ-шавқингдан шўхи шаън, шодон,
Ёрим йўлларига сочилар гуллар!

Мен ожиз қоламан, фууруим оғрир,
Сўлар ишқ гулларим ҳам беэътибор.
Мен сени севаман, севаман, ахир,
Сен нечун севмайсан мени, гул баҳор?

2008

ЁШЛАР

Мақсадлари мунаввар, олий,
Қадамлари дадил, музaffer,
Юлдузларни кўксига тақиб,
Довруқ сочар бугунги ёшлар.

Юрагида шижаат, шиддат,
Эртасига ишонч барқарор.
Илму ҳунар, спорт, санъатнинг
Сирин очар бугунги ёшлар!

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, деб,
Юксакларга нигоҳин ташлар.
Жаҳон марди-майдонларида
Зафар қучар бугунги ёшлар.

Элнинг улуғ сиймоларига
Муносиблик ишқида яшар,
Миллий фуур, юрт-Ватан учун
Жондан кечар бугунги ёшлар!

2011

ҚУЁШ

Қуёш, васлингни соғиндим,
Ёруғ васфингни соғиндим.
Илиқ тафтуту шарорингни,
Баҳор фаслингни соғиндим...

Кулиб бир чиқдинг-у, аста
Кетиб қолдинг, ки мен хаста,
Паришон ҳолима боқмай,
Юрарсан мағрур, орастад!

Нетай, армон эзар дилни,
Нетай, сенсиз чаман, гулни?
Қуёш, сен қўқдаги шоҳсан,
Нетар ер мендайин қулни?

Сенга дунё этур таъзим,
Даҳрда мен қаби маҳзун
Топилғайми, сенингдек шод,
Менингдек бедаво мажнун?

Қуёш, тафтингни соғиндим...

2008

УСТОЗГА

Ёғди, ёғаверди само ашклари,
Тоғдан оқаверди дарё-дарё сув,
Боғнинг булбулига зоғнинг ғашлари
Келганлиги Ҳаққа ёқмади, ёху!

2009

ҚУШ

Ҳаётимга баҳор, руҳимга мадор,
Баётимга шарор олиб келган қуш!
Хонишларинг сеҳри оқшому саҳар
Бедор юрагимни айлади сархуш!..

Юсуф жамолини орзулаган дил
Зулайҳо хобини айларди хаёл,
Қайс аҳволидан ҳароба кўнгил
Ишқизилик даштини этарди ишғол...

Баҳорий гулларин исин қизғониб,
Қалбим торларини созолмаган ишқ,
Баётимда севинч сўзидан тониб,
Бахтнинг сарҳарфини ёзолмаган ишқ, —

Семурғ қанотида сирли мактубин
Ҳазин дил бобима элтибди, наҳот?
Ойнинг ўн бешини тийра айлабон,
Ўн бешин мунаввар этибди, наҳот?!

Толеимга беҳишт, қалбимга соғиич,
Дил лавҳимга севинч инъом этган қуш!
Дилингда маъсум бир ихтиёр, илинж —
Дардим олиб, ўзинг тортдингми хомуш,

Баётимга ҳаёт инъом этган қуш!..

2004

СЎЗ

Сўзлар теравердим битта-битталаб,
 Хаёлан изингга босганимча лаб!
 Шеър айтдим!
 Булултар йиглади юм-юм,
 Қүёшнинг қўксини куйдирди сўзим.
 Осмондан ёғилди меҳр ва шафқат,
 Булбуллар тин олди, сийлади шавкат!
 Бедардлар бунда бор риё, дедилар,
 Ўзни ҳурдек тутма гўё, дедилар!
 Юракни ер тортди, руҳимни само,
 Йиллар ўтаверди ахтариб даво.
 Қўксим тилкалади алам тошлари,
 Ўқсиб, ўпкаларим тўла бошлади.
 Фийбат келаверди қувиб ортимдан,
 Юрак куяверди ишқ дея зимдан...
 "Хаёлий висол"ни топдим қидириб,
 "Насим оғушида" елиб-югуриб,
 "Ёмғир" қилиб тўқдим элга зоримни.
 "Фурур" деб атадим ишқ мозоримни.
 "Изҳор" этолмайин "Муҳаббат"имни,
 Шеър бағрига тўқдим "Садоқат"имни.
 "Сой бўйида" "Қуш"ни сенга ўхшатиб,
 "Алавидо" товушин сенга ўхшатиб,
 "Фифон" қила-қила фироқ-ҳажрингда,
 Сўзлар теравердим шудир ажрим, деб!?
 Шеър десам ювилар йўлақдаги гард,
 Шифо топар дедим, юракдаги дард!
 Ҳамон тортмоқда ер дил-замиримни,
 Надир тирнамоқда нозик еримни...
 Бор дема сен асло, риё сўзингда,
 Бордир балки икки дунё сўзимда!?

2009

ЎЗЛИК

Қалбимнинг тўрида нурли қуёш бор,
Тубида сервиқор тоғлар узра қор...
Ва қуёш сеҳридан оқиб келгувчи
Сермавж дарёлар тасвири – ашъор!..

Юрагим қўксидা битмас жароҳат –
Ишқнинг йўлларидан топган армоним –
Малҳам илинжида дилларни кезган
Танамдан кун сайин олар дармоним!..

Онгимни бошқарар иймон-эътиқод,
Кўнглимни бошқарар талабгор руҳим...
Сўнгимни кўролмам...
Эҳ, сабр-тоқат,
Надомат ва умид – исён гуруҳи!..

Вужудим зирқирав – таскинлар абас,
Фуурим – менинг энг кучли рақибим!
Дунёвий севгига боғланар ҳавас,
Чин ишқ элларининг ортар таъқиби...

Мана, тағин мен ўз менлигим билан
Ўзимга таниш бир хилватгоҳ ичра
Ўз даҳрим бағрига ўт ёқмоқдаман,
Кўнглимга тийраранг кафандар бича...

2005

ТОПИЛМАС

Қадрима етгувчи бир ёр топилмас,
Ломакон жисмима диёр топилмас...
Дилозор дўстларим бағрида, э воҳ,
Топилгай ханжар-у, ор топилмас!

Нури моҳ изларам — паноҳ изларам,
Сайри боғ изларам, гулзор топилмас —
Муҳаббат мулкининг тупроғи аро
Вафодор изларам, зинҳор топилмас!..

Юлдузлар ёғусин олис Коинот
Улашгай беминнат дил айвонига,
Минг аламки, Замин юзинда, ҳатто
Биргина соҳиби шарор топилмас...

Ёлғизлик кемирган кўнглим деворин
Қулатмоқ истаган ғанимларим мўл,
Ё фалак!
Ииқилмоқ истамам ва лек
Қаддим тик тутмоққа мадор топилмас...

Ҳасаднинг кўксига оловлар ёқиб,
Ўзнию ўзгани қул айлаганлар,
Адашманг, кенг жаҳон ичра манимдек
Хастадил, аҳволи абгор топилмас!

Яйрамоқ истарам, кулмоқ истарам,
Куйламоқ истарам — алёр топилмас,
Мунаввар хаёллар мамлакатинда
Дардларим кўмгали мозор топилмас...

Кўнглима чин ҳабиб, чин ёр топилмас,
Жисмима бир муқийм диёр топилмас...

1999

ДҮСТ ҚАДРИ

Мен сизни соғиндим,
Дүсти азизим!
Юракни босганда ғаму қайғулар.
Айнан сизгагина бор айтар сўзим,
Ҳамда соғинч отлиқ илиқ туйғулар.

Дўстни эсламоқълик – кўнгилга илинж,
Бошларга ташвишлар ёғилган чоғлар
Дилга нажотбахшдир.
Худбин кишилар
Найзаси юракни ўймоқни хоҳлар!..

Уларда вафо йўқ,
Улар бераҳм!
Заҳарли илондек бағирни чақар;
Қадам товушидан келади ваҳмим,
Ёш тўла кўзларга жилмайиб боқар...

Улардан умид йўқ,
Ўқинчлар мавжуд!
Ишончсиз ерларда сарсон кезар ишқ,
Бебошу туйғулар, боғлидир вужуд,
Оқаётган дилхун,
Эмасдир сиришк!..

Менда айб бисёр,
Сизда саховат –
Мехр ҷашмингиздан ёғар нур – зиё,
Яхши ном – энг олий бахту саодат,
Сизни шундай улуғ айласин Худо.

2004

ЁЛФИЗЛИК

Мен ёлғиз яшайман, яшайман танҳо –
 Эгмайин ҳеч кимга хам бошгинамни...
 Қўйинг, кўп илтифот айламанг, сиз ҳам
 Бир кун тўқасиз-да, кўзёшгинамни?..

Мен ғамгин яшайман – яшайман маъюс,
 Гирён этар армон қулиб тутган май,
 Баҳт куйин авжини билмасман, аммо
 Дил ҳазин қўшиқлар куйлади тинмай...

Софиниб яшайман – яшайман интиқ –
 Мардона юраклар айтсин қасида,
 Яшайман нурафшон кунларни кутиб,
 Маккора кечалар исканжасида...

Қалбларга сочилар меҳр-дурларим,
 Озорлар берар ёр дудоқлари-ла,
 Юракка санчилган найзалар зангин
 Кўзларим ювар соф булоқлари-ла.

Аламдан қаҳрга тўлар дунёлар,
 Ҳавони булғайди сўзлар тўзони –
 Бесуяқ забони эркли битта кас
 Қилмиши йифлатар еру самони...

Аллоҳга айтаман шукrona, лекин
 Номардлар ошига шерик қилмасин,
 Беорга ҳамхона бўлгандан кўра
 Чилла ўтирмоқ бас ўқиб чил Ёсин!..

Умидвор яшайман, яшайман нолон,
 Излаб сабр тубин олтинларини –

Менга қурган дорин остида кўрсам
Қалбимнинг бешарм қотилларини!..

Эгмайин ҳеч кимга хам бошгинамни,
Мен ёлғиз яшайман,
Яшайман танҳо!..

2003

ЯХШИЛАР

Машариф Юсуповга

Сиз отамдек меҳнаткаш, ҳалол,
Сиз отамдек юртга фидойи!
Сиздайлар бор, қайтгуси баҳор,
Ифор сочар гуллар анвойи.

Үйғонади ғафлатдан диллар,
Камтарлиқдан дарс олар дунё!
Меҳнат аҳли этганда таъзим,
Раҳматларин ёғдирап само!

Ҳидоятга буркаб заминни,
Нафосатга берурсиз сайдал,
Инсонийлик, садоқат, меҳр,
Матонатдан қўюрсиз ҳайкал.

Яхшиларнинг қалбида бедор
Ватан деган энг муқаддас сўз!
Отам эди Сиздай хокисор,
Ташбеҳларим эмасдир бежиз.

Яхшилар бор бардавом ҳаёт,
Кафтларида дунё тургуси,
Фидойилик, заҳмат ортидан
Янграгуси элнинг кулгуси!

2011

ОНА

Ҳозир васлингизга етсайдим, Она,
Тонгтча юрақда сабр етмайди...
Борсам, бағрингиздан топгум бошпана,
Аммо бугун келган озор кетмайди...

Асло күрмагайсиз күзимда намлар,
Күзёшга арзимас каломлар майды!..
Тұксам ҳасратларим, кетар-ку ғамлар,
Аммо бугун келган озор кетмайди.

Қадр-қиммат танқис, құнгиллар хаста,
Бу ёқда лабзи чин жүмардлар қайда?..
Қүёш ҳам боқмасдан кетади аста,
Аммо бугун келган озор кетмайди.

Ҳиссиз юраклардан ишқ топмоқ маҳол,
Дарду оҳанрабо мужассам найда,
Зулмкор гумонлар кетар эхтимол,
Аммо бугун келган озор кетмайди.

Күнгил хоҳишиң қул, хоҳишиң мулки,
Хиёнатта вафо бекор, бефойда...
Баднағас қуфр уйин тарк этар балки,
Аммо бугун келган озор кетмайди...

Онажон, бағрингиз иссиқки бирам,
Сизсиз музлар танам ҳар он, ҳар жойда...
Бир күн кетар мангу ой-у офтоб ҳам,
Аммо бугун келган озор кетмайди!

2003

СОФИНЧ

Она, ўртар аламлар,
Кўзёш тўкиб толмадим...
Келди улуг айёмлар,
Кўргани боролмадим...

Аёз юзим чимдалар,
Ёр риё куйин чалар,
Ожизманки, шунчалар –
Кўргани боролмадим...

Бугун энг қувноқ, байрам,
Менинг кўзимда-чи, нам,
Софинчдан бежон танам –
Кўргани боролмадим...

Дунёга келтирганим,
Дил берисиз ним – яrim,
Қародир кун-тунларим –
Кўргани боролмадим...

Ота, бу не ситамлар –
Кўзёш тўкиб толмадим?!..
Келди улуг айёмлар,
Кўргани боролмадим!..

2002

ОТАЖОН

Саховат элинда меҳрпешасиз –
 Мудом қалбимга нур сочган қуёшим!
 Диlda Сизга мансуб сертуйғу юрак,
 Кўксимда барқарор сабр-бардошим.

Эзгулик, ҳалоллик гулбоғларининг
 Гуллари ичинда гулдайин яйраб,
 Ўсдим мунофиқлар нўш этган сойнинг
 Сувларига асло теккизмайин лаб...

Маърифат гавҳарин қалбим қаърига
 Жойлаган эмасми, Сиз, Отажоним?
 Руҳимни самовий сирлар барига
 Бойлаган эмасми, Сиз, Отажоним?

Нуроний чеҳрангиз ҳар тонг, ҳар кеча
 Замину осмонга ёғду улашур.
 Ҳар баҳорий чечак, ҳар очилган гул
 Уммон қалбингиздан меҳр талашур.

Сиз билан дилимда тўлиқ ифтихор,
 Юлдузлар порлаган осмонларим бор!
 Юлдузлар бағрида тилло ҳарф-ла
 Шаънингизга битган достонларим бор!

Фоний ўлкаларни тарқ этса дилим,
 Даҳр аро қолса гар ундан бир нишон:
 Балки илиқ бир сўз, балки яхши ном –
 У Сизники эрур, азиз Отажон!

2000

БУЗРУКВОР

(Дадам Ваҳобжон мулла Раҳимжон ўғли хотирасига)

1

Оlam гўзалликни Сиздан олганди,
Нафис кўнгиллигим, жоним Отам-а,
Саховатда қуёш ортда қолганди,
Дуогўйим, шараф-шоним, Отам-а...

Муҳаббатдан сабоқ олганди замин,
Меҳр осмонининг кўшки Отам-а,
Сиз яратган гулзор, боғлар ичиндан
Топсам изингизни кошки, Отам-а...

Самолардан улуғ, беминнат қалбли,
Эзгулик уруғин сочган Отам-а,
Неча мурғак юрак, неча дилларда
Илм чашмаларин очган Отам-а...

Дунёларни кезиб, юрт тинчи учун
Жангоҳларда жонин тиккан Отам-а,
Оҳ, қанчалар оғир, қанчалар азоб,
Мусибатга чидаш экан, Отам-а?..

Кўкси тўла меҳр, кўкси тўла ишқ,
Нуроний юзлари ёруғ Отам-а,
Айрилиқ доғидан беадоғ сиришк –
Йиғламоқда бутун борлиқ, Отам-а...

Софинч саҳросида девонадирман,
Юрак-бағрим ўртар армон, Отам-а,
Қабрингиз узра қалб қўрингиз тафти
Муз кўксим илитар ҳамон, Отам-а...

Тийрамоҳдан сўрай, офтобдан сўрай —
 Саволларимга йўқ, жавоб, Отам-а,
 Юрган йўлларингиз кўзимга сурай,
 Қадамларин бари савоб, Отам-а...

Тубо соясинда оромлар олиб,
 Фирдавс боғларинда кезинг, Отам-а,
 Ризвон неъматлари мунтазир чоғ ҳам
 Ўйлайверманг тағин бизни, Отам-а?..

Кавсар сувларига қонсин дилингиз,
 Аллоҳ рози бўлсин, мўъмин Отам-а,
 Тану руҳингиз шод, Маҳшар тонгида
 Пайғамбарни қучинг, омин, Отам-а!..

2

Фироқ ўртар дилимни,
 Малҳам тополмас жаҳон —
 Беназир олтинимни
 Кўмди тупроқ ногаҳон...

Ажабланмагин, дунё,
 Кўзимда кўриб ёшим,
 Тундан тийра қалбимни
 Ёритолмас қуёшинг!..

Яrim кўнгил, яrim жон,
 Яrim толе — пешонам,
 Мангу армонни қучиб,
 Йифлаб овутар онам.

Беозорим, ғамхўрим,
 Меҳрибоним, қайдасиз?
 Борлиғим сел бўлди-ку,
 Соябоним, қайдасиз?..

...Кўнглим овутмоқ истар
Само тўла юлдузлар –
Кўзларим кўк бағридан
Нигоҳингизни излар...

Баҳор келиб заминга,
Тўлса дунё сеҳрга,
Сизни қўмсаб, майсалар
Бўлсалар зор меҳрга;

Абри найсон ашкидан
Шамшодлар қад эгсалар,
Бинафшалар бошлари
Тупроқларга тегсалар;

Борлиқ: қуёш, оймомо
Сўроқласа куну тун,
Жавоб қийнаб юракни,
Софинч кўрсатса кучин...

Сабр етгайми, йўқми,
Гумондаман, дадажон,
Ҳар дам хаёлимда Сиз
Томондаман, дадажон...

3

Куз келди, ўтди ёз, баҳорлар,
Дилимга етди кўп озорлар,
Бевафо экан дўсту ёрлар,
Дадажон, ғамга ғарқ бўлдим-о...

Мунчалар бераҳм бу фалак,
Тескари айланур чархпалак,
Беташвиш кунлардан йўқ дарак,
Дадажон, ғамга ғарқ бўлдим-о.

Келмофинг, кетмофинг азобдир,
Каззобдир, дунёлар каззобдир,
Оғуси кимгадир шаробдир,
Дадажон, ғамга ғарқ бўлдим-о.

Ошингта шериқдир баъзилар,
Бошингга иш тушса сезилар,
Менга ҳам келганда азалар,
Дадажон, ғамга ғарқ бўлдим-о.

Суянган устуним йўқ энди,
Фифонсиз кун-туним йўқ энди,
Юрак ним, бутуни йўқ энди,
Дадажон, ғамга ғарқ бўлдим-о.

...Куз ўтди, нишон йўқ баҳордан,
Қабрингиз тўкилмай оҳордан –
Сиз ташлаб кетган тонг – саҳардан
Дадажон, ғамга ғарқ бўлдим-о.

4

Кўлимда қаламу, дилимда оғриқ,
Ёзганим кўзёшим ювиб, ўчирап...
Дадажон, мен Сизга муносиб, лойик
Фарзанд бўлолмадим, мени кечиринг...

Кўксим ёнмоқда-ю, сўзим ёнмайди,
Софинч ўртамоқда, аммо йўқ илинж.
Дилим тиғлар йўқлаб борган чоғларим,
Кетганларим иш кўп, дея шошилинч...

Бағрим куймоқда-ю, танам музлайди,
Э воҳ, шамсталъат халоскорим йўқ!..
Паришон хаёлим висол излайди –
Энди ўйдан бўлак дасти корим йўқ!..

Сиз эккан дарахтлар бошимни силар,
Суйган гулларингиз ҳол сўрар нолон,
Ўтирган ўрнингиз, юрган йўлингиз
Маъюс қарши олар энди, дадажон...

Қайтаман, қалбимда армоним чексиз,
Ёзаман, гўёки алам йироқлар...
Сўзларга сифмаган оҳу фарёдим
Юрагим қаъридан Сизни сўроқлар!?..

Малҳам бўлолмайди кўзимдаги сув,
Ҳажр ўти беаёв, бешафқат, нетай?..
...Ҳар гал мени йўқлаб келардингиз-у,
Дарҳол дер эдингиз: энди мен кетай!..

Мангу фироқларда қолдириб бу кун,
Мангу ғамхонага ташлаб кетдингиз,
Борса қайтмас чин йўл манзилин кўзлаб,
Мени ёлғонига ташлаб кетдингиз!?..

Энди қайдан излаб, қайдан қидирай,
Энди изингизга зорман, дадажон,
Беминнат моҳитоб, beminnat moҳrӯй —
Мангу қизингизга армон, дадажон!..

...Кўлимда қаламу кўксимда оғрик,
Ёзганим кўзёшим ювиб ўчирад...
Дадажон, гар Сизга муносиб, лойиқ
Фарзанд бўлолмасам, мени кечиринг...

2003

ТАСКИН

Дада,
 қошингизга келдим, ушбу кун
 дўстлардан етганда ранж ила озор.
 Дердингиз: қалбингни кемирса гар кин,
 дилинг маҳзун этса айлангил мозор...

Дада,
 тупроқларнинг бағрида ҳаёт
 осуда эканми, йўқмикан армон?..
 Ҳажру фироқлардан фақат одамзод
 тириклиқда чекар эканми афғон?

Дада,
 Сиздан мадад, куч сўраб келдим!
 Найлай, пойингизга эголмайман бош –
 Сиз тупроқ остида, хотиржам, маъсум,
 мен-чи тепангизда ғофил, бебардош!..

...Дада,
 мен юрибман, ўша-ўша...
 ғам
 кўнглим ним эттанча, юз бурганча баҳт.
 Вале васлингизга восил бўлар дам
 ёруғ рухсор ила кўринмоғим – аҳд!..

Дада,
 тириклардан марҳумлар бисёр,
 меҳрлари зиёд, озорлари йўқ!..
 Беминнат мададкор, беун нажоткор –
 фақат тинглагайлар, оҳ-зорлари йўқ!

Аммо тирикларнинг кўксидага қаҳр,
 сўзларида макр, қўйнида ханжар.

Бир зум ғафлат боссанг, чоҳлар мунтазир —
машъум қучоfiga олар тубсиз жар...

Дада,
тирикларга меҳрингиз ҳаққи
тиланг шафоату инсоф-диёнат!
Оппоқ — ойдин йўллар етказсин токи
оппоқ манзилларга мени саломат!

2004

ОТА

Отамнинг бор умри сабрга кетди,
Меҳнату риёзат — жабрга кетди.
Фароғат чироғин, ҳидоят нурин
Ахтариб, қоронғу қабрга кетди...

2007

ОТАМДАН ҚОЛГАН

Юзимда ажинлар — отамдан қолган,
Отамни кўмган қун — мотамдан қолган,
Етар, менга ҳукм ўтказолмайсан,
Хижрон, ўзгаларга ситамлар қолган!

Омонат саховат — хотамдан қолган,
Надомат — ишқдаги хатомдан қолган,
Кўздаги изтироб, дилдаги алам,
Ваъдасин унугтан одамдан қолган...

2005

* * *

Ота, яшаб-яшаб ўтиб кетдингиз!..
 Неча қақшаб-қақшаб ўтиб кетдингиз?..
 Мен-чи ошаб-ошаб юрибман омон,
 Ризқим TOF-TOF хирмон,
 Теграмда уммон.
 Она, сиз ҳам жим-жим юрибсиз яшаб,
 Бир кун кетасизми отамга ўхшаб?
 (О, нақадар даҳшат!)
 Нақадар даҳшат,
 Мен бунда қолмоғим қақшаб...

2007

ИҚРОР

Онажон, мен Сизни кўрмаганимга
 Ой бўлдими, йилми, билмайман.
 Аммо дилни эзган туйфуни
 Ҳар кун йўқламасам, кулмайман!
 Онажон, мен Сизга беролмаганим,
 Аллақандай ҳиснинг измида увол.
 Сиз ҳар кун интизор кутган қадамлар,
 Тошдиллар тош йўлин этмоқда ишғол.
 Кўнгил умр тилаб, тонг оттирганмас,
 Жабр ила тириклай кўмганни излар.
 Сизга айтилмаган энг сара сўзлар
 Бемехр касларга айтилар юзлаб.
 Билмам яшаяпман қандай?
 Тескари!
 Ахир етади-ку, ҳар нега ақдим.
 Ойда йўқламасам, Сизни бир бора,
 Кимга наф берарди ёзган шеър – нақдим?

2007

ДИЛ АРМОНИ

Онажон, Сиздан бўлак бир меҳрибоним йўқ
менинг,
Меҳрингиз тафтидин ўзга хонумоним йўқ менинг.

Қон била жисмимда туғён пок дилингиз чашмаси,
Ки Ватанга бундин ўзга армуғоним йўқ менинг.

Турфа ранг гулзор – бу кўнглимга кўз солмас
қуёш,
Парвариш истар, нетайки боғбоним йўқ менинг.

Гоҳ, замин-даввор аро тансиқ маҳал обу ҳаво,
Жонға осойиш этарга ошиёним йўқ менинг.

Тил била дил ёралар эрсаки кўнгли қоралар,
Рұҳима куч бергали ширин забоним йўқ менинг.

Минг шукр, чархи фалакнинг юз жабр-жафосига
Кўп эрур сабрим, vale оҳу фифоним йўқ менинг.

Онажон, Хуршида дил армони бир уммоңдир:
Бўлмасин кетсам жаҳондинки нишоним йўқ
менинг.

2000

Мурод-ул шамс

Мен анилаб етдиңкі, нұғы илохия
Қалбинидан юзинша ақс этин мөхәдір!
Рұхым құжқа зерттан беадаң түшіңү,
Күксім ериа торғынан бөаев қайы.
Шанғын хижфонидан ғекілін охандыр!



САМОЙИНУР

(Изтироб достони)

Зоҳиг бўлма, обиг бўлма, ошиқ бўлмил...

Хожа Аҳмад Яссавий

Ҳар киро жома зи ишқе чок шуд,
Ўзи ҳирсу жумла айбे пок шуд.¹

* * *

Ошиқи пайдост аз зории дил,
Нест бемори чу бемории дил.²

Жалолиддин Румий

Эски нома

Сен ҳақингда фақат хотира,
Сен ҳақингда фақат хаёл бор!..
Сен – дунёнинг тенгсиз нодири,
Деб билгувчи ёлғиз аёл бор!..

Яшаймизу биз бир шаҳарда,
Тақдир бир бор учраштирумайди...
Юрак йиғлар шому саҳарда,
Васлинг тилаб, кўксим тирнайди...

Лутфимга зор неча юз-юзлаб
Дўстлар тафтин сезмай музлайман,
Нигоҳимга тикилган кўзлар
Қароғидан сени излайман?!..

¹ Кимса эгни ишқдин гар чокдир,
Покдир у, ҳирсу айбдин покдир.

² Ишқ пайдодир кўнгил оҳ-зоридан,
Йўқ эзур бемор кўнгил беморидай.

Сен ҳақингда ширин хотира,
 Сен ҳақингда нурли хаёл бор!..
 Қайлардасан, тенгсиз бокирам,
 Қайлардасан, сирли савол бор?

Яшаб ўтсак биз бир шаҳарда,
 Тақдир бир бор учраштирумайин.
 Сенсиз жонсиз жисмим Маҳшарда
 Жаннатдан юз бурмоғи тайин?!..

* * *

Мен сени соғиниб, кутиб яшадим,
 Умидларим унсиз ютиб яшадим.
 Рухсорингни минг бор тасвир айлабон,
 Оқ қоғозни шунча йиртиб яшадим...
 Дармоним сен эдинг, дардим сен эдинг,
 Жонсиз бу тани тик тутиб яшадим,
 Орзум: пойингга бош қўймоқ эди-ю,
 Номингга раддия айтиб яшадим...

*Ногаҳоний нур – умиддан ҳажрга,
 сабрдан ҳидоятга қадар йўл номалари*

* * *

...Сендан миннатдор дил,
 Сендан рози дил!
 Балки нур висолинг бўлмагай насиб,
 Бизни этмаса гар Аллоҳ муносиб?..
 Умидлар руҳимни йўқлади!
 Даҳл
 Этдим яна ёруғ дунёларига!
 Халос қилдинг қўзим гирёнларидан!
 Сендан миннатдор дил,
 Сендан рози дил!
 Балки айтолмайин кетгум розидил?

Ҳатто жамолинг бир кўрмогим гумон,
Бир бор суҳбатингдан бенасиб, бежон,
Эҳтирос, иштибоҳ-ла беихтиёр
Ўшал дунёларга қилурман сафар?
Аммо рози кетгум бугунги кундан,
Муродбахш, ҳаётбахш умидли кундан!

* * *

Умид қандай яхши,
Умид қандай соз!
Кўзга нур, дилга қўр бергувчи рўё,
Умид борки, танда айланади қон,
Умид борки, юздан таралур зиё.
Наботот қуёшга интилган каби,
Уммонга қўшилмоқ дарё матлаби,
Умидсиз манзилга етолмас инсон,
Умиддан яралар ҳаёт мактаби.
Бедаво дардларни енгмоқлик мумкин,
Текса юракларга умидвор эпкин,
Умид бор, яшайди муҳаббат, орзу,
Умид бор, дил нафас олади эркин.

* * *

Умидим узайми, қандай узайнин,
Ахир боғланган-ку жуда олисдан.
Амрингга итоат этай деб мана,
Бошим кўтаролмай қолдим болищдан.

Алам ютавериб, ишқ кутавериб,
Чарчадим бир умр куйиб-ёнишдан,
Армон, ҳижрон, соғинч, ашкка зеб бериб,
Ашъор битавериб толдим хонищдан.

Сенга гулларимни тутсам гар сара,
 Наҳот бош тортасан уни олишдан?
 Висол орзусига гарчи йўқ тараф,
 Кўрқаман умиддан айро қолишдан!..

* * *

Наҳот, сени топмай туриб йўқотдим?
 Ор, фуур деб ишқ қошида лол қотдим!
 Ўз-ўзимни надоматга қул этиб,
 Ўз бошимга маломат тошин отдим!

Ишқ ва юрак жанг кетмиш кўксимда,
 Аҳли сипоҳ ранги кетмиш кўксимдай –
 Жанг майдони қаро қонга бўялган,
 Юрак ҳоли танг –
 У кетмиш кўксимдан!

Ишқ, ғозий!
 Сувор, отлар дупури,
 Баронғору жавонғорлар сурури!
 Зеру забар бунда юрак лашкари,
 Сабр келди ёрдамга тез югуриб –

Сабр амри вожиб, вужуд – bemажол,
 Дил қонини ичар сабр bemалол.
 Яро юрак ва ниҳоят жанггоҳда
 Илма-тешик ҳолатда топмиш завол.

* * *

Бутун дунёлардан тополмай меҳр,
 Аста дил эшигинг чертдим тортиниб,
 Нафис сас таралди, ёруғ сипеҳр –
 Умидим бойладим унга ботиниб...

Нечун дунё шундай фирром яралган,
Нечун ўйларингга ўйим боғлиғ-у,
Сарв бўйларингга бўйим муносиб
Келмади!
Ёнмоқда эҳтирос, туйфу!

Бутун дунёлардан ёғилди меҳр,
Баридан юз бурдим сенга илиниб,
Осмон юрагингдан минг бор ялиниб,
Ҳарорат истадим, изладим сеҳр!

Менга ноаёндир дилингдаги ҳис,
Менга қоронфудир истак-хоҳишинг!?
Кўрсанг раҳму рифъат этардинг шаксиз,
Ашк ўрнида юрак қоним оқишин...

* * *

Юрагимни кемирмоқда аламлар,
Вужудимни ер тортмоқда қаърига!
Рухим самоларда сарсон, излаб жой,
Мен жим бардош қилмоқдаман барига!

Ахтараман ожиз дилга йўқ нажот,
Сендан ўзга ололмас хор кўнглимни,
Тун хўмраяр, ҳижрон кулар устимдан,
Кўриб ҳар тонг сенга терган гулимни.

Сенсиз дарёларнинг бўлдим ҳамроҳи,
Корим булатлар-ла бўлди муштарак,
Сенсиз бедардларга айтдим дардимни,
Қайдা жойлашганин унутди юрак.

Дунё ачинди-ю, очди бағрини,
Зиё таратмоқчи бўлди қалбингдан,
Сен бўйингни самоларга teng қилиб,
Томошабин бўлдинг киборли, зимдан.

* * *

Қорадарё, Қорадарё,
 Юрагимга қара, дарё!
 Қон оқар қоп-қора, дарё.
 Қорадарё, Қорадарё,
 Ўзинг ҳолим сўра, дарё,
 Номардларга зор айламай,
 Дардимга топ чора, дарё!
 Қорадарё, Қорадарё,
 Умидларим экан рӯё,
 Сенинг бағринг тўлар, дарё,
 Йиғласам зор, зора, дарё?
 Қорадарё, Қорадарё,
 Севги ҷунча хор-а, дарё?
 Мунча макру хиёнатдан
 Ясалган қўп дор-а, дарё?
 Сен кўзёшим таъмин тотдинг,
 Қара, қандай шўр-а, дарё,
 Ажабланма рангин қўриб,
 Бағрим тўла яра, дарё.
 Умидларим сўнмиш бутун,
 Ишқим эди сара, дарё,
 Мен ҳеч нега ярамайман,
 Сен коримга яра, дарё!

* * *

Осмон, қуёш, гулзор,
 Дарё – жилвакор...
 Мендан кўнгил сўраб чирқиллар қушлар...
 Сабо юзларимни силар авайлаб,
 Япроқлар пойимга пойандоз тўшар.

Борки мавжудотдан тилянмоқ шафқат,
 Мехр излаб топмоқ мумкиндири, аммо
 Сенинг юрагингнинг тафтини туймок,
 Сенинг тилагингни билмоқ – муаммо!?

* * *

Сен мени бир тафтга айладинг муҳтоҷ,
Ғурур тоғин ошиб, ашқ наҳрин кечиб,
Дил дардимга ожиз изладим илож,
Ёлғизлик шаробин мардана ичиб...

...Гӯё минг йил бурун кўргандим уни,
Энг ҳарир, энг латиф парда ортидан.
Ой юзидан сим-сим ёғиларди нур,
Тенгсиз мўъжизадек эди сиртидан.

Сенсиз уни излаб дарёга бордим,
Дарёдилмасларни билмам, деди у.
Қуёшга ёлвордим, қайда, кўрсат, деб,
Бемехр касларни билмам, деди у.

Дараҳт ковагига айтдим сиримни,
Туну кун шивирлаб оламга сочди,
Кўзёшларим ичган тупроқ ниҳоят
Мендан қарздор каби бағрини очди?!..

* * *

Менга бедардлиқдан сабоқ берингиз,
Ё юрак торларим узингиз ишқдан!
Мехр дарёсининг қирғоқларида
Юравермай ҳамон тинмай сиришқдан!

Бешафқатлик ҳиссин кўксимга кўминг,
Дийдам билмай қолсин кўзёш нелигин,
Кибр фанини ҳам қўшиб ўргатинг,
Қаддим расо тутай, бўлмайин нигун.

Худбинлиқдан бир оз дарс беринг, токи
Хаста дил ғамини тинглай бир бора,
Бедор юрагимга ором илинай,
Бир бор унинг учун қидирай чора!

* * *

Мени ютиб юбормоқда ёлғизлик,
 Михлаб ташламоқда түшакка!
 Мезон – сирдошимдир хазонрезгилик,
 Дил ғашланар ҳар гал гӯшақдан...

Кимнинг сўзи янграр назм боғида,
 Кимдир коинотга қадам қўйган он –
 Кимдир само сиррин очган чоғида,
 Мен-чи чекмоқдаман ишқ, дея фифон!..

* * *

Етар, фуруримни урмайман ерга,
 Етар, тиланмайман сендан шафоат,
 Майли асрий умид-армонларимни
 Тинмай талаб ётсин афсус-надомат.

Бас, азиз бошимни хам, нигун ҳолда
 Кўрмайдилар энди аҳли жамоат.
 Энг сара, энг инжу тилакларимни
 Эшитгуси фақат олис самоват.

Айтгум бардошимнинг синовларига,
 Амри киборингга этмас итоат,
 Сенга етишмоқлик чин иқбол дердим,
 Асли етишмаслик экан саодат!

* * *

Кўзларим ювмоқда алам ёшлари,
 Болишларга ботиб кетди бошлиларим,
 Келмайсанми бардош, кетмайсанми ғам,
 Дилни бўлмаяпти бошқариб!?..

* * *

Умр поёнига етар ҳам бир кун,
Жунун вужудни тарк этар ҳам бир кун...
Шеърим хотимаси битар ҳам бир кун,
Ўшанда тупроқдан тилангум тафтлар!...

Суякларим қалам бўлиб тупроқقا
Ёзса гар исмингни минг бир титроқда,
Руҳим куяверса тағин фироқда,
Унга бағишила бир сурай софлар!

Самодан ёғилса мен чеккан оҳлар,
Сен мунаввар нурга бурканган чоғлар,
Мени ютиб ётган оғзи берк чоҳда
Сенинг ғалабангта айтгум шарафлар!

* * *

Келиб жон сўрса Азроил қилиб касби аъмолини,
Қўюрман шартки, аввал менга кўрсат ёр
жамолини.

Ўйилган дилда исмингни ўқибон Мункару Накир,
Кетур қайтиб, этиб шафқат, беролмай бир
саволини.

Магар қилсанки фарёд, жабру ҳажринг дастидан
Аршга,
Юборгай мен томон Ҳақ, дил-танинг ёллаб
шамолини.

Қуёш миллиард йил ўтгач куйдирай деб келса ер
шарин,
Топур хоким уза ишқим ўтидин ўз заволини.

Ки Маҳшар тонги Хуршида гуноҳи ишқи-чун
сенга,
Дадил дўзах сари бормоғида топгай камолини!?..

* * *

Мани ҳеч ким йўқламайдир,
йўқлама, сен ҳам алам!
Тошга айлан, сен-да майли,
дил, сени сезмас олам,
Аршга етгай зора зоринг,
ёра етмас бўлса ҳам,
Пора-пора этма чоки
гирибонимни, Адам!

Сен вужудим айлагин тарқ,
борлиғим ёқма, олов!
Мен Худонинг энг заифи,
қийнама, ишқ, беаёв,
Кўк сари йўл ахтариб дил
қирқ йил кезди яёв,
Йўлда қолди неча ҳамроҳ,
неча ҳамдард, неча ёв.

Бас, манга ҳою ҳавас ҳам,
бас манга ошиқ нафас,
Англамай булбул навоси,
гул ҳиди не хору хас,
Тингламай диллар ғамин,
бас, йиғламай беҳуд, абас,
Сезмагач бору йўғимни
даҳри дун берсам-да сас!

Баски, ул ёр йўқламасми,
йўқлама, сен-да олам,
Ногаҳон кетса олиб
жоним вужудимдан алам...

* * *

Ишқ օғир, дард օғир, юрак қўп օғир,
Бахт йироқ, кўк йироқ, қаттиқ ер-бағир,
Теграмда минг қалбда ҳаяжон, титроқ,
Сезмайман!
Дил сенсиз сезгидан йироқ!

Ҳаёт бирам օғир, тириклиқ օғир,
Зиммамда: лутф, карам – бўлмоқ қенг бағир,
Матонат ва сабр – бесўз, бесўроқ,
Нур сочмоқ – дилда йўқ эрса-да чироқ!

Кўп օғир, табассум, тажассум օғир,
Елкамда муazzам юқ – босим օғир!
Интилмоқ ва етмоқ мумкиндири, бироқ
Бахтдан тарк этмаса жон танни шу чоқ!?

* * *

Иzlаринг излаб, баҳор, ёз қолмади,
Чоргузар, Майдону Гумбаз қолмади.

Кўк бағир очди у ой, юлдузми, деб,
Кўнглима кўз солмаган кас қолмади.

Аҳду паймон элидан минг бор узр,
Ўртада бир ҳурмату лафз қолмади,

Дилга ташбех ахтариб сарсон замин,
Харсангу тош, хор, хазон, хас қолмади.

Бўйларим эрди само қадр элида,
Воҳ, қара: ердан-да ул паст, қолмади.

Ҳақ гувоҳ, ҳалқ рози дил орзусига,
Сандин ўзга норизо рост, қолмади.

Бошни бунда қор, қировлар қопламиш,
Вақт ҳакамдир, фурсатим оз, қолмади.

Тонгла Маҳшар, бас санга минг зор, ўтинч,
Дилда қолди қасд-у, дилроз қолмади.

* * *

— Нурга чўмилтириб овозларингни,
Кимга сўйлаяпсан дилрозларингни,
Қайга шайлаяпсан парвозларингни?

— Аршга йўллаяпман тилакларимни,
Юлдузлар эшитиб эртакларимни,
Ростга тўлдирмоқда этакларимни!

— Кимга асраяпсан ишқ-бисотингни,
Зикри хуфя этиб тун-кун отини,
Зоҳиринг заъфарон, гирён ботининг?

— Ҳур деб атаганим — самовий висол
Тупроққа беланиб топмоқда завол,
Зарра меҳр тансиқ, минг нола увол!

— Ўксима, ўртанма, ишқдан тортиниб,
Кимки ҳазил қилди сенга ботиниб,
Аллоҳ, ўзи топгай дилинг қотилин!

* * *

Гарчи дунё бағри кенг, азим, лекин
Сен, мен яшаётган шаҳар тор, ихчам —

Бир кун учраштирса йўллар дафъатан,
Кўриб олгум сени узоқдан секин.

Шунга шунча ўтинч, илтижо шартми,
Кўз – маним, йўл – умум, хоҳ қоч, хоҳ беркин!
Бу фано даҳрида хусумат нечун,
Нечун кибру ҳаво, нечун гина-кин?

Атрофингда ҳар кун сонсиз одамлар,
Улар-ла мулоқот, машварат мумкин?!
Бир дилни бу истак маҳв этмоқда-ю,
Тақиқ айлармиди инсонпарвар дин?

* * *

Аввал гулларимни ол-чи, қўлингга,
Ёқмаса кетарсан ташлаб йўлингга,
Олгин, сўнг борайин рози ўлимга!
Дилни хору хасдан бино, демагил!

Бир бор билагимга бойла билагинг,
Томирим шахтидан ўйнар юрагинг!
Қара, назар сол-у, ўтинч, тилагим –
Мунча бағри дилинг хино, демагил!

Само синамоқда фурур-оримни,
Замин симиirmоқда куч-мадоримни,
Гулларимни ол-у, қургил дорингни,
Вале ичгил жоми фано, демагил!

Шафқат тилайверар дилдан яхшилар,
Шавкат тиловчилар гулдан баҳс қиласар,
Гулларим бир сендан парвариш тилар,
Олақол, бунда не маъно демагил!

* * *

Ишқ, куйи янграса, янграбди,
 Бир юрак яйраса, яйрабди,
 Бахт сўзин англаса, англабди –
 Назар сол, менга бир, ё Раббим!

Кўзимдан нур олсин юлдузлар,
 Юзимдан тафтлансин қундузлар,
 Ортимдан ҳавасманд ой юзлар
 Эргашсин, сўзим – дур, ё Раббим!

Ҳаволар етказгин юракка,
 Наволар бойлансин тилакка,
 Кўнмас дил ундан ҳеч бўлакка,
 Бир бора учраштири, ё Раббим!

Сехр бер, сен томон юзланай –
 Аксингдан тус олай, кўзланай!
 Имкон бер, унга бир сўзланай!
 Бас, зиқна, шум тақдир, ё Раббим!

* * *

Менга, сабр, дединг, то қабр, дединг,
 Каломдан сўнг сенинг сўзинг, дедим мен,
 Сен ва мен висолга етган тун тонгла
 Маҳшар воқе бўлур ўзи, дедим мен!?..

Севги надир, дединг, ишқ – ҳазил, дединг,
 Beiшқ қолсам, жоним, узил, дедим мен!
 Туни Қадр, дедим, оққушингга айт,
 Минг тунлик тилагим – асл, дедим мен!

Меърожим – тушимга сен кирган кеча,
 Ибодатимсан тўрт фасл, дедим мен!
 Ушшоқ юрагимдан тўкилган такбир,
 Пулсиrot ипига тизил, дедим мен!

* * *

Менга шарт қўйишдан аввал, азизим,
Ўзингнинг эртангни қанийди кўрсанг!
Аввал мен томон бир қадам босиб кўр,
Пойинг ўпгаи чўғдан куяди кўксинг!

Менсиз ҳолинг оғир кечса нетарсан,
Дея ташвишимни қилмагин сира,
Мендан кечгувчини туғмаган дунё,
Асли эртанг учун сен қидир чора!

Аввал мен томонга қадам босиб кўр!

* * *

Тафтингдан қўрқаман, танамни
Ёқиб юбормасми, ўшал кун?!
Минг жунун, савдойинг кам, дея
Жонимни бадалга тўшар тун?

Васлингдан қўрқаман, наслимда
Муродга етмаган ҳеч санам!
Умидлар дояси – ер-фалак
Камолга етказди ишқни ҳам –

Бир висол, сўнг завол, дер юрак!

* * *

Изингдан ихтиёр – иқрор истадим,
Дилингдан изтироб – изҳор истадим,
Ғанимдан ижтиноб бисёр истадим,
Топдимми, топмадим, билмадим!?

Сўзингдан мажозий қарор истадим,
Юзингдан самовий шарор истадим,
Бағрингдан баҳорий ифор истадим,
Топдим-у, тутдинг-у, олмадим –
Самодан ижозат бўлмади!

* * *

Елга ишонмайман, келмайди!
 Гулга ишонмайман, кулмайди!
 Диңга ишонаман, ўлмайди!
 Келгин, ишонайин сенга сўнг!

Селдан нолимайман, савалар,
 Не қилсан Ой мени қувалар?
 Кўзни сувласам сўз қувонар,
 Диңга тордир дунё, гилга кенг!

Қуёш, ўтмадинг ҳеч бошимдан,
 Эй тош, чиқаверма ошимдан,
 Бардош, ҳайдагин сен лошимдан —
 Таъқиб, таҳқири, тухмат турса чўнг!

Наво, таралиб тур йироқдан,
 Сабо, қутқар мени фироқдан,
 Худо, яратдинг-ку, тупроқдан!
 Сўзим ҳаволарга қилма тенг!

* * *

Менга боқмаяпти бу замон,
 Селга боғлаяпти дилимни,
 Бир бор ҳидлат менга, хиромон —
 Мехр исмли тоғ гулимни.

Кенгга кенг, деб дарёдек оқдим,
 Сахролар тўйганин айтмади.
 Тенгга тенг, деб шайдойи боқдим,
 Шайдойим суйганин айтмади,

Шайдойи у кунлар қайтмади!

* * *

Майли, висолига етқазма, унинг,
Лайли аҳволидан бўлсам-да хароб,
Майнинг заволига тутқазма мени,
Зайлинг шундай, дея замонга қараб!

Найни узоқроқ чал, мутриби муҳиб,
Айни жўр бўлмоқда қудратли нидо!
Ойни сенга бергум, келақол, мурид,
Жойни қўрсатақол, сен менга Худо!

* * *

- Айт, ҳаётдан нолиб нетасан?
- Ишқиз урмай қўймоқда юрак,
Бақога ишқ излаб кетаман!
- Сабр қилсанг кўниб кетасан!?
- Қирқ йил қилган сабрим — бесамар!
- Самолардан келмиш хушхабар:
«Муродингга энди етасан!»

* * *

Сенга беролмасам ишқ гулларимни,
Куйлаб бўлгач барча қўшиқларимни,
Кетавергум, майли, ёлғон дунёдан...
...Пок либослар кийиб зару зиёдан,
Юрак-ла саралаб равза гулларин,
Лол этиб жаннатнинг ийни ҳурларин,
Энг аввали пешвоз чиқиб йўлингга,
Тутқазгум гулларим аста қўлингга!
Мурод ҳосил бўлур бормоқларимда:
Гул ҳиди уфурган бармоқларим-ла
Бармоғингга тақиб қўяман секин,
Нурдан ясалган чин никоҳ узугин!..

* * *

Қачондир бир куни Буроқ отида,
 Еттинчи фалакка олиб чиқса ишқ,
 Йўлда очгум сенга сирри ботиним,
 Боҳабар еру қўк тўқади сиришк!..

Қачондир бир куни шафқат охири,
 Қўлингдан об-ҳаёт тутқазса ҳалол,
 Равшан тортардики, шундай зоҳирим,
 Икки дун дўзахи топарди завол!

* * *

Сўзни тушунмадинг!
 Сўзимдан олам
 Кўкси қалқиб-қалқиб ларзага тушди!
 Шеърга ишонмадинг,
 зоҳиди Адам,
 унутма, Калом шеър тарзида тушди!

Дилга ачинмадинг!
 Аллоҳи Карим
 мен — гадо қўксига жойлаб ишқ — г'янин,
 сен — ғаний пойингга отганди атай,
 Дилда Ўзи пинҳон бўлди тиланчи!
 Зикри сир этолмай тепалаб ўтдинг!

— Мехр! —
 умидвор дил тутиб тиландик,
 — Шафқат! —
 сабр билан кутиб тиандик,
 охир тавалло — шеър айтиб тиандик,
 доҳил бир сўзни минг қайтиб тиандик —
 Бизни менсимайин тақвога кетдинг!
 Шавқ шаробин тилаб уқбога кетдинг?!

* * *

Дил – фано дайрида бир дайди тайр –
На бордир ватани, на ном-нишони,
На уммон, на тоғдан олади хайр,
На гул сочар унга анбарафшонин.

Тинмай куйлайверар сирли бир қўшиқ,
Уни тушунади на ер, на само,
Найзаларга тўлиб кетгандир тўши,
Куйламоқда парво қилмайин ҳамон!
Дил – фано дайрида бир дайди тайр!

* * *

Бўйим етмаяпти бўйларингизга,
Қўлим етмаяпти қўлларингизга,
Фикрим кетмаяпти ўйларингиздан,
Зикрим қайтмаяпти йўлларингиздан.

Тақдир босмаяпти қўксига бизни,
Бағир қўмсаса-да у солган ҳисни.
Охирлаб қолди-ку умрнинг кузи,
Оний дийдорга ҳам йўқмикан изн?

* * *

Қор учқунлаб қолди...
То дийдор
Йўл тагин мушкулроқ, эҳтимол?
Дил қушим тин олди...
То баҳор
Фанодан топмасми интиқол?
Зор, чирқиллаб кетса
бевисол,
қонидан унса ол-лолалар,
Бир дийдор ҳаққига соғ, зилол
Дуога қўшиб тўқ жолалар!?

* * *

Ёронлар, йиғлашни ташладим,
 Бедардлик қўшиғин бошладим!
 Эгнимда яп-янги оқ либос,
 Дастимда – ҳазми соз ошларим!

Юлдузлар кўз қисиб қўймоқда,
 Ой сокин дийдорга тўймоқда,
 Шамоллар булатлар бағрини
 Қуёшнинг тийфи-ла ўймоқда!

Бўйлари чўзилмиш йилларнинг,
 Кенг экан ишқизлик йўллари,
 Серҳашам бир қасри бор экан,
 Сайргоҳ экан ўнг-сўллари!

Қарғалар боқаркан мастона,
 Ким беҳис, қаршилар остона,
 Бахт сўзи осилган пештоқда,
 Кулгудан безалган кошона!

Осмонлар ўпаркан бошини,
 Жарангি билурдай тошининг,
 Ҳиссизлик куйига рақс этар,
 Шўх қизлар сар-пойи кошили!?

— Кел, бунда яшағни бошлагил! —
 Ногоҳон кимдир сўз ташлади.
 — Йўқ менда кулгуга маҳорат,
 Яхиси, йиғлашни бошлагум!

* * *

Мен висолни китобатдан ахтардим,
Мұҳаббатни самоватдан ахтардим,
Ибодатни саховатдан ахтардим,
Саодатни қайдан ахтарай, дунё?

Шаҳду қандни тил — суҳбатдан ахтардим,
Садоқатни чин меҳнатдан ахтардим,
Мен умматми, Мұхаммаддан, ахтардим!
Ва ё барча аъмолим пучми, рўё?

Нух, кемаси, асраб қол дил кенгини,
Одам Ато, ато этгил tengimni,
Момо Ҳавво, ҳавонгдин бер сўнгини,
Ютиб кетмоқда мени ишқи дарё!

* * *

— Кўзёш, сабр, сукут...
Бошқа йўқ чора!?.
— Унут, барин унут!
Айла наззора —
Тунда ой нурлари руҳинг овутар,
Юлдузлар қўзингдан аритар жоланг!

Кутгинг келяптими?
Кут, майли, кутсанг —
Тоғлар бағридаги баҳайбат ҳарсанг
Қор-бўронга чидам дарсин ўргатар,
Бедор ўрмон алла айтади ҳорсанг!

— Уйқум келмаяпти!
— Ором ол, пича,
Қон дилинг тун рангин олмасин ичиб,
Сўкиб қўйса тонгнинг чокин кипригинг,
Осмон Хуршидадан кетмасин кечиб!?.
Умид, фақат умид — даво bemora!

* * *

Ҳуснинг яратганга шукр.
Нурдек таратганга шукр!
Хок исмимни Хуршида деб,
Сенга қаратганга шукр!

Яралганим ҳақ бўлса-ю,
Дилда ишқ барҳақ бўлса-ю,
Сенингсиз беэга кўнглим
Азозилга нақ бўлса-ю,
Ундан айритганга шукр,
Ишқ деб сайратганга шукр,
Куидириб ўтингда жисмим,
Руҳим яйратганга шукр!

... Кўзимга тупроқ тўлса-ю,
Сўзингда сўроқ қолса-ю,
Менга буюрмаган чўғни
Лабингдан титроқ олса-ю —
Ҳиссинг уйғотганга шукр —
Охир тонг отганга шукр —
Турбат ичра таскин топиб,
Бахтиёр ётганга шукр!?..

* * *

Мендан сабр, мендан шукр,
Сен онамга бергил умр,
Бадал айлай ишқим — фузун,
Сен боламга бахш эт сурур!

Пойин ўпай садоқатнинг,
Дил ноламга шайла қабр,
Махрамимга саодатлиф,
Муяссар эт юксак қадр!

Ўлсин ҳавас, синсин ғуур,
Истиқболдан кетсин жабр!
Девоналиғ мақомимдан
Айрма сен ҳиссиз тавр!

Мендан сабр, мендан шукр,
Сен онамга бахш эт сурур,
Жоним бўлсин ниёз-назр,
Сен боламга бергил умр!

* * *

Басдир шунча ҳаяжон, титрок,
Айтаримни айтдим сувларга,
Қайтаримни буюрди қирғоқ,
Хожат йўқ деб энди қувларга!

Раҳмат, сенга, эй оқар булоқ,
Сирларимни ортиб сийнангта,
Малолидан тутса-да тўлғоқ,
Сездирмадинг мен – кўзи намга.

Ялдо туни ҳоргин ва мудроқ,
Сокин наво чалди муҳаббат,
Ташна дилга ачиндинг, бироқ
Тилаб кетдинг сабр ва тоқат!

* * *

Бахтнинг рангларини кўра бошладим,
Бири ойда экан, бири қуёшда!
Кулгу жарангини илғаб оляпман,
Гоҳо сойдан келса, гоҳида тошдан!

Ялдо кечасининг яғмоларидан
Савти наво топдим ўй-у ҳавас-ла,

Лайло бўлиб бориб ишқ саҳросига,
Висол завқин туйдим Мажнуннафасдан.

Умр авроқида яйраш сирларин
Бекарор, безавол еллар ўргатди,
Туҳмат тошларини емирмоқ илмин
Хазонгир фаслимда селлар ўргатди.

Баҳт рангин энди сал англаяпман-у,
Ўзимдек зорларга келар ўргатгим!

* * *

Илк ҳабиб айлаган назми қаламга,
Самовий сирларга тўлдирган дилим,
Раҳмоний нурларга чўмилган гулим —
Яйраб сайр этмаган нозу ниамда.
Сенга мурувватлиғ бўлмадим, кечир,
Майли, энди қасос оғусин ичир!

Руҳлар сарҳад билмай кўқда учганда,
Юрак икки дунё дардин қучганда,
Тилак икки танга кафан бичганда,
Сен не, ўзимга ҳам куймадим, кечир,
Майли, энди армон оғусин ичир!

* * *

Сендан ранжимоққа бор менда асос,
Селдан ранжимоққа ҳаққим бор пича,
Йўлимга сен тортган тақиқ чизифин,
Ювмай сел кўзёшим қўймоқда ичиб...

* * *

Висол борми то Маҳшар,
Хаёл борми мунаввар?
Ҳақдин шафқат муқаррар,
Хастаман, йўқла, савоб!

Ёшим ўтдими ишқдан,
Бир бор жой кўрмай кўшқдан,
Нечун толмам сиришқдан,
Нечун ўтмас изтироб?

Муродга етганмидинг,
Бахтинг бут этганмидинг,
Заволим кутганмидинг,
Мехримга шуми жавоб?

* * *

Менга зарра умид бер, бас,
Оламни шеърга тўлдирай,
Даламни гулга тўлдирай,
Аламни гилга кўмиб, ой
Хуснингга боғлай ҳавас!
Менга қайта умид, бер, бас!

* * *

Бугун мен дунёдан четдаман,
Бугун дил мавҳум бир элларда.
Кўксимда яшнаган боғ-чаман
Қоп-қора қонларга беланганд.

Елларни кутган гул интизор,
Селларга тутилди оқибат.
Кезмоқда бетайин оҳу зор,
Эзмоқда bemisл уқубат.

Ҳа, ҳеч ким тушунмас бу шеърни,
Дер балки бу – қуруқ сафсата!
Орзулааб ўтмоқда дил ерни.
Осмонга сифмаган лаҳзада,
Осмондай йиғлаган лаҳзада...

* * *

Менинг кимлигимни билмадинг, осмон!
 Мен сенинг остингда хору зор –
 Муштарий ҳуснига интизор,
 Қадрсизлик ёмон, осмон!

Менинг кимлигимни билмайсан, замин!
 Оёғим варракнинг ипидай –
 Сен уни минг маҳкам тутмагин,
 Осмонга талпинар дил тинмай.

Менинг кимлигим сен биларсан, уммон?
 Қанча қўзёш тўқдим бағрингга,
 Тўлқинлар кўксимга тўлганда
 Юрагим қанчалар оғриган...
 Малҳамим бермаган осмон!..

* * *

Баҳоримдан йўқ дарак,
 Наҳоримда тилаклар.
 Чорлов куйини чалиб,
 Толмиш нозик билаклар...

Лайлаклар келмиш учиб,
 Турналар тушмиш ўйин.
 Қалдирғочлар кимнингдир
 Нурга буркамиш уйин.

Қор ёққан бошларимда
 Ўрик гули парвона,
 Булбуллар юрагимдан
 Ошён истаб гирёна.

Ранг қидирар майсалар
Кўнглим кенгликларидан,
Лоладек дил қонимни
Ичмоқда боларилар.

Маҳзун-маҳзун қўшиқлар
Янграмоқда юрақдан,
Баҳоримдан бер дарак —
Наҳоримда тилаклар!..

* * *

Нега дилгоҳингдан жой кўрсатдинг-у,
Борай десам ёпдинг даричаларни?
Нега нигоҳимга кўз ташлайсан-у,
Боқай десам бирдан кетасан нари?

Қуёш каби порлаб қўксим ёқасан,
Ой бўлиб аллалай бошлайсан ҳар тун,
Тушларимни қучиб йифлаб оламан,
Илинж уйғотганда кипригим тутиби...

* * *

- Сен Ишқ ҳақида шеър ёздинг!
- Ҳа, ёздим!
- Ой висолин орзу этдинг!
- Тонмайман!
- Ҳисларинг ортидан дунёдан чиқдинг!
- Бу руҳнинг иши!

Тутқин эди жисм вафога, жон эса руҳга,
Англомаслар ҳислар илоҳиётин умидландилар!
Қочдим. Паноҳ излаб топганим шу шеър!
Эришганим — висол — шеърларим, холос!..

* * *

Сени бир кўришни истадим,
 Ва буни сўрадим Худодан.
 Ҳақ деди: майлига кўролсанг,
 Кўрақол, бўлса гар у одам!?

Мен сени гуллардан сўрадим,
 Қушлар чуғурида тифдай сўз.
 Дараҳтлар шивирин тинглаб жим,
 Сенинг таърифингга йиғдим сўз.

Тошларнинг кўксига бош қўйиб,
 Тонгларни оттиридим неча йил,
 Самандар эдим, ўт ахтариб,
 Топганим бир ҳилқат — мўътадил.

Мен сени самодан ахтардим,
 Заминга қарашни хоҳламай.
 Кўксимда умидвор саман от
 Чопди, чопаверди тўхтамай...
 Ҳамон чопмоқда у тўхтамай...

Илк қатра нурбахш куннома

* * *

Уйғонолмаяпман ишқ уйқусидан,
 Ул шириннафасни олиб кел, сабо,
 Фарқ эт дилим висол наҳрига, майли
 Ўт вужудим айла селга мубтало.

Англаёлмаяпман, розимни айтсам,
 Сабо, элтсанг агар шириннафасга,
 Аҳдидан тонмасми, олмасми малол,
 Дил қушим солмасми олтин қафасга?

* * *

Самодан нур ёғилди сим-сим,
Хаста замин меҳрга чўмди.
Баҳоримни кузга берган ишқ
Кузим алвон гулларга қўмди.

Атиргуллар юзлари ял-ял,
Фунчаларнинг лабида ханда,
Тоғрайҳоннинг ифоридан маст
Буюк бир ҳис масрур чаманда...

Қуёш олов нигоҳин тиккан,
Уйғонган кенг дунё ғафлатдан,
Энтикади гувоҳ, — ер-само,
Ишқ тиланар Жавзо Ақрабдан...

* * *

Кипригимдан тўкилма, сиришқ,
Вужудимни ёқманг, оловлар!
Не тонг, кўқдан ёғилмоқда ишқ,
Юз кўрсатмиш оҳанраболар.

Мадоримни қайтиб бер, алам,
Асроримни очманг, наволар,
Илк бор жилмаймоқда тунд олам,
Дилга тўлмиш тоза ҳаволар!

Юрагимни ёқманг, оловлар!

* * *

Тоғ, дарё, сўлим, хуш ҳаво...
Дўйслар дийдоридан шодланар дунё,
Парвонадир минг бир эътибор, аммо
Маҳзун дилим қуйлар сен ҳақда наво...

* * *

Кўзимга нур бағишлидинг,
Дилимга бердинг илинж.
Лабларимда ним табассум,
Рұхим қамради севинч.

Висол ваъда айлаган тун
Вафо қиласми сўзга?..
Дил нолимас қулмаса кун,
Етолмаса ўлдузга...

Шоҳ лаҳза деб ёзар умр
Дафтарин сар лавҳига,
Шукрилиллоҳ, барҳам берди
Шу он ўлим хавфига...

Vugd номалари

Дунё, сендан хафаман:
Вужуд гарчи тупроқдир,
Қадр энг буюк тоғдир,
Тофии бўлмайди янчиб!

Само, сендан хафаман:
Кўнгил балки бир оҳдир,
Дил берганим – нур – моҳдир,
Нурни бўлмас-ку қучиб?!

Худо, сендан хафаман:
Кўндир, дедим, мутаассир
Кўзим айладинг басир,
Энди бўлгайми очиб?

* * *

Куйлащдан толма, дилим,
Нурларга қилма парво,
Сен тупроқсан хокисор,
Уларнинг кўнгли осмон!

Йиғлама, бас, самога
Жилмайиб қўй бир бора,
Дунё ҳайратда қолсин,
Куйла бир шўх тарона!

* * *

Сочсам сочибман-да, йўлларингга гул,
Ёзсам ёзибман-да, орзунгда ашъор.
Сара, дур сўзларга тўлса бу кўнгил,
Менда нима гуноҳ, менда не айб бор?

Ёнса ёнибди-да, бу юрак ишқ деб,
Тонсанг тонибсан-да, сен муҳаббатдан,
Гул йўлаклар сенга келмаса гар эп,
Қолсанг қолибсан-да, мангу ғафлатда.

* * *

Аё, дил қушларим, қайтингиз йўлдан,
Ва ё олиб кетинг умидим дилдан!
Бино бўлганман-ку бор-йўғи гилдан,
Само, қучоғингда нима бор менга?

Дунё, кулаверма ҳадеб ҳолимга,
Бирён этма қулоқ тутмай ноламга –
Ўт қўйиб юборгум бутун оламга,
Чўғсиз ўчоғингда нима бор менга?

* * *

Санда йўқ гар эҳтиёж, манга даркор сухбатинг,
Гарчи ер, осмон эрур чин харидор сухбатинг!?

Сув, ҳаво нондин кечиб, кун кўриб бўлгайми айт!
Рад этур дил жонни ҳам айласа зор сухбатинг.

Қизғонолмас-ку, қуёш нурини ер юзидан,
Ер-самодан топмадим, мунча душвор сухбатинг?

Сабрима ўт кетди, бас, минг ёниб сўнмас ҳавас,
Минг синааб минг айлади зору афгор сухбатинг.

Садқаи умрим кетур, билмасанг Хуршидани,
Кел, тараҳҳум бирла эт садқа бир бор сухбатинг!

* * *

Қанча умрим қолди сарсари...
Ишқ – Худонинг нодир гавҳари!
Мурожаатим – муножот бари!
Қиёмат кун сўргумми лабзинг?

Инсон дили тошдан биномас,
Борки юрак хоки – хиноваш!
Ишқ Ҳақ эса висол – гуноҳмас!
Қани ишқа, зоҳидо, назринг?

Фурур бўлсанг, хокисор – менми?
Бир лутфингга жон нисор – менми?
Самомисан, ой, қуёш – сенми?
Етмайдими сенга ер арзи?

Муҳаббат – Ҳақ!
Муҳаббат – Худо!
Муҳаббатдан яралган дунё –
Муҳаббатга қилса ким жафо
Адо бўлмас гуноҳу қарзи!?

* * *

Менга шарт қўйдинг: Само, Ер билмаса
паймонимиз,
Жонга жон бахшида бўлгай токи бор имконимиз!..

Минг сабр пойига чўқдим, минг умидга бош эгиб,
Шошма, деб минг айтмайин олислади карвонимиз.

Гулми, тош, юлдузми, ой Хуршид юзидан ранг
олур,
Ўйлаган эрдим висол – асрий тилак-армонимиз!?

Бу жаҳондин юз буриб парвозга шай дил
қушларим,
Равза боғин кўзлагай қўмсар эса хуш онимиз.

Минг аср аввал сени асрраб висолнинг ўтидан,
Кўксима жойлаб эдим бор ўт-олов – қурбонимиз.

Ушбу кун чалмоқда-ю, тақдир ризолик қуйини,
Во дариф, бу гал сен асрраб қолдинг-а иймонимиз!?..

* * *

Йил ўтди...
Ўтган йил шу аснода мен
Орзу-умид отин жиловин тутиб,
Арш қадар юксалган туйфуларимдан
Сатрлар ясаган эдим саноқсиз...
Улар китоб бўлди!
Мен-чи, бетайин
Орзу-умид отин ортидан қувиб,
Тупроққа беланган туйфуларим-ла
Кузги хазонлардек ҳорғин, яроқсиз!

Ҳамон Қорадарё оқмоқда сокин,
 Ҳамон ҳаволанаар самода қушлар,
 Ҳамон гуллаб-яшнаб ётибди дунё,
 Ҳамон капалаклар ўз кўнглин хушлар...
 Менинг дилим фақат нурсиз — чироқсиз...

* * *

Рух самони қучмайдими,
 Жисм тупроқ бўлмай туриб?..
 Кетди десам ишқ дайдими,
 Келди яна бошин уриб!?

Рўё!
 Гўзал висол валси,
 Орзуляримнинг дояси.
 Хаста юрак ишқдан толса,
 Сочар умид шалоласин!

Рўё!
 Рангин камалак у —
 Ишқ ёмфирин акс, жилоси,
 Кўнгил гирёнлиги ҳаққи,
 Ижобат дил муддаоси!?..

Шукр, ё Раб, минг бор шукр,
 Соҳир висол — рўё учун!
 Ёр исмини айлаб зикр,
 Тийра дилга ёқди учқун!

* * *

Майли дунё бўлсин тескари,
 Майли кетсин умидлар нари,
 Солса ҳам ишқ бўйнимга дорин,
 Сендан асло узолмам кўнгил.

Майли ғам бер – изтироб бергил,
Ҳақ тилянсам, туш – сароб бергил,
Оғу қўшиб май – шароб бергил,
Сендан аммо узолмам кўнгил...

* * *

Ҳар тун пичирлайман исмингни,
Олис даштда қумга ботган най
Овозимга жўр бўлиб соҳир
Хаёл куйин шундай чалсаю
Кўзларимга уйқу инса деб!..

Ҳар тонг пичирлайман исмингни,
Олис Аршда ғамга ботган ой
Юлдузларни ерга отсаю,
Юзларимга ёғду инса деб...

* * *

Мендами ё дунёда айб?
Риё тураг беҳис жилмайиб...
Фақат Сендан ишқ тилайвериб,
Нотовон дил ногирон, майиб.

Тундами ё зиёда айб?
Зулматларга даҳлдор ойи,
Шафқат кундан-кун тилайвериб,
Кетди умрим беҳуда, зое.

* * *

Ойдин хаёлимда асрайман сени,
Васлинг орзусига, бас, сифмас ҳаддим,
Хазон япроғидек эй титроқ дилим,
Тақдир қўшиғига жўр бўлгил қадим.

* * *

Жаҳондин кетсам, эй дўстлар, бир дили қон ўтди,
дерсиз,
Муҳаббат ўқи-ёйифа кўкси қалқон ўтди дерсиз?

Сиру асрорлари пинҳон, иқомат айлаган зиндан,
Тунию кундузи хуфтон – бир bemакон ўтди,
дерсиз?

Ҳаёт дарёсининг гирдобида жисми пора-пора,
Худога минг этиб нола, у серармон ўтди, дерсиз.

Умидлар бағридан топгач илинжин, муддао завқин
Ҳажр саҳросидан излаб, саргардон ўтди, дерсиз!..

Келиб оламға топди бир давосиз ишқ-муҳаббатни,
Муродға етмайин Хуршида зор, сарсон ўтди
дерсиз.

* * *

Мен англаб етдимки, нури илоҳий
Қалбингдан юзингга акс этган моҳдир!
Руҳим кўкка элтган беадад туифу,
Кўксим ерга тортган беаёв қайфу,
Тангри ҳижронидан чекилган оҳдир!
Туғилмасдан аввал уники эдим,
Ҳаёт чоғим қайта қучмоқ истадим,
Ҳали англолмасдим недан бу тилак:
Сенга дуч этган чоғ қочмоқ истадим.
Юрак фарёд чекиб кимни истади,
Ҳақ берди олмадим, нени истадим?
Дундан кетдим vale Сендан кетмадим,
Дилдан кетди мадор, диндан кетмадим.
Тан олгани фақат Сен эдинг дилнинг,
Танлагани фақат Сен эдинг дилнинг,
Бугун англадимки, Сен – Ҳақ экансан!

* * *

Афсус, энди Сен ҳақингда ёзолмайман бирор сўз,
Юрак ўтли муҳаббатдан айтолмагай такрор сўз.

Тўлқин-тўлқин жилоланди ишқ дарёсин сувлари,
Бир бор юзим ювай десам, оқиб кетди тескари.

Самоларни яқин қилди, ерни этди мунтазир,
Фарёдимни ичга ютсан, ич-этим тирнайди сир...

Юлдузларга ҳасратимдан осмон йифлаб эгди бош,
Булбуллардан юз ўгирсан гул кўксимга тегди тош.

Тўлқин-тўлқин жилоланди ишқ дарёси дилимда,
Жўшқин-жўшқин куй яралди, муддаоси –
дилимда.

Олий дея муҳаббатни, олий дея армонни,
Ҳажринг тийфи бирла тилдим беайб бу жаҳонни.

Ором билмай тупроқларни кечаверди сўзларим,
Шаробдан юз буриб оғу ичаверди сўзларим.

Ҳайронлигу сарсонликка бўлди умрим қул-асир,
Гарчи рўё – зори ишқдан шеър яралдиベンазир.

1994, 2008–2010

Дури азалий

Не хүш күп өрдиким, Алох мани ёр айламин сана,
Дилгүүр хам бүжүүдүмийн умидвор айламин сана,
Аяар ти, васлияа муншык бу дүнёдрийн штаар бүсам,
Ки жисим то өндөншт хокими зор айламин сана ..



• • •

Вужудим домыға ўт беаёв ҳис беписандтурким,
Зилолинг обидин сепгилки бўлмасдин куқун, ёна.

Ки, ким сайд айласа, побаста дил фарёду охини
Эшитгай тонгла Маҳшар, кетмагай қилмишидин
тона.

Күнгил жомин хиноранг май била түлғазса гар зулми,
Киёмат доридир зулфи жафокор ёрни ул жона.

2004

★ ★ ★

Күнгил таскин излаюр, күнгил учун бир ҳол сүра,
Бўйлмас толе жаҳон, таскин – асл иқбол, сўра.

Кулолмас кундуз қүёш, ором беролмас ой кеча,
Беролмам дил үзгага, балки берарман мол, сүра.

Хиёнатнинг кўксига тиф қадолмай ожиз юрак –
Садоқатдан кечолмасманки тик қадим дол, сўра.

Хаёт бир-бир синов-чун фам била дард инъом
этур,
Вале шодлик мени бир йүкшамайдыр, баттол, сұра.

Сафолат бағрига ҳеч йўл етаклай олмас, vale
Сенингдек бир сафилнинг дастидан дил қаттол,
сўра.

Басе, Хуршида толе излабон ишқ осмонидан,
Мудом топдинг надомат мулкидин истиқбол, сўра.

2005

БУ КУН

Софиниб кетдим, дилимда зарра тоқат йўқ бу кун,
Дилгинам соҳибидин ҳаргиз мурувват йўқ бу кун.

Ёр висолин ахтариб назм элида фотиҳ, кўнгул,
Ки муҳаббат қўйчисин куйида ибрат йўқ бу кун.

Шамсу моҳ, тоби кўринмас ашқ ила нам кўзима,
Чўғ нигоҳ, хуррам хаёл ёрдин садоқат йўқ бу
кун.

Рашқ ила кўнгул ёнур, кўнгул аро бир гул ёнур,
Моҳи мезонким, ёнур кун-тун – рутубат йўқ бу
кун.

Ер-фазо ҳажру хиёнатдин ёнур, эй дўстлар,
Ишқ ёнур – Хуршид ёнур, равҳу иқомат йўқ бу
кун!..

1999

СҮРОГЛАБ

Бордим изингни, эй ёр, сўроғлаб,
Чиқди ҳилолинг кўнглимни доғлаб.

Найлайки, моҳинг эрса паноҳинг,
Рашки гуноҳим ёнди чароғлаб.

Жабру ситамлар солғай аламлар –
Чашмимда намлар – ҳажринг қучоғлаб...

Айб этма ҳаргиз, мен гунгу ожиз –
Дил сенда ёлғиз қўйдинг-ку боғлаб.

Ишқ сўзда бўлмас, васлингда сармаст
Ҳис сўнса келмас, кетгай йироғлаб.

Ўтдир дудофинг, кутдим, қарогим –
Муштоқи роҳинг, кетма фироғлаб.

2004

* * *

Етти ёт бегонадек хайр айлагандинг сўнгги чоғ,
Лоларанг – алвон юракка соя содди қора доғ...

Тоғу дарёлар оша ҳорган кўнгул кашкулига
Тўлди ғам отлиғ наҳр бирла алам – ҳасратли тоғ.

Бўй тараттан гул сифат ағёра боғлабсан кўнгул,
Ул кибиларга ахир булбул тутул боқмайди зоғ!

Ки бутун осмон дилинг — васл уйида шодон
гулинг
Эрта пойингта тикондек санчилур, қўймайди соғ!..

Қай киши дил берса гар қуфр элининг ишқ
домига,
Бўлгуси армон охир мангу муҳаббат номли боғ!

2000

АНДИЖОН ТОМОНЛАРДА

Бир юрак ёнмиш, ёронлар, Андижон томонларда,
Малҳами не тонг анинг қўз илғамас маконларда...

Шунчалар бисёр экан қисмат деганинг қасдлари,
Ҳислари, туйгулари ишқ, йўлида сарсонларда.

Ҳеч кима ҳеч сўз демас, оlamга этмас арзи ҳол,
Илтижо айлар фақат кўзёшлари мужгонларда.

Бир умр ҳижрон элинда ним кўнгул — далли
гадо,
Суйгани шоҳдир — Күёшдир, Ой тўла осмонларда.

Тунги тушлар гоҳ етаклайдир висол оғушига,
Тонгда минг афсус, очар қўз кулбай вайронларда...

Кўрсалар кимки дегай: бу қиз мудом омадга ёр,
Асли Хуршида дили мангу яшар аффонларда...

2000

ЗУЛМ ЭТМАНГ

Бизга зулм этманг, рақиблар, бизда йўқ асло гуноҳ,
Икки дил, икки юрак аҳд айламиш, Аллоҳ гувоҳ!..

Осмон буржида зар афшон Зуҳал кўргазса юз,
Ки, кумуш нурин сочиб, восил бўлур васлига Моҳ.

Бир эса икки камон пайконининг гар матлаби,
Сайди ишқ чоғи чекингайдур мاشаққат бирла оҳ.

Қатл учун ҳозирламанг дор, айбимиз бир ишқ,
ХОЛОС,
Афв этар илк бор адашса йўлидин мискинни шоҳ!..

Кўҳи Қоф гарчанд тўсиқ, топгай йўлин
Фавворалар,
Фасли найсон сеҳридин тошни ёрат меҳригиёҳ.

Бизга кўз тикманг само меҳри кулиб боққан маҳал,
Кўр бўлур шамс юзига ким тик қадар эрса
нигоҳ!..

Чин вафо аҳли яратса севгининг сарчашмасин,
Топгуси Хуршида, не тонг, ишқ, даштида паноҳ!..

2004

АЛДАСАНГ

Алдасанг гар ўртаниб куйгуси бағрим, бұл огох,
Ичмагил козиб қасам, топгуси Тангрим, бұл огох.

Мосиволлаң сезмагай деб қилма покликка даъво,
Ўйламай босган қадам қазгай сенга Маҳшарда
чоҳ.

Күзларим ёшин түкар алдов тұла қалбинг күриб,
Санчима бу құксима хор, бұлмайин зойи ногоҳ.

Ошино эрмас дилим асло риёкорлар била,
Сўйла ошкор афсун этса ўзга ёр, ўзга нигоҳ.

Серсухан бўлма, гумон тогини дилга жойлабон,
Хастадилни айламоқ хун авф этилмас гуноҳ!

1996

КОЛМАДИ

Қайданам күрдим сани, жисмим аро жон қолмади,
Хисларим титроғидин қалбимда пинҳон қолмади.

Неча ой узмай күнгүл, сен bemуруват ёрдин,
Ман киби олам аро ишқ ичра сарсон қолмади.

Она Ер шамс чархида – парвона дил излар меҳр,
Бул юрак равҳига не айлайки, имкон қолмади.

На қувонч билгай юзим, на дилгинамда бор
илинж,
Итиробим сезмаган ҳеч битта инсон қолмади.

Ўтди мезон, ақрабу далв, ўтди неча субҳу шом,
Зарбидин фориг оҳимнинг саври найсон қолмади.

Йиғлади ҳолимга тун юлдузлару сайёрлар,
Бўлмаган гирёна, ҳатто абрю осмон қолмади.

Минг ситам айлаб тағин, девона Хуршида дема,
Далли бўлмоғликка, ҳатто танда дармон қолмади.

2000

三

Бесўроқ кирдинг нечун сен тунда рўё – тушимга?
Тонг сахардин то кеча ҳеч келмадим ўз ҳушимга.

Сен тушимга ташриф этган тунларим фаррух vale,
Хушлай олмасман куним зар — олтину
кумушимга.

Муфарриҳ меҳмон бўлиб хуш алала ҳар кеч
мани,
Ки кўмак бергил тушимда ҳушимга келмишимга.

Мисли булбул гулни қучгил, чоғла күнгил
тонггача,
Не ажаб, берса самар Хуршидадек күлмишимга.

1996

ЎРТАГАЙ

Бу на туйғудир, кўнгилни бир ажиб ҳол ўртагай,
Бу на кўнгул, соҳибин ҳар субҳи висол ўртагай.

Бу на гулдир, кўксига шабнамни жойлар ёшурин,
Этмай осон мушкулин ул гулни ниҳол ўртагай.

Бу на тасвирким, нилуфар ташна кўл ўртасида,
Қатрасин қизғониб ундин чашми зилол ўртагай.

Бу на оқшом, анжуми сочганда нур кўнгуллара,
Абр ортин ёритур рашқ ичра ҳилол ўртагай.

Бу на касдурки юракни хун этиб таскин топар,
Хун тўла кўзи – малакул мавт мисол ўртагай.

Безиё Хуршид бўлурму, зоҳири зар-нур ила
Безалур, бағрин ёритмоқ амри маҳол ўртагай.

Кўп ситам кўрган кўнгул шояд назм гулзорида
Очилир гул-гул дебон, минг турфа хаёл ўртагай.

1997

* * *

Йўқ ҳушим васлингга асло, лек юрак таскинга
зор –
Айламиш сокин танамни ҳар туну кеча бедор.

Боқмагай дийдам, юзингга кўп жило берма, ғофил,
Матлабинг ўзни намоён айламоқ бўлса – бекор.

Ёритур дилни Ҳақ нури, ҳуснинга қўшгай ҳусн,
Ишқ эрур кўнгиlda холис, солма сен чангү фубор.

Ул юрак таскинга зору рух ила тан барқарор
Маъшуқи азал хаёлин айламишлар ихтиёр.

"Беркитиб Хуршид жамолин, мутгасил хилватда
не
Айлагай", – деб сўрсаларким, лавҳи маҳфуз сўзи
бор.

Қил сабр дунёи дунда, ки синовлар ортидан,
Иншоаллоҳ, мезбон ўлғай кўнглинга фасли баҳор!

1997

ХАСТА БЎЛДИМ

Хаста бўлдим, зоҳиримда намоён этмадим зинҳор,
Саодат роҳига қалбимни шоён этмадим зинҳор.

Фасллар чархи-ла беинтиҳо айланди андуҳлар,
Нажот берди қаноат, чашми гирён этмадим
зинҳор.

Аёғим, дастим озоду кишанбандалаб вужудимни,
Кўнгул элтувчи манзилни ошиён этмадим зинҳор.

Шамс тафтин сезолмай ҳажр ўтинда ёндим-у,
лекин
Қаландар даллидек кўнгилни урён этмадим зинҳор.

Деди: "Эй моҳи мунир не сабаб рангинг
сариғланмиш?"

Ҳабибимга сира асрори аён этмадим зинҳор.

Рашкнинг ранги алвони, замирим эрди зангори,
Бадал бўлдимки маҳрам ёрни бирён этмадим
зинҳор.

Жунунваш дил давосин оқ қоғоздан изладим,
Э вож,
Губорланди қоғоз, лек сенга зиён этмадим зинҳор.

1996

* * *

Дилим куйди ики ўт ичида, найлай, чидолмасман,
Юрак гавҳар дея туйганлари недир, билолмасман?..

Бамисли тонгти шабнам — титраган қалбимни
босгайдир,
Гаҳи шавкат, гаҳи нафрат юки, қаддим
тутолмасман.

Бу туйнуксиз қаср, берк кўчалар эркан
қароргоҳим,
Жаҳоннинг кўрки ҳуснин бир сўқирча ҳам
кўролмасман.

Киби далли маним дил ганжима уммедини боғлаб,
Эришгач, назрига қайфу берар, тоқат қилолмасман.

“Ўтингум, соҳиби давронки, тупроқ сатҳидин бир
оз
Киши қадрин баланд қўйсанг-чи”, деб даъват
этолмасман.

Гаҳи шаккар ўшал гуфтор гаҳи оғу солар дилга,
Ажалнинг домидан руҳимни ҳеч асраб
қололмасман.

Аламдин ёзди Хуршида, аё дўстлар ҳақиқатни,
Нетай, сифмасману дунёни ташлаб ҳам
кетолмасман...

2001

ЖАМОЛИНГ

Магар бир кўрмас эрканман жамолинг,
Ёзолмам мадҳ этиб ашъор камолинг.

Мурувват қилғил-эй қандай экан ул,
Мухаббатжон, сенинг новвоту болинг...

Жаҳонда тотмаган йўқдир бу болдин,
Наҳот садқанг бўлур менга уволинг?

Шаробингдин шоҳ, Машраб дарбадар,
Манга ҳам тут, эмасман ҳеч малолинг.

Ки бобингда битай не, ишқ, билолмам,
Ёритсин истагим йўлин ҳилолинг.

Не фамким, сўрмаса ёримки бир бор:
“Фироқ даштида не кечмоқда ҳолинг?”

Вале ўзга халоскор даркор эрмас,
Дилим маст айласин тоза висолинг.

Надоматда қолибким дод этурсан,
Аён айлар эса ағёр заволинг!..

1996

АРЖУМАНД ЭТМАС

(Навоий ғазалига мухаммас)

Тазарру айларам, бошим фалакким сарбаланд
этмас,
Ки ёри бекарорим васлима чин мустаманд этмас,
Муҳаббат дарди ҳеч дилни маним янглиф нажанд
этмас,
Мени мен истаган ўз сухбатига аржуманд этмас,
Мени истар кишининг сухбатин қўнглим писанд
этмас.

Фироқинг даشتida қалбим нажотсиз зори бебаҳра,
Адоғсиз оҳи додим лек топилмас заррае заҳра,
Не тонг ойина ҳам юз қўргазолмас, доғдадир
чехра,
Не баҳра топгамен андинки мендин истагай баҳра,
Чу улким, баҳрае андин тилармен баҳраманд
этмас.

Дедим: сен гавҳарим, дурим, тилаб маҳзан
баётимфа,
Сен асрุ ғам юкин маҳмулладинг ожиз қанотимфа.
Наҳр тошмиш сиришкимдин, тоғ-тош лол
саботимфа,
Нетай, ҳуру пари базминки, қатлим ё қанотимфа,
Аён ул заҳрчашм айлаб, ниҳон бу нўшханд этмас.

Бошим қай тошлара ургим билолмасман
надоматдин,
Наҳот шунча маломатлар ёғар маҳрури роҳатдин,
Сенингким раддиянгdir, тонмағай олам
саҳоватдин,
Керакмас ой или кун шакликим ҳусну малоҳатдин,
Ичим ул чок-чок этмас, таним бу банд-банд
этмас.

Аршға етга-ю, лек сенга етмас оҳу зоримким,
Кўзумга тийрадур ҳажринг ила даҳри диёrimким,
Висолинг ўтида ёнмоқ эрур дарди қароримким,
Керак ўз чобуки қотилваши мажнуншиоримким,
Бузуғ кўнглимдин ўзга ерда жавлони саманд
этмас.

Жунунлик иштиҳоси-ла талабгор келмаким охир,
Мусаллас ишқдин нўш айлабон, шўр демаким,
охир,
Миниб кибр отига мулки Адамда елмаким, охир,
Кўнгул уз чарх золидин, фирибин емаким, охир,
Ажал сарриштасидин ўзга бўйнунгға каманд
этмас.

Эрурким дилга дил жонбахшки анжум ахтарар
юлдуз,
Қамардир тунга ошиқки, шамс шайдосидир
кундуз,
Забун Хуршида шоҳвора деёлмас лоақал дилсўз,
Ул ой ўтгуғ юзин очса, Навоий тегмасун деб кўз,
Муҳаббат тухмидин ўзга ул ўт узра сипанд этмас.

2005

ЎЛАНДАН СҮР

(Фузулий ғазалига мухаммас)

Мани гирдоби ишқ наҳрига бир дучор ўландан
сўр,
Ки ҳижрон ўтидин хокистари мозор ўландан сўр,
Жунун сахросида мағлули дил афгор ўландан сўр,
Шифойи васл қадрин, ҳажр ила бемор ўландан
сўр,
Зулоли завқ-шавқин ташнаи дийдор ўландан сўр.

Хазон фасли каби дил боғининг зард гулларин
терма,
Шакар ул шаҳдинга тўйдирмасанг гар қатрасин
берма,
Юрак мулкида сайд айлаб, шикоринг завқини
сурма,
Лабинг сиррин гелуб гуфтора бандин ўзгадин
сўрма,
Бу пинҳон нуктани бир воқифи асрор ўландан
сўр.

Чин ошиқ кўйи жон талвасасидин мушкули ҳол,
бил,
Таваккул айлабон қалб токи ўлғай васлинга восил,
Нигоҳинг ўқи кўп, бир жонға минг хавфу хатар,
жоҳил!..
Гўзи ёшлуларинг ҳолин на билсун мардуми ёфил,
Кавокиб сайрини шаб то саҳар бедор ўландан
сўр.

Нечун васлинг йўлин тўсмоқ экиб тухми
тиканлардан?
Юрак урмоғини бас айлагай ранжу шиканлардан,
Наҳот қасдинг – суйиб, ишқинг ила мақтул
эканлардан?..
Хабарсиз ўлма фаттон гўзларинг жаврин
чеканлардан,
Хабарсиз мастлар бедодини ҳушёр ўландан сўр.

Тазаллум айламасман гарчи ҳажринг маҳжули
золим,
Қаро сочим қирорранг, заъфарондир гул юзи
олим,
На обу на ҳаво бор дилга сенсиз лаблари болим,

Фамингдан шаъмтак ёндим, сабодин сўрма
Бу аҳволи шаби ҳижрон баним-ла ёр ўландан

2004

ҰЛУМ ҮЙҚУСИ

(Бобур ғазалыға мұхаммас)

Йироқлаб борга-ю тан, дил фироқинг бирла
озурда,
Фано даштин кезурман, Анда жоним васли орзуда,
Мұҳаббат шамси қалбимда, саодат васфи камбуда¹,
Үлум уйқусыға бориб жақондиян бўлдим осуда,
Мени истасангиз, эй дўстлар, кўргайсиз уйқуда.

¹ Камбуда — мавжуд эмаслик, камлик, йүқлик.

Жаҳондин зор кетсам, қайтмагим тақиқ
билгайсиз,
Назм гулзорида гул очса дил, ақиқ билгайсиз,
Ўтинчим: ҳинд сари юзланмагим тадқиқ¹
билгайсиз,
Неким тақдир бўлса, ул бўлур таҳқиқ², билгайсиз,
Эрур жангу жадал, ранжу риёзат барча беҳуда.

Садоқат гулларим эл илкида, роҳим тўсар ағёр,
Демангиз шоҳ, фурбат мулкида ҳолим эрур аброр,
Агарким етса-ю, ҳар лаҳза ишқинг шавқидин озор,
Ўзунгни шод тутгил, ғам ема дунё учун зинҳор,
Ки бир дам ғам емакка арзимас дунёйи фарсада³.

Фалак айвонида минг бир нажм, зиё топилғайму,
Кетар бўлсан узуб кўнгулни чин дунё топилғайму,
Эрурман ишқ пайкони, манга бир ё топилғайму,
Замона аҳли ичра, эй кўнгул, оё топилғайму
Сенингдек дард паймоу, менингдек дард паймуда⁴.

Фароғат нелигин билмам, аё, Аллоҳ ўзинг қодир,
Кўнгулга етмади э воҳ, саодатлиғ dame зоҳир⁵,
Ой-у юлдуз эмас, Хуршида, бил, тупроқ азиз, нодир,
Улусдин тинмадим умримда ҳаргиз лаҳзасе Бобур,
Магар ўлсан бу олам аҳлидин бўлғаймен осуда.

2006

¹ Тадқиқ – синаш.

² Таҳқиқ – ҳақиқат.

³ Фарсада – эскирган, ҳориган.

⁴ Паймуда – йўл юрмоқлик.

⁵ Зоҳир – ёруғ.

БАҲОР АЙЁМИ

(Бобур газалига мухаммас)

Баҳор айёми дур доғи йигитликнинг авонидур,
Кетур, соқий, шароби нобким, ишрат замонидур.

Гаҳи осмонда ой дастонидин саргаштаи мажнун,
Гаҳи сеҳру саховатдин шамс парвонаи мамнун,
Гаҳи раъно тикони – хори заҳмидин тӯқилемиш
хун,

Гаҳи саҳро узори лола шаклидин эрур гулгун,
Гаҳи саҳни чаман гул чеҳрасидин аргувонийдур.

Наҳот олам нурағшонлиғ топур вайрона
диллардин?

Таашшуқларға минг таъқибу дашном үнгү
сүллардин!

Васлдин жонланиб унгай жинон гулзори чүллардин,

Яна саҳни чаман бўлди мунаққаш ранги гуллардин,
Магарким сунънинг наққошиға ранг имтиҳонидур.

Тажарруд қуида үлсам нетай күнгүлни хунхори?
Не фамким, сен анинг ёри, анингким Арш қадар
зори!

Вужуд сандин йироқдир, рух-юрақда ишк
зуннори,
Юзунг, эй сарв, жоним гулшанининг тоза гулзори,
Қадинг, эй гул, ҳаётим бофининг сарви равонидур.

Меҳр – мумидду муовин¹ эрур ул аввал-
охирнинг,
Муҳаббат – мулки мерос, тухфай Аллоҳи
қодирнинг,
Фазиҳат² ўлмағай, Хуршида қўнгли ишқи
соҳирнинг.
Не ерда бўлсанг, эй гул, андадур чун жони
Бобурнинг,
Фарибингға тараҳҳум айлагилким, Андижонийдур.

2007

АРЗИМНИ АЙТДИМ

(Хувайдо ғазалига мухаммас)

Ошуфта қўнгил ишқи сафоға,
Айланди оҳқим, бир бедавоға!..
Сиррим аёндир назму навоға,
Арзимни айтдим боди сабоға,
Еткурса ҳолим ул дилрабоға.

Тунлар қародир – пинҳона ойим,
Кўк тинглагайму дарду давойим,
Ёр ҳусни васли чин муддаойим!..
Қилса Худойим қўнглин мулойим
Раҳм айлагайму ман мубталоға?..

Роз сўйлагилким, лутф йўли бирла,
Эрмаски осон сұхбат фақир-ла!..
Хоҳ ўнги бирла, хоҳ сўли бирла
Қилғайму хайрин ўз қўли бирла,
Борсам кўйига, мискин гадоға?

¹ Мумидду муовин – мадад берувчи ва ёрдамчи.

² Фазиҳат – расво, ёмон отлиқ.

Бир сас-ла алвон, ширин забон – лаб
Кетди дудофим, қарофим қонлаб...
Тундан сўроғлаб, кундан гумонлаб,
Деди рақиблар ёрға ёмонлаб,
Солди жудолик, найлай ароға?!..

Тасвири селдур ашки равоним,
Розим тушунмас соҳиб сухоним,
Бадтийнат элдин оҳу фифоним!..
Кўнглумда йўқдур зарра гумоним,
Кимки ёмондур, солдим Худоға.

Бирёнаadir дил, жисм эрса ёнмас,
Музтарибҳолман – роҳатга қонмас,
Воҳиди даврон аҳд этса тонмас!..
Холимни айтсам, ёrim инонмас,
Эмди қўюбман явмулжазога.

Аллоҳга холис дил нафси йўқдур,
Гар серсухандир тил – лафзи йўқдир!..
Ишқ ёш биларму, ирқ-шахси йўқдир,
Ёрсиз кишининг фирдавси йўқдир,
Сўйдим санамни, қолдим балоға.

Байтулҳазан дил, ёrim ҳашамда,
Бегона бўлди ақлим бу ғамда,
Ҳол сўргали Қайс, кел ушбу дамда!..
Душманларини нозу ниамда
Парвариш айлаб, солди ғииоға.

Қасдингми кўп айт, тун шахти шамда –
Бедору беҳад ёнгай ҳарамда,
Ё сўзни қасди мушфиқ қаламда?..
Дўстини ёrim ранжу аламда
Кўйди эл ичра жавру жафоға.

Севгим, дединг, ўт, дардинг этар қул!..
 Кутгил, дединг, ишқ — наҳри таҳайюл!..
 Хуршида малул айлаб тааммул,
 Мискин Ҳувайдо, сабру таҳаммул
 Айлаб, ҳамиша йиғлар Ҳудоға...

2004

ЭҲТИЁЖ

(Нодира ғазалига мухаммас)

Такягоҳ излар кўнгул, топмас илож
 Ки, ҳаёт ургай анинг кўксига кож —
 Сўрғай ул ночор юрақдин минг хирож,
 Қилмағил зинҳор изҳор эҳтиёж
 Ким, азиз элни қилур хор эҳтиёж.

Ахраар гул ташна дил, зилол эмас,
 Васли ёр истар кечা, ҳилол эмас,
 Моҳифо дунё¹ истиқбол эмас,
 Ҳеч ким оламда фориғбол эмас,
 Ҳар ким ўз миқдорича бор эҳтиёж.

Энтикар дил, бир нафас — тин бер менга,
 Йўқса белиллик саботин бер менга,
 Мискинингман, далли отин бер менга,
 Ганжи ҳуснунгни закотин бер менга,
 Сен ғанисан, менда бисёр эҳтиёж.

Тун билан баҳт юлдузингни орзу
 Айладим ўпмоқ юзингни орзу...
 Эслатур ризвон сўзингни орзу!..

¹Дунёи моҳифо — дунё ва ундаги нарсалар.

Кўзларим айлар юзингни орзу
Ким, эрур кўзгуга дийдор эҳтиёж.

Бенавоман, сен эрурсан тожлик,
Кўй, кетурман, айлама ихрожлик,
Бунчалар даркор эмас Ҳажжожлик...
Мустаманд этди мени муҳтоҷлик,
Қилди ҳожатмандинг, э ёр, эҳтиёж.

Даҳри зол қилмишидин тунлар қаро,
Ёра айлаб илтижо кўксим яро –
Поймол ўлған фуур мотамсаро...
Гар тиласен обрў аҳбоб аро,
Айлама зинҳор изҳор эҳтиёж.

Шарҳ этурман назм ила кўнгул қатин,
Кўзларим сўзлар монелик риҳлатин,
Сақлама ортиқ юрақда гина-кин,
Қил рано албатта ошиқ ҳожатин,
Боқмагил арз этса ағёр эҳтиёж.

Ўтмагай ғам, тун ўтар, кун ўтгуси,
Чексам оҳ гар Арш ҳам дарз кетгуси,
Билки, фурсат кутмагай, тарқ этгуси,
Бир тараҳҳум зоҳир этсанг нетгуси,
Қилди ҳуснингга мени зор эҳтиёж.

Чўммагил шак-шубҳа наҳрига сира,
Сенга меҳрим тонгларимдай бокира,
Ноумид Хуршида ёзмиш хотира...
Ёр васлини тиласман, Нодира,
Айлади кўнглумни афгор эҳтиёж.

2000

ТУН БИЛАН ЙИГЛАБДИ БУЛБУЛ

(Эркин Воҳидов ғазалига мухаммас)

Асрабон пинҳона пок ишқин юрак ардоғида,
Ўртана парвонадек ўт мисралар титроғида,
Тонггача гир айланиб орзу-хаёл гулбоғида,
Тун билан йиглабди булбул фунча ҳажри доғида,
Кўзёши шабнам бўлиб қолмиш унинг япроғида.

Лабларим аста пичирлар тунга ҳамдард дил сўзим,
Осмон сирли, узоқ минг сочса-да нур юлдузим,
О замин, кўксингда кўз очсин саросар илдизим,
Кўз юмар бўлсан кўзим олдида пайдо гул юзим,
Фунча кўз очмоғи бор булбул кўзин юммоғида.

Ой секин имлаб чақирса қуш каби титрар ибо,
Икки ён тортарлар ўзни икки дил – оҳанрабо,
Дарди ишқдин қайдা сўз, гул чехра ғамдин
каҳрабо,
Аста барг остида тинглаб ётган эрмиш шум сабо,
Фунча булбулдан муҳаббат дарсин олган чоғида.

Соф муҳаббат йўқ деманг, бу қун Шириннинг
ори бор –
Гарчи ишқдин пора дил, этмас vale сиррин нисор,
Лайли, Зухролар бугун сабр элида жим, барқарор,
Севги сахросида қолмиш неча Мажнундан губор,
Неча Фарҳод гарди ётгай Бистуннинг тоғида.

Гул юзинг бўлмас насиб, бердим дилимни
қайданам,
Тафтини олганда хок тингайми титроқдин танам?
Ҳар кеча Хуршида ишқ дарёсига фарқ, кўзда нам,
Фунчадек чеҳрангга Эркин, жон фидо этгай, санам,
Қатра қонидан гул унсин то муҳаббат боғида.

2011

БУЛ АЖАБ...

(Абдулла Ориф ғазалига мухаммас)

Меҳр ила ёғду сочиб кўнглим ёритди ёрлар,
Ногаҳон қалб қўзима чанг солдилар маккорлар,
Дил боғим ичра бугун пайҳон гулу гулзорлар,
Бул ажаб хор кимсадин имдод сўрайди хорлар,
Сиз bemор кўксига бош урмангиз, эй bemорлар.

Оҳ, юрак, ўртандмайин кўргаз жаҳона юзни,
Кўкка анжум эт, сехрлаб дилда бехоб сўзни,
Аксидин юмсин бўлиб сархуш гўзал ой кўзни,
Гар фалак буржида шамс уйқуга солса ўзни,
Етди навбат бизга деб чақнар эмиш сайёлар.

Навниҳол қаддин маломат бирла эгма, эй рафиқ,
Шак уруғин дўсту ёр кўксига экма, эй рафиқ,
Оқибат тубсиз гуноҳ баҳрига чўкма, эй рафиқ,
Саждага бошинг уриб, фарёди чекма, эй рафиқ,
Энди сен топгаймидинг, топмабди-ку афёлар.

Телба бу кўнгул фано даҳрида кезмиш дарбадар,
Гоҳи гардун тоқида, гоҳ ер уза зеру забар,
Иштиҳор неъматларин айлар умр садқайисар –
Фозилу дониш эли қўл ювса бу дунёга гар,
Во ажаб, оққан суйин нўш этар шайх хунхорлар.

Абри найсонларни тебратмиш само кезган тутун,
Осмон оlamга кўрсатмиш яро кўксин бутун,
Ҳажр ила бедил муҳиб кўз ёшидин ер бафри
хун,
Нафс ила дунёга дил берган фосиқлар, сиз букун
Яссавий хок пойидин айлаб олинг тумморлар.

Хору зор дилларга сўз ганжин ўйиб соглан ўзи,
 Ташна-ю сарсон Адам даштин кезиб толган ўзи,
 Зулм ила саргашта Машраб тавқини олган ўзи,
 Ким бериб дунёга зар, абгор ўлиб қолган ўзи,
 Кимки дорни бузди гар, анга қурилди дорлар.

Кекса Беҳзод чекди ранж юртин алишмай
 тиллага,
 Ўз Ҳиротин бағрида бош қўйди мангум қиблага,
 Мадҳ, ўқир Хуршида дил шайдойи этган шуълага,
 Кимсалар, бадбин дея боқманг бу кун Абдуллага,
 Тингласа гоҳи юриб мозий элидин зорлар.

1998

* * *

Дил аламда – Сизни Гулдин сўроғлаб,
 Ўртанур, сочи сумбулдин сўроғлаб.

Дилда қайфуки Ойдандир ўқинчи,
 Чарзабон, қоши ёйдандир ўқинчи.

Ёнгаю дил, саболарда ҳаловат,
 Бевафо дилраболарда ҳаловат.

Куйгаю дил, тоғу тошлар беписанд,
 Тош кўнгулли паривашлар беписанд.

Равзаи фоний диёрин Гуллари –
 Охират озори – тош кўнгуллари.

Дилда мангудир садоқат қаломи,
 Лек, висол айёмининг йўқ нишони...

Дил тубинда талх оғу – ҳажр эрур,
Мўъмин аҳлига наҳот шул ажр эрур?..

Дилда ғам бисёр, vale шукр айламиш,
Куфр эли чун телба, деб зикр айламиш.

Дил аламда – Сизни Гулдин қизғониб,
Тұлғонур, сочи сунбулдин қизғониб.

Дил, бўл огоҳ, бу алам ибтидоси,
Эх, қачон бўлғонки, Ишқнинг адоси?!..

Дил ёнар, дил кул бўлур охир наҳот?
Дил ёнар, дил, чора топ, оқил ҳаёт!

Токи ёрин сарви Гулдин сўрмасин,
Сочи сумбул – тош кўнгудин сўрмасин!..

1996

• • •

Дейдиларки: кимга очилгай дилингнинг дарчаси?
Бул савол тийғи била бағрим тилурлар барчаси –
Дардима минг дард қўшурлар гоҳ, субҳ, гоҳ,
кечаси,
Ул қуёш ҳажринда кул бўлди кўнгул гулғунчаси...
Ложарам дил сенда-ю, эрмас маним баҳт парчаси,
Лоақал умринг баҳорин лаҳзаси – бир ончаси...
Айб эрур гарчанд, сўзинг назмим ниҳон
дебочаси!..

2000

* * *

"Дарёдин оқиб келодир шода-шода марварид",
Ойда бир ҳам йўқламайдир қош қаро барно йигит.

Қош қаро барно йигитга кўз сузар минг нозли
хўп,
Ой, қуёш, сайёralарнинг ёшурин дилрози кўп.

Қош қаро барно йигитга дил етолмас, ўртаниб,
Ё узиб қўнгилни олислаб кетолмайдир ғарип.

Мен дедим: олгил бу жоним, бир висол бер
ўрнига,
То, деди, Махшар сабр қилсанг, бўлурсан сўнг
эга.

Дарёдир, оқиб кетодир, ашқ – олов кўздин томиб,
Рўпарамда ўлтирас барно йигит сўздин тониб...

2007

* * *

Хазон янглиғ хазон фаслида ишқ равҳидин
айрилдим,
Китобат завқидин – кўнгулни гул лавҳидин
айрилдим...

Кеча масрури дил этган, бугун ётни аҳл этган,
Муҳаббат қаҳқашонин сернаво шавқидин
айрилдим...

2007

* * *

Не хуш кун эрдиким, Аллоҳ мани ёр айламиш
санга,
Дилимни ҳам вужудимни умидовор айламиш санга,

Агар-чи, васлинга муштоқ бу дунёдан ўтар бўлсам,
Ки жисмим то қиёмат хокини зор айламиш
санга!..

2007

* * *

Куч-мадад сўзинг, ололмас бошқа ҳеч ким дил,
дедим,
Ишқим осмон эрди тутди юз тубан, билгил, дедим.

Қўйса бош қўксингга шамс, тафтин олурсан
бегумон,
Жумлаи олам биру меҳринг ягона кел, дедим.

Ер-фалак минг чекди ранж, топмай бу дардга
офият,
Не ажаб, чорлар ҳаётта сен узатган гул, дедим.

Каъба вайрон бўлса, дерлар, этгай обод хуш
калом,
Мир Алишер хокидек Хуршида бағри кул, дедим.

2010

Қатғаи уммон

Ёмир — тоға висол,
Ёмир — тоға ишкі,
Самонин замниң төрткүнгін тоғи.
Ёмир — ҳаёт,
Ёмир — сену мен, сиғышкі,
Ёмир — абаңың құның иззіті



5 — Хуршида

* * *

Бугун оламимда қуёш кўринмас,
Бугун юрагимда ишқ бенамоён.
Висол илинжида кўзёшим инмас,
Бугун соғинчлардан ўртандмайди жон...

Энди олисларга тикилмас кўзим,
Кезмас девонавор девона кўнгил,
Фифондан бегона, топғандир тўзим,
Бугун эътирозин айтар у дадил.

Ўшал мусаффо ишқ, ўшал тоза ишқ
Кетди алвидолар айтиб юракка.
Ортиқ кўзларимда кўринмас сиришқ,
Худди ўхшамоқда ишқ нокеракка?!..

2006

* * *

Дунё хиёнатга тўлиб ётибди,
Дунё риёларга тўлик, ўксима,
Порлоқ нигоҳингда кўзёш қотибди,
Бир кул, азизам!

Мана, қуёш чиқди, юзинг эркалаб,
Мана, макр уйин тарк этдинг охир!
Ўзинг ақдлисан, бағринг нимталаб,
Йиғлама, ахир!

Маъсума гулларга чирмашмас илон,
Ойни бурғут этолмас даҳр!
Ҳур яшайсан, энди ҳеч инсон
Қилолмас таҳқир!

2005

* * *

Дийдам қотди менинг!..
 Кетар чофимда
 Сендан кўнгил узиб,
 Кўз юмиб кетгум.
 Жийда гулларидан кўз қиймас фақат!..

Кўнглим қолди дунё,
 Сенинг бобингдан
 Соф ишқ гулларини шарт юлиб элтгум,
 Сўлим маъволарга бир куни албат?!..

Ишқим сенда ёлғиз,
 Маҳшар тонгида
 Нурли жамолингни интизор кутгум,
 Тангрим, айла менга
 Шафқат-шафоат!

2006

* * *

Кўнглимда очилди гуллар умидвор,
 Руҳимни қамради васлинг илинжи...
 Баъдаларинг эди тоғдек улуғвор,
 Келмадинг...

Ишончсизлик!..
 Гумон...
 Беҳислик – видо...
 Юрақда муз рангли қасос тажалли,
 Муз рангли туйфулар, муз рангли дунё!..
 Келдинг...

Фурурим олисга элтар омадим,
 Дил ожиз бўйсунар, тополмас иложж,
 Мен эса ҳеч нима қила олмадим...
 Кетдинг...

2006

* * *

Тобора,
Тобора,
Тобора...
Сенсизликка кўникмоқ керак,
Сенсиз ўлим истаган юрак.

Сенсиз тийра ёруғ оламдан
Нур ахтармок, гул топмоқ керак,
Сенсиз беҳис, бедармон юрак...

(Самолардан раҳматлар ёғар,
Жаннатлардан келар хуш дарак,
Дилга раҳм этмоғинг керак!..)

Ниҳоят,
Ниҳоят,
Бир куни...
Сенсизликка кўникса юрак,
Сенсизлиқдан жон берса керак?..

2006

ХУЛОСА

Сенинг севгинг кимга ҳам керак,
Юзинчи қаватдан улоқтирир ерга.
Мехр, оқибатинг ўзингта сийлов,
Онангдан бошқаси зормас қадрга.

Сенинг кўнглинг билан ўзганинг
Не иши бор, не ташвиши бор,
Қассобга ёғ, эчкига жон бер,
Соф ҳисларинг қопласин ғубор.

Нафосатдан сўз очма зинҳор,
 Гўзал туйгуларингдан воз кеч!
 Хазон чоғинг гулга харидор
 Бўлмоқликка ҳаққинг йўқдир ҳеч!

2006

ҚОРХАТ

1

Дунёлар рўёга айланди,
 Муҳаббат саробдан кийди тож.
 Надомат шоҳ этиб сайланди,
 Қолмади меҳрга эҳтиёж...

Йиллар ўз ҳукмига бўлди қул,
 Бошимни қоплади қировлар.
 (Ўзгалар кўнглингда очар гул,
 Менга гул узатар бировлар...)

Қиши фасли...
 Ҳар тараф оқ рангда!
 Оқ либос топилмас ноламга.
 Ичимдан тараалган оҳангдан
 Алвонга бўялар оламлар...

Дунёлар қисқадир шунчалар —
 Рўёлар қисқартар ҳаётни.
 Муҳаббат абадий мунг чалар —
 Йўқликка қуйлолмай баётни!..

2

Йўллар қор, дил беҳол —
 Учрашолмадик...
 Бу синов, эҳтимол?..

Учрашолмадик!
Қор – бу ризқ, насиба!
Учрашар ер-кўк.
Дунё пок, ҳур, зебо!..
Учрашолмадик!
Дил – сафо,
Ишқ – сафо,
Аммо бор ҳадик.
Софинч беинтиҳо...
Учрашолмадик!..
Қор – илинж,
Қор – севинч –
Шодланар эдик,
Қор, сендан минг ўқинч –
Учрашолмадик!..

3

Сен билан мен...
Қорни кутдик,
Баҳорни кутдик...
Илинж излаб
Тунни кутдик,
Наҳорни кутдик...
К у т а в е р д и к...
Келмади фурсат,
Юракларда пинҳон муҳаббат...

Сен билан мен...
Дил ғашлар ҳадик...
(Дунёларга ярашар эдик.)
Истасак гар учрашар эдик?!..
Кутавердик, лек
К у т а в е р д и к...
Келмади фурсат,
Юракларда армон муҳаббат...

Йўлакларда сарсон
М у х а б б а т...

4

Унутмоим керак!
Унутмоқ, керак,
Барча туйғулару
Ҳисларни бешак,
Севги деган сўзни –
Ишқ, деган сўзни,
Мехр ва ишончнинг
Дилдаги изин!..

Ишонмаслик керак,
Ишонма, юрак!
Саховат элинда
Сарсондир тилак.
Унга боринг бериб,
Хуморин бериб,
Ўзинг ташналиқдан
Қучгайсан ерни...

5

Ерни тизза бўйи
қоплаганда қор,
бизнинг ишқимиз ҳам
қўмилиб кетди.
Сенинг юрагингда
не гапларинг бор,
барчасин оппоқ қор
рўйи-рост айтди.
Қор сира ёлғонга
қилолмас тоқат.
Алвон фифонларга
оқ либос битди.

Аразлар,
фироқлар,
жумбоқлар...
Бари
оппоқ қор остига
кўмилиб кетди...

2006

* * *

Сен шафқатни билмайсан, жоним,
Мен тоқатга бегонадирман.
Куйдирмагил бор хонумоним,
Ҳажринг ила сарсонадирман.

Дунё кулар ҳолимга қараб,
Васлинг тилаб девонадирман,
Топилмагай менингдек ғариб,
Оlam ичра афсонадирман.

Самоларга етмас фарёдим,
Гоҳ кулиб, гоҳ гирёнадирман.
Пайконлари учқур сайёдим,
Кўксимда қон, ҳайронадирман.

Сен фалакнинг моҳиталъати,
Заминда мен вайронадирман.
Ушшоқларга ажр – ишқ ўти,
Тўлғонаман, сўнг ёнадирман.

2006

* * *

Бугун қуидириб Офтоб
Бошимдан ўтиб кетди,
Димофимга мушқ-анбар
Атрини тутиб кетди.
Муштоқ эди юрагим,
Висол эди тилагим —
Бемор эдим, керагинг
Йўқ, деб тарк этиб кетди...

(Омонат бу дунёда
Ишқ ҳам омонат экан,
Бир бевафо йигитга
Минг сарвқомат экан...)

Шамсим хаёли —
Кеча
Янги чиққан ойдадир?..
Афсус, қадр ерда-ю,
Мехр оқар сойдадир.
(Осмон эди юрагим,
Хазонликка яради.)
Келса-да минг қарагим,
Юзим терс буриб кетдим.

(Хиёнат бу дунёда
Сувдан-да сероб экан,
Мұхаббатнинг жомида
Тўла заҳри об экан...)

2006

* * *

Мехрнинг бағрига сингсайдим,
юракка озорлар етганда,
йиғласам, бир тўйиб йиғласам,
аламлар йироқлаб кетсайди,

бошимни қўйсаму кўксига,
соғимни силаса, ёр бўлиб,
дилимга таскинлар тиласа,
кўнглимга қараса, зор бўлиб,

кўзимнинг ёшларин артса-ю,
бир ширин қаломлар сўйласа.
Сўнг хушбўй гулларин тутса-ю,
кўнглимнинг оромин ўйласа,

бир менга интилса жунунваш,
бир мени тиласа Худодан,
мен унга дунёдан ҳам буюк
ишқимни берардим ўшал дам...

2006

ТОМЧИЛАР

* * *

Ёмғир – тоза висол,
 Ёмғир – тоза ишқ,
 Самонинг заминга тортилган тори.
 Ёмғир – ҳаёт,
 Ёмғир – сену мен, сиришқ,
 Ёмғир – абадият кўнгил изҳори!

* * *

Тониб ақлу ҳушимдан, девонангга айландим,
 Туну кун ўнг-тушимда парвонангга айландим.
 Ўтинчим: ишқ сойининг суманбар соҳилидан
 Ҳайдама, бехонумон останангга айландим.

* * *

Сенсиз дилга тоғдан оғир юк тушди,
 Сенсиз хилват, ғам-алам суюк тушди...
 Ишқ фаслининг заволидан бехабар –
 Тилга фақат шарифинг буюк тушди!..

* * *

Жисму жоним сендан куч олса нетай,
 Толеъ сўзи сенсиз пуч бўлса, нетай?
 Сен ўзга ишқ илкида маст бўлсанг-у,
 Бедор дилим тўла ўч бўлса, нетай?

* * *

Буюр, юрагимни итга отаман,
 Балки хобгоҳингда нозланар ҳурлар?
 Иста, ҳиссиз, дардсиз тошдек қотаман!..
 Ўзга дил баҳридан теролсанг дурлар?!..

* * *

Қайлардасан, ҳажринг жондан ўтди, ёр,
Йиғлатасан, унда ўзинг бахтиёр.
Ашъоринг куч бахш этар, дейсан, vale,
Шеър яралгай, дил қачонки bemадор...

* * *

Сенсизликка қўнмоққа бугун
Ўрганмоқчи бўлди юрагим.
Ечилмагач дилдаги тутун,
Тупроқларга келди белангим.

Эътиқоддан кечмоқ мумкинми,
Урф-одатдан кечмоқ – залолат!
Тоза ишқни хор этган дунни
То қиёмат қарғар самоват?!..

* * *

Сенсиз нурафшонлиғ билмагай олам,
Сенсиз баҳт сўзи йўқ, севги сўзи йўқ...
Сен тунги туйнукли муҳташам қалъа,
Не ғам, тун Хуршиди, кун-кундузи йўқ!..

* * *

Муз нигоҳингта кўзим тушди –
Кучоримдан тарвузим тушди...
Танда мадор, юрақда қон йўқ,
Забонимдан гап-сўзим тушди.

* * *

Руҳимда ғалаён, дилда олов ишқ,
Топилмас вафолар, тўқилмас сиришқ,
Ё фалак, риёга дуч этсанг яна,
Дунё омон қолмас, кул айлагай рашқ!

* * *

Кўнглим беҳаловат, ичимда ғашлик,
 Эй дўст, юрагимга сиз таскин бўлинг,
 Ҳаёт қизғонса-да неъматларини
 Ўзингиз соф ҳаво, тоза тин бўлинг!

* * *

Алдовларга дилим тутиб бераман,
 Фаму аламларинг ютиб бераман,
 Менинг мавжудлигим олмагин малол,
 Сен-чун Адам сари кетиб бераман!..

* * *

Кутавердим, сабрдан сарполар кийиб,
 Кўксимда парча гўшт кетса-да куйиб...
 ...Афсус, бор фурсатни, вақтни бой бериб,
 Ночор ўлтирибман армонни суйиб...

* * *

Инжу жамолингга асир юрагим,
 Таҳқир элларида фақир бўлмишdir,
 Инграр, умидланар, ўксир юрагим,
 Ишқсиз тийрагоҳлар ичра ўлмишdir...

* * *

Сизни рашқ қилмоқда юрагим,
 Билмайман кимдандир, бетиним,
 Сизга баҳт-саодат тилагум,
 Нимадир қийнар лек ботиним...

* * *

Юрак тугаб бормоқда,
 Дил кемирар аламлар,
 Азроил жон сўрмоқда,
 Жимдир ҳиссиз оламлар.

* * *

Юрагимда мадор йўқ,
Тилагимда қарор йўқ,
Дилим ёнар: дилингда
Зарра ишқи шарор йўқ!

* * *

На ой, на қуёшни этасан раво,
Бетиним кўзёшни этасан раво!
Тафтингга муҳтож замҳарир кўксимга
Муazzам муз тошни этасан раво...

* * *

Қадрдоnlар, агар баҳтдан қулар бўлсам,
Сизнинг била ажиб сұхбат қуарар бўлсам.
Билинг, офтоб дилимга нур сочган шу кун –
Ҳажру фироқ мендан йироқ қочган шу кун.

* * *

Кутмоқдан толмас дил,
Унутмоқ душвор.
Куз фасли...
Бошимни қопламоқда қор.
Ичимдан ерларга тўкилар соғинч,
Қайгадир чорлайди,
Қандайдир бир куч?..

* * *

Севаман, дединг!
Кўзинг тўла нур эди,
Сўзинг сара дур!..
...Севаман, дейсану,
Кўзингда меҳр йўқ,
Сўзингда сеҳр?..

* * *

Сенсиз баҳорларни қўмсамас юрак,
 Сенсиз нафосатга бегона қўнгил,
 Сенсиз сарафрозлик, фараҳ не демак?
 Сенсиз мангу ёлғиз-ягона қўнгил...

* * *

Фалақда бир қуёш, якка ой мавжуд —
 Юрақда ишқ учун битта жой мавжуд,
 Тилақда бир висол, биргина илинж,
 Кўксимда сир тўла жўшқин сой мавжуд.

* * *

Умримнинг хазонгир фаслида
 Баҳорий ишқ кутмоқ қулгили,
 Ойюзлар мастона васлингдан
 Муаттар мушк кутмоқ қулгили.

Умримнинг хазонгир фаслида
 Юрагим хазондек хокисор,
 Сенга гул тутарлар асллар,
 Мен бунда айлагум жон нисор.

* * *

Энди шеър ёзмайман соғинч ҳақида,
 Фурур, сабр бўлгай қатъий ақидам.
 Хаста юрак ҳолин этмасман баён,
 Сўзларим бўзламас дардманд, даргумон.

* * *

Ичимни тирнайди рашику аламлар,
 Дилларин хушлайди қоши қаламлар...
 Ўт тушсин заминга, узилсин фалак,
 Ёрим ағёр томон босса қадамлар!

* * *

Сенсиз ғариб, сенсиз бефайз,
Сенсиз берух, бежондир дунё.
Сен ёқларда саргашта лафз,
Мен ёқларда сарсондир дунё!..

* * *

Ишқ деб хаёл сурмасликни,
Висол орзу қилмасликни,
Умид отига минмасликни,
Армон гина қилмасликни
Ўрганаман!

* * *

Юрак олмоқда нафас, Аллоҳ иноятидан,
Оlam ҳуснин англабон ишқнинг шарофатидан,
Мавжудки не, вужуд-тан, руҳият, онг, барчаси,
Бугун Қуёш кўксини ёқар ҳароратидан.

* * *

Муҳаббат бу – ҳаёт,
Муҳаббат – дунё.
Муҳаббат – шеър – баёт,
Муҳаббат – зиё,
Муҳаббат мулкида сенинг кўйингда
Бормикан менчалик хору зор, гадо?..

* * *

Муҳаббат йўқ жойда шафқат бўлмағай,
Кел, менинг кўксимга тирагил ханжар,
Кўнглинг тилаганнинг олдига сени
Жасадим устидан йўл олиб борар!

* * *

...Мен мана, тақдирга бериб тан,
 Куз каби хилвираб юрагим,
 Япроқдек ҳисларим дафъатан
 Хазонга айтмоқда тилагин...

* * *

Сизга кўнгул бердим, гул бердим,
 Само бўлдим, асли гил эрдим,
 Ишқ бофингиз мунча серхазон,
 Энди бизга ҳавасми осмон?

* * *

Мунча маҳзун сизсиз лаҳзалар,
 Мунча жўшқин сиз мавжуд маъво?
 Мунча тансиқ сиз босган излар,
 Сиз ёқлардан эсган хуш сабо!?..

* * *

Сенсиз ҳаёт бормикан, дея,
 Самолардан ҳаво ахтардим,
 Тупроқларга бағримни бериб,
 Саҳролардан даво ахтардим.

Сен деб олов муҳаббатим-ла
 Ишқ оламин ёқмоқчи бўлдим...
 Сўнг... ҳаёлан висол тоти-ла
 Тирилдим-у, ногаҳон ўлдим...

* * *

Кўксим тўла севинчу алёр,
 Орзуладан энтикар юрак.
 Дунё бутун бекиёс, дилдор,
 Ҳаёт бизга йўллайди тилак!

Бундан ортиқ бормикан толе,
Бундан зиёд бўлгайми ёрлиқ:
Қуёш Ойга маҳлиё, тобе,
Ой Қуёшни айлар хумморлик!..

* * *

Майли, мендан кечгил, азизим,
Майли менга қилма шафоат,
Лоақал мен пойингни ўпган
Йўлак бўлсам розиман абад.

Майли, менга ситамлар айла,
Юрагимни юлгин, йиқилай,
Мен-чи, сенинг камолинг тилаб,
Ҳалок бўлсам розиман абад.

* * *

Қачон, қайдা бўлма, минг йилдан сўнг ҳам,
Ёмғир дил эшигинг чертса нолакор,
Оппоқ қор руҳинг соф ҳисларга кўмса,
Билгилки, мен ҳамон сенга интизор!

* * *

Сен-ла видолашмоқ оғир қанчалар,
Дилга армонларнинг тийфи санчилар.
Баҳор чоги ёққан қорнинг зарбидан
Ишқий куртакларим яхлар, янчилар.

Мадомики, само сирри сайрондир,
Мадомики, замин сайди жайрондир,
Туйфуларни беҳис, ҳисларни беиз
Айлабон шум тақдир гунгдир, ҳайрондир!?

* * *

Юрақда илинж йўқ, кўзимда уйқу:
 Соҳир хаёлимни йўқотиб қўйдим...
 Етар, ўз ҳолимга қўй мени, туйфу,
 Ахир минг бор ёниб, милён бор куйдим!

* * *

Остида ўт бўлмаса, қайнарми қумfonда сув –
 Бошида шамс кулмаса, гул очолгайми орзу?
 Ишқим, ишқингни ўлчар бўлса агар торозу –
 Манимдир уммон ўша, санингдир қатра ofу!?

* * *

Танамда мадор йўқ, титрамоқда жон,
 Гинамдан асар йўқ, соғинч ҳукмрон.
 Мұҳаббат, оғушинг бўлса-ю насиб,
 Аста кўз юмсаму жон берсам шодон...

* * *

Яна юрагимда булбуллар саси,
 Яна гулбоғимда умидвор насим,
 Гар сенинг васлингга етсам мен ишон,
 Еру кўкнинг бизга келар ҳаваси!

* * *

Кўнглимга таскиндири, кўксимга фурур,
 Менга ҳеч гавҳару олтин, кумуш, дур,
 То тирик эканман олурман нафас,
 Мехр маъвосидан келиб турса сас...

* * *

Вужуд титратмоқда...
 Дил мендан уни сўроқламоқда...
 Кўксим энтикар-у, забонимда сенинг Каломинг!

Ўртада сабр иймону номус-ла жон талашмоқда...
Айт, қандай бошқарай уларни, Тангрим?

* * *

Бора-бора сендан қолсайди күнгил,
Зора-зора йироқ кетсайди ҳислар.
Қора-қора тунлар, тонгларга синггили,
Чора, чора менинг дардимга изла!..

* * *

Моҳитобу офтоб юлдуз-ла шон талашмас,
Дунёдан нон тиланиб, боғи ризвон талашмас.
Нур улашиб, ниҳоят берса-да жон талашмас,
Ўлса, ўлгайдир, vale ёри нодон талашмас.

* * *

Тилингдан тушмайди аҳд-вафо,
Дилингдан учмайди хаёллар.
Сен-чун ундан бошқа эркак йўқ,
У-чун дунё тўла аёллар!

Кўнглингга сифмайди кайф-сафо,
Кўзингга кўринмас шамс-ойлар.
Сен-чун кошоналар вайронা,
У-чун кулбада минг чиройлар...

* * *

Кутаман, булатлар парчалангач,
Бағримга ёмғирдек оқишинг.
Ўшанда фуборлар ювилга-ю
Сезасан, бир менга ёқишинг.

Ишқ йўқ бу дунёда, вафо йўқ!
Бу азал Ҳақ битган ҳақиқат!
Жисман борман холос мен дунёда,
Ишқим у дунёдан шаҳодат!

* * *

Ўкситасан...
 Умрим қисқармоқда?..
 Ўзингни тортасан узоққа,
 Узоқлаб кетади куч-мадор,
 Узоқлаб кетганда эътибор!

Шўх-шодон боқасан ҳаётга,
 Чарчайман рашидан, ашидан...
 Дунё боғланса-ю баётга,
 Узоқлаб кетсам мен Арщдан!

* * *

Аҳзон юрагимнинг ганжи, гавҳари,
 Ҳар он вужудимни сабр алқайди.
 Сенсиз ўз бўйнимни Машрабдай дайдиб,
 Дорга тутмоғимдан асрагин мени.

* * *

Унутиляпсан...
 Ўлганда ишонч,
 Ўлмоқда умид, орзу!..
 Тилмоч —
 Кўз излайди илож:
 Топилма — муҳаббат — юзи доғ,
 Ногирон, ташна, оч...
 Юрак — ишқ ўйлида билвосита бож!

Йўқ! Унуголмадим!..
 Қайта тирилмоқда умид ва илинж...
 Тағин муҳаббатнинг жамоли равшан,
 Тағин юрагимга таслим вужуд — тан,
 Тағин изламоқда туйғулар овунч!?..

* * *

Эсизгина орзу, эсизгина ишқ,
не деб тўкилгани ноаён сиришк...
Қатра висол излаб ҳижрони улкан,
минг йил туни қози, тонглари ҳакам.

Эсизгина туйғу, эсизгина ҳис...
Эҳтирослар уммон, эътибор танқис,
эсиз қуёш қадар юксалган севги,
афсус, сўнаётир топилмай тенги...

* * *

Сени дедим, унга эрк бердим,
Сенга ишонч, дилга кўрк бердим,
У эрқдан ноламни унутди,
Дил кўрқдан оламни унутди...

Сенга бердим гулларимни қизғаниб,
Ундан кетдим — кун эди тундан ғариф,
Кунларим — ундан сенга қараб қочди,
Тунларим кундан-кунга ғариблашди...

* * *

Сенсиз ҳаёт давом этмоқда,
Сенсиз юрак урмоқда ҳамон.
Шукр, дилга ҳаво етмоқда,
Демак, борман, саломат, омон.

Фақат караҳт, гунгдир туйғулар,
Рангиз дунё, жонсиз мавжудот...
Гоҳ олов, гоҳ муздек тана —
Дилда, тилда ягона Худо!..

Куй-оҳанглар, қўшиқлар — йифи,
Ноз-неъматлар — барчаси тахир.
Дунё, бунча номардсан, тийфинг
Бемор чоғим санчдингми, тағин?

* * *

Аллалайди ҳар тун сенинг хаёлинг,
Тонгда соғинчинг-ла очаман кўзни.
Кундуз минг бир юмуш, минг ташвиш ичра,
Васлинг умиди-ла овутгум ўзни.

Умид бу мададдир, умид бор ҳаёт,
Эртанги кун мавжуд, бардошли юрак.
Умидсизлик сўзи — сенсиз демакдир,
Умидим гар сўнса, жон берсам керак...

* * *

Нетай, таъбим нозик, мураккаб руҳим,
Бедил мен, келдим teng мазлумларига.
Ёлғизлик ярашар Аллоҳга, аммо
Маҳрам бўлолмадим золимларига.

Кимдир дилга таскин, суянч ахтарар,
Ёлғизлик юҳодек ютганда гоҳо.
Мен сендан ўзгадан истасам нажот,
Жоним Ҳақ шу заҳот олсин, илоҳо...

* * *

Дунёдан қечмоққа розиман,
Бир висол, бир дийдор учун ёр!
Ҳар оним, иймоним дер сени,
Ки сенда эътиroz, ихтиёр!

Шифобахш ўшал кун рўёбин
Кўрмаса гар сабр-бардошим,
Эй фалак, узил, эй ишқ сўзи,
Ёниб бит, дорга ос хам бошим!

* * *

Сени чақирмоқда юрагим...
Эшитмаяпсан-ку сен уни?..
Инграб йифламоқда...
Кераги
Йўқ, деб ютиб юрибман уним...

Беҳол, беруҳ, бежон юрагим,
Ачинмаяпсан-ку сен унга!?
Зулматларда ғафлатга ботиб,
Мехр беролармидинг қунга?

Сендан норизо ишқ, Юрагим!

* * *

Мен яшайман, ҳижрон,
Ўлдиролмайсан!
Тенг келмасман хору хасларга!
Топтатмасман орим тубан касларга!
Ва бир куни енгиб ўтиб ғамларни,
Завқин сургум осойишта дамларнинг!

* * *

Чучварани хом санамоқ ҳам яхши,
Ҳеч йўқ иштаҳани очади бу иш.
Гулзорда бир фунча тутиб қўлимга,
Умидвор қаратиб ўнгу сўлимга,
Ташлаб кетавердинг аро йўлда, Ишқ!

2007-2008

РИЁКОРГА

1

Тириклай ўлдириб, кайфи сафо бўлди,
Димоғи чоғ, дили ошуфтаҳол бўлди.
Жисми қул, куфр элида нафси ҳоким,
Хотири жам!
Ишқ, аҳлига жафо бўлди.

2

Қуёш чиққунча Ойнинг шуъласидан баҳра ол,
Кўнглингга хиёнатнинг риёкор расмини сол!
Қуёш нима, Қуёшнинг саховатли бағрига
Қачон керак бўлса гар жойлашасан bemalol.

3

Ҳажр ила ёнмагай беишқ, дил,
Ки дунё куймас, кун – мўътадил.
(Бас киймоқ либосин тўрт фасл!)

Ўз юрак истагинг вожиб қил,
Яшайвер, яшнайвер муттасил!..

4

(Айтшумаган иқрор)

“Анда” ўт дилимни совуқ “Тош” тортар,
Қуёш, кечиролсанг, кечир, минг бора.
Риёлар юртида фифоним ортар –
Боғланиб қоляпман “Тош”га тобора!

Сени ранжитоқни истамам, аммо
Нетай, тарки одат беҳуда, абас,
“Тош”нинг оғуши кенг, бўйлари само,
Ундан кечолмайман, кечир, илтимос!

5

Гар истарсан,
мен сени саболарга бераман.
Бекарор, ишқталаб дилраболарга бераман.
Ўйна, завқи даврон сур,
Кимга нажот сабрдур,
Хаста дилни қабр-чун –
даволарга бераман!

6

Айтгандинг:
“Мен унинг кўнглига қарадим,
Ундан қутилдиму яйрадим!
Мен сени деганман ягона,
Хиёнат менга ёт-бегона!”
Энди яна бу сўзни алҳол,
Сўзлаётгандирсан кимгадир такрор?

7

Фуур бор, исён бор шернинг наърасида,
Сен-чи бир кўппаксан итлар орасида...
Ишқа тил теккизма, нафсинг борасида,
Пок хун – қони туттай ишқнинг норасида!

8

Қадр деганлари ердан-да пастми,
Нафси ҳакалакка ишқ хору хасми?
Дунёда куйган дил – мажруҳу майиб,
Сендеқ шайтонмижоз, бешарм озми!

Осмон яқин келди ернинг қаъридан,
Замон аҳли қулса арзир наърида!
Сендеқ ўйинбознинг ўйинларига
Бўлса Қуёшнинг-да кўкси харита!?

9

Сендан ишқ сўрамам, жон, нон сўрамам,
Мехр тилаб ўтгум дил остоңангдан.
Заҳмат, тоқат қанча даркор, сўра, ман —
Иймоналааб ўтгум дил остоңангдан.

10

Қочма, қочма, қувламайман,
Шошма, шошма, тўхта-чи!
Менда қолди хонумонинг,
Бор, дунёдан ахтар-чи!

Толе кулса ажаб эрмас,
Ажабмаски тополсанг,
Яна Қуёш қўксига, Ой
Юзига лой ёполсанг!?

Берар балки Қуёш жонин,
Оларсан Ой юрагин...
...Аммо билки, бўлолмайсан
Улардек ер тиргаги!

11

Алвидо, хиёнат, алвидо, кўзёш!
Оёқлар остида эзилган бардош
Сенинг қиёфангни кўрди муайян,
Бас, энди кўзи кўр, аҳмок, гўл эмас!
Ишқ аталмас мазаҳланган эҳтирос!
Сен зулмат қатларига ўзингни
Муносиб ва мансуб билдинг.
(Офарин, бу тўғри талқин!)
Куёш бу Қуёш!
Алвидо, Замин!..

12

Ҳар қутлуг кун...
Кимга баҳт, завқ улаш, баҳш эт ҳаловат!
Менинг қўксим тилиб, яйра саломат!
Ёмонга ён боски, муддаонгга хос!
Сен-чун ишқ — манфаат, миннат — эҳтирос!

13

Бир кун севинч берасан,
Эртасига ғам-қайфу.
Кўнгилдан гул терасан,
Минг айлабон тазарру.

Бир кун ишқ шевасида
Вафодан роз айтасан,
Эртасига қасиданг
Бузиб, бесоз айтасан.

Бир кун Аршда сармастон —
Сен куйлаган баётлар.
Эртасига ногаҳон
Тўйдирасан ҳаётдан...

Бир кун ерни қучасан,
Эртаси ел ҳамроҳинг.
Фолиб, кўкка учасан,
Осмон тўла гуноҳинг!

Бир куни ер оёғинг
Чалганида...
Осмон
Қулагуси, саёқнинг
Боши қолмагай омон!

14

Висолсиз тунлар ҳаққи,
Дилдаги унлар ҳаққи,
Тўкилган хунлар ҳаққи,
Сендан узгайман кўнгил.

Учмайман ёлғонингга,
Зормасман ёвғонингга,
Ачинмайин жонимга,
Сендан узгайман кўнгил.

Сен – рўёсан, сен – дунсан!
Ишқи сўнган кукунсан,
Маҳв бўласан кун-кун сан,
Сендан узгайман кўнгил.

Маккорлигингдан толиб,
Ишқим кетди йўқолиб,
Энди Худога солиб,
Сендан узгайман кўнгил!

15

Кўнглингда гар ишқдин асар қолмади,
Мандин ҳожатингга барор қолмади!?
Қолди фақат қабиҳ қасду кудратинг,
Гар икки даҳр аро асрор қолмади!?
Бас, етар найрангу хийла-хиёнат,
Бас, кўз-кўз қилма доғ юзингни кулфат!
Нафс оламингдан ишқимни ҳайдо,
Сароб, келма, келма, тишингни қайраб!
Динда сандек конизарар қолмади,
Барин ичдим,
Дунда заҳар қолмади!

16

Нажот излаб ўлим — ҳижрон чоҳида,
Қўлим чўздим хиёнат этагига.
Самолардан келдими рад, васият,
Кўнгил уздим риёлар эртагидан...

Хиёнатни минг чорласам, шунчалар
Мендан йироқ кетди, парво қилмадим,
Риёлардан йўқ хорланган менчалар,
Минг бор ҳалок этдинг, аммо ўлмадим...

...Йўлнинг икки томонидан чорласа,
Муҳаббат ва хиёнатнинг қўллари,
Бунда қалбим истаклари зорланса,
Қандай хорга алмаштирай гулларим?..

17

Ботиниб бағрингга бош қўёлмасам,
Ишқ сайдидан зарра завқ туёлмасам,
Сен-чи, риёларинг измида белафз,
Қилмиш-кечмишингдан ҳеч уёлмасанг...

Кетсам кетибман-да, айлаб сарафroz —
Сенга минг ишвалар, этганиларни роз!
Бу тийрагоҳлардан гадо ҳам қочгай,
Бу тийра роҳларда вабо илашгай!

18

Қуёш кулиб нур улашди,
Баҳор келиб, кетди қиши.
На мен дилга бердим овунч,
На сен қилдинг парвариш.

Бойчечаклар куч-ғайратдан
 Ёриб чиқди тошларни.
 Сен бир қадам босолмадинг,
 Синдириб «бардош»ларни!?

Наврӯз келиб ер бағридан
 Юракларга ўтди тафт.
 Тутмоқдасан сен муз дилинг
 Гоҳ, гул, гоҳ, булбул тараф.

Шаббодалар куртаклардан
 Бўса олур эркалаб.
 Сен харобот кулбасининг
 Пойига қўйорсан лаб.

Ҳаёт сафо, атроф гўзал,
 Кенг дунё нафосатда.
 Сенинг риё тўла бағринг,
 Faflatda, arosatda.

19

Сенсиз...
 дунё нурсиз, маъносиз, рангсиз...
 Васлинг...
 Майли насиб бўлмас!
 Найрангсиз
 Чин ишқ шевасида сўзлашни ўрган!
 Қайга бошлиса нафс эргашма онгсиз!
 Ишқсиз...
 Жаннат-дўзах бир бўлур шаксиз!
 Лафзсиз йигит умри хор бўлур шаксиз.
 Фалақдан доим ҳам ёғилмас меҳр,
 Қадрин билмас ишққа зор бўлур шаксиз.

«Садарайҳон эгилгани – сўлгани,
Йигит кишин эгилгани – ўлгани!»
Шайтон қутқусига зор бўлганларнинг
Сўнги қайфу-алам ўйнаб кулганин!

20

Сенга ҳусн берган Аллоҳ,
Иймон ҳам бергандаиди.
Куч, маҳорат, сеҳр берган,
Виждан ҳам бергандаиди.

Сенда меҳр-оқибат йўқ,
Сенда кўп хийла-найранг.
Билмагайсан андуҳ-ғамни,
Кунда тўй, кунда байрам.

Сенда фурур, номус йўқдир,
Сенда суурур – нафс бор.
Ҳажр дардин англамайсан,
Сенга айшсиз дунё тор.

Мужассамдир жозиба, сир,
Сенда жамъи ҳарорат.
Етишмас лек зарра сабр,
Етишмайди матонат.

Маккор ўзинг, бекор ўзинг,
Ўзингдирсан бадкирдор.
Абгор менинг дилим афсус
Сенгинага харидор...

Сенга ҳусн берган Аллоҳ,
Иймон ҳам бергандаиди!..



Дадам Ваҳобжон
Раҳимжон ўғли.



Онам Ҳамроҳон
Мирзажон қизи.



Ўқувчилик даврим. 1978 йил.



Турмуш ўртоғим
(санъатшунос олим)
Баҳодир Кўчқоров,
дадам ва фарзандларим.
Шоҳимардан. 2000 йил.

Ёш оила.
Тошкент.
1990 йил.





Онаизор... 2006 йил.



Фарзандларим Бисёрбек ва Гулжаён.



Ёзувчилар уюшмасининг Андижон вилояти
бўлими қошидаги “Бобур издошлари”
тўгараги аъзолари даврасида. 2011 йил.



Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов
Андижонда. 2000 йил.



Ўзбекистон халқ
ёзувчиси Пиримқул
Қодиров рафиқаси
 билан Андижонда.
2005 йил.



Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла
Орипов бир гурӯҳ ижодкорлар билан Дўрмон
ижод уйида. 2011 йил.



Андижонлик ва афғонистонлик
адиблар ва олимлар. 2010 йил.



Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири
Эркин Воҳидов Ёзувчилар уюшмасининг
вилоятлар бўлимлари раҳбарлари билан
суҳбатда. 2010 йил.



Ўзбекистон халқ шоири
Н. Нарзуллаев, олимлар
И. Фафуров, С. Жалилов,
ёзувчи Ҳ. Сиддиқовлар
 билан. 2005 йил.



Шоира Турсуной
Содиқова билан.
2006 йил.



Олма-ота университети профессори Ислом
Жеменей, академик Азиз Қаюмов, қозогистонлик
профессор Дандај Исҳакули, хитойлик олим
Ван Чин Минлар билан. 2011 йил.



Боку университети профессори Рамиз Аскер (Озарбайжон),
Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид, Киото
университети профессори Эйжи Мано (Япония), Бобуршунос
Зокиржон Машрабов, қирғизистонлик санъаткор
Бахтиёр Тұхтаматовлар билан. 2011 йил.



Андижонда үтадиган “Шаҳриёнсой мавжлари” водий ёш
ижодкорларининг анъанавий анжуманида. 2009 йил.

21

Сен қандайин ишқдан воз кечдинг,
 Наҳот, шоду сарафroz кетдинг?
 Кунлар ўтди, ой, йил ҳам ўтар,
 Неча сабоҳ отар, кун ботар,
 Учраштирап бир куни Аллоҳ,
 Кўзлар кўзга тушар ҳам, бироқ
 Сувлар оқиб кетар у маҳал,
 Ҳислар сўниб кетар муфассал...
 Ҳол сўрамай қўйди мендан ишқ,
 Энди тамом бошқа ғам-ташвиш,
 Ҳаёт сокин, дунё жилвасиз,
 Баёт секин кетмоқда олис.
 Орзуладан яралган нур йўқ,
 Юракда ўт тутул чўғ-қўр йўқ.
 Ойнага йўқ қарашга ҳожат,
 Нафосатга ажратмоқлик вақт
 Малол келар сенсиз – севгисиз,
 Вақт ўтади ўлчов, белгисиз.
 Ким келар, ким кетар фарқи йўқ,
 Ҳеч кимсага сўзим тафти йўқ.
 Тунда ҳамроҳ уйқу дорилар,
 Тонгда ҳоргин кайфият чорлар.
 Ўнг келган уст-кийимни кийиб,
 Нонуштанинг вақтини қийиб,
 Ишга кучим сарфлайман хўп,
 Тушлик даркор эмас! Қорним тўқ!
 Бирдан руҳим бўшашиб кетар,
 Қўлга қалам оламан, етар!
 Шунга ўхшаш ҳиссиз сатрлар,
 Дафтаримда ногоҳ қаторлар,
 Бетайин ғам, беҳуда алам!
 Уйим томон ташлайман қадам,
 Истабми ё истамай тамом,
 Кунни кечга алмашгум ҳамон.
 Шундай ўтмоқдадир кун-туним,
 Сенсиз – ишқсиз, беруҳ, беуним...

22

Сендан хабар кутиб кун, ойлар ўтди...
Фақир дилни талаб гадойлар ўтди,
Ўтди беҳаёлар, берўйлар ўтди,
Мендан йироқларда юравердинг сен!

Юрак тилайверди висол онини,
Унсиз кутавердим ишқ инъомини,
Лабим пичирласа бунда номингни,
Лабинг ўзгаларга тутавердинг сен!?

Сабр пойин ўпид ғуурум ётар,
Тунлар тунар дилим, тонглар тош отар,
Жисмим ичра дарду ситам саф тортар,
Мен йигласам, ҳиссиз кулавердинг сен!

Аста йироқлашиб бормоқда диллар,
Айро манзилларга бошлайди йўллар,
Гулзоримдан сўлим туюлиб чўллар,
Сардобани сой деб ўтавердинг сен!

Сен самодан кутмай иноят, ажр,
Нафсинг чўпга илиб топтадинг бағир,
Қўл билан берганга қуш тўймас ахир,
Берсалар ямламай ютавердинг сен.

Ўзинг қурган дорнинг остида йиглаб,
Мана, ўлтирибсан дилингни тиғлаб,
Мендан яширасан, турибман илғаб,
Қайдан қайга қараб кетавердинг сен?

2007—2008

* * *

Бирдан маъюсликка бўлдим ошино,
Бирдан борлиғимни қоплади зулмат...
Гарчи қўрмасам-да, йўқламасанг-да,
Фикратим: сен мени дер эдинг фақат?..

Ногоҳ чалқашди-ю барча-барчаси,
Ногоҳ гумон, ўқсиш бўлди ҳамроҳим.
Ажаб, бир кунгина ўтди-ю фурсат,
Бунча тез бурилди сўл ёққа роҳинг?

Кўксим эзмоқда бир бетайин ҳолат,
Номсиз зерикишлар чорлар дилимни.
Яшашга иштиёқ йўқолди мутлок,
Бирдан кўринмас ғов тўсди йўлимни.

Мен даво қидириб келган бу маскан,
Мени алқаётган шифолар нечун?..
Мен фақат сен учун яшамоқчийдим,
Йироқ кетган эдим сендан сен учун...

2007

* * *

Тақдир дастида дил – чирманда,
Чертади, уради хоҳласа.
Роҳимни бурди ўз оёғим,
Номардга эгилди дил роса!

У мени кўкка деб етаклаб,
Заминнинг қаърига элтибди.
Зулматда бўйнимга тош боғлаб,
Ўзи нафс мулкига кетибди...

Тақдир йўлларимда чалкашлик –
Фурбатдан турбатга ўтар дил,
Ишқ чорлаганда саркашлик:
Алдовнинг ҳукмига бўлар қул...

Ақл ҳар нега хўп етади,
Кўнгилнинг кўзлари кўр – сўқир.
Фурур бор, сабр, дор, кенг қабр!
Бир ўлим бермайди шум тақдир!?..

2007

* * *

Бошингга мунча кўп жафолар ёғмиш,
Бошимга отилмиш маломат тошлар...
Иккимизга дунё ишқ, деб ёлвормиш,
Ва иккимиз жарга бормоқда бошлаб?..

Ошингда мунча кўп оғулар ахир,
Мунча кўп ёғийлар қўксингда муқим?
Мен на ой, қуёшга очмадим бағир,
Сен қора булатга тобе ва тутқун!

2008

* * *

Ахир ким бўлибман, Ҳақ ҳукмин
 Таҳририн, таҳлилин истасам!
 Муносиб этдими, ишқ бизни,
 Бу тақдир, бу зикр, бу қасам!

Магар ер айланмас, қун чиқмас,
 Ботмас ҳам...
 Отмас тонг – сабоҳлар!
 Магар дил уришдан тўхтар-у
 Нурсиз кўз юмилар, караҳт тан...

Дейдилар: чин ишқ йўқ оламда,
 Дейдилар: бу севги мажозий.
 Сен мансуб эмасми, оламга?
 Мен мансуб!
 Дун мағлуб, дил ғозий!

Ишқ мавжуд!
 Мен унинг кафили!
 Ишқ – вужуд, юракнинг озиги,
 Гарчанд гоҳ жафо, гоҳ жон берар,
 Ошиқнинг бўлмагай фосихи!

Бас, ортиқ аҳд этмам қурашни,
 Ишқимиз Аллоҳнинг ҳукмидир.
 Биз – бирга ёндирган оташнинг
 Дояси –
 Исми бир, жисми бир!

2007

ТАҚДИР

1

Дилпорам, ўксинма, ўксинма сира,
Бу ёруғ дунёни кўрмадим, дея.
Дунё сен кутгандек эмас бокира,
Дунё тўла риё – ёлғон воқеа!..

Мени сен кечирсанг, кечирар балки,
Тангрим – Биру борим, ботину зоҳир,
Эй дилим парчаси, юрагим қалқир,
Сени маҳв айлаган мен эмас, тақдир!?..

2

Эсиз ишқ боғимда унган чечагим,
Сен томон келдилар шафқатсиз, дадил,
Мен сенинг томиринг очиб бердим-у,
Жаллод қўли билан айладим қатл.

Ҳиссиз вужуд эмас, сен юрак, сен рух,
Энг ширин,
Энг буюк баҳт мевасийдинг,
Ким билан қандайдир тузди-ю сулҳ,
Сендан юз ўғирди ногоҳ, осий дил...

2007

Шукфай ғиъзон

...Рұқ-ын сәзмалана олады бағын,
Писанд әтмаланадек тоғыл дүнёсии.
Шолдан бүткін дағдни күкимдің оршиб,
Ёлиңдік елкамда өнар ғидосин...



* * *

Энг олий севинчим, олис суянчим,
Мехру муҳаббатинг учун минг қуллуқ!
Дилга жон бахш этар чашмингда очун,
Битта ширин сўзинг висолдан улур!

Юрак озиқданар – хаёлинг юпанч,
Оқибатинг таскин дил ўксиганда...
Шунчалар дилбарсан, шунчалар маъсум,
Бир гард юқмагай!
Лек дил пароканда:
Ўзга маъволарга босган изингдан
Чечаклар унади, гуллар сочар мушк,
Менинг юрагимдан кундан-кун ўсиб,
Шохлаб бораётир дараҳт янглиғ ишқ!

Бахтим, қайда бўлма, омонлик тилаб,
Қалбим осмонидан нурлар сочаман,
Ўзга маъволарга босган изингта!
Гарчанд ўзим мангуж зулмат ичраман...

Минг йил нафас олмай, минг йил яйролмай,
Минг бир азоблардан омон қолган дил,
Сенинг муҳаббатинг наҳридан тўйиб,
Нўш этолмаса ҳам майли,
Муттасил...
Сени ойдан ёруғ тилаклар билан,
Жўшқин сойдай зорлиғ юраклар билан
Севаман!
Руҳим-ла қучиб висолинг,
Севаман,
Сирлашиб фалаклар билан!

Воқиф бўлолмагай ишқимдан очун,
Эй олий севинчим,
Олис суянчим!

2005

* * *

Мен сизга дунёнинг энг гўзал
 Гулларин иноят айласам,
 Денгиздек мавжланиб,
 Муфассал
 Дилларим
 Дурларга айланса,
 Ва сизни энг зилол,
 Мусаффо
 Нурларга менгзаса дил сўзим!..
 Сиз-чи ишқ, мулкидан
 Вафолар
 Келтира оласизми,
 Азизим?..

...Мен сизга асраган гулларим
 Ўт-олов бағримда
 Сўлдилар...
 Мұхаббат аталмиш маъвода
 Сенга жой йўқ, дея ўлдирап
 Шум қисмат.
 Мен эса,
 Мұхаббат!
 Жонимни берайин сенга, деб,
 Йигладим!..
 Овозим чиқмади,
 Кўзёшим тўкилмас,
 Энтикиб,
 Бир сўзнинг такрорин алқадим...
 Бир сўзки, энг лазиз,
 Энг қадим...

2005

* * *

Мен сизни бир қунга йўқотган кечада
Юлдузлар йиғлади,
Само йиғлади...
Менинг алам тўла қўзимда нам йўқ,
Фақат...
Юрак телбанамо йиғлади...

Мен сизни бир қунга йўқотган кечада...
Дунёлар йиғлади,
Замон йиғлади...
Хаёлот мулкидан юпанч ахтариб,
Рўёлар йиғлади,
Армон йиғлади...

Бўм-бўш кўринди бу серфавро олам,
Бўм-бўш туюлди бу сертуйғу юрак!?
Мисли оқ кафанга ўраблар кетди,
Оппоқ тилакларим оппоқ капалак?..

Мен сизни бир қунга йўқотган кечада...

2005

* * *

Мен сиздан кетаман, сиз каби узоқ,
Юрақда қолгани на ишқ, на туйғу...
Денгизга қўшилиб кетди ашқ – фироқ,
Билмайин қолдим не рашиқ, не орзу?

Сиз томон бораман, сиз каби яқин,
Лабимда на олов, на танда титроқ,
Борсам-да, кетсам-да беҳисоб, бетин,
На дилда эҳтиёж, на тилда сўроқ?

Мен сиздан кетяпман, сиз каби узок,
 Ортимда на ҳису на из қолмоқда...
 Дилингиз чоғидир...
 Ҳамроҳим — кузак,
 Маҳзун оғушига олмоқда...
 Мен олис кетяпман...

2007

* * *

Ё Раб, рухимни тарк этса-ю гумон,
 Хаста замин ичра жонланса ҳаёт,
 Юрак тортинмайин олса-ю нафас,
 Сен менга, мен сенга айласак имдод.

Фақат мен тутган гул атридан сармаст,
 Фақат мен тутган май сеҳридан қонсанг...
 Фақат менинг зилол чашмим сойида
 Чўмилсанг, рашкнинг (фаш) юzlари ёнса...

Фақат баҳт, муҳаббат, вафо, эҳтирос,
 Фақат ишқ мулкингда мен Лайлинг бўлсам...
 Сен Мажнун бўлсангу менинг қўйимда
 Висолга етмасак баробар ўлсак!?..

2007

* * *

Муҳаббат, муҳаббат, муҳаббат,
 Сирлисан, нурлисан, пок лисон.
 Арш қадар юксалган эй дарахт,
 Илдизинг заминда бегумон.

Замиnda, нақ менинг жонимда,
 Кўксимдан ўтар ўқ, томиринг.
 Озуқанг — қайноқ дил қонимдир,
 Қаддинг тик этгувчи омилинг.

Орлисан, зорлисан, хормисан,
Бағрингда гоҳ гумон, гоҳ нафрат?
Ёвмисан, ёрмисан, дормисан,
Мен сенсиз йўқдирман муҳаббат,
Мен сенсиз жонсиз тан, муҳаббат!?

2007

• • •

Бизни Аллоҳ бирга яратди,
Қуёш боқди мамнун, жилмайиб.
Сахий дунё тутди неъматин,
Аллалади шаббода майнин...

Бизга Аллоҳ нурин таратди,
Роҳатланиб ичдик ишқ майнин.
Фоғилликдан иноятини
Қайтиб бердик кўзга илмайин...

Норизо кун бурди юзини,
Булутларга дил ошёндайин —
Ёмғирларин тинмай тўкса-да,
Оғирлашиб борар кун сайин.

Бизни Аллоҳ сарсон яратди,
Манзилимиз йўқ, бирон тайин.
Қароримиз, шахтимиз бисёр,
Висол сўзин такори қийин.

Бизга Аллоҳ меҳр қаратди —
Кўл узатсак тутқазди ойин!
Лек бир тилак ўртар юракни:
Жаннатдан бер, учрашув жойин!?

Бунда Аллоҳ, айро яратдинг!

2007

* * *

Сенсиз саҳроларда юрдим адашиб,
 Унсиз, ҳиссиз кездим ишқ гулзорини.
 Саъваю қумрилар, зофу бургутлар
 Тинмай қилаверди дил изҳорини...

Сенсиз тош қотди дил, ўздан тонди дил,
 Дунё дунёлигин йўқотди бирдан,
 Само йўқ, ҳаво йўқ, атроф жимжитдек,
 Номсиз манзил сари борардим илдам...

О, баҳтим қуёши, қуёшдек балқиб
 Ўлик вужудларга бағишлисанг жон,
 Дунё дунёлиги, ишқ бунёдлиги,
 Мен ҳам ҳаётлигим қайтарди, ишон!..

...Сенсиз дунёларда қолдим адашиб,
 Хору ҳаслар мендан мушк кутаверди,
 Аламлар келдилар нолалар қилиб,
 Барисин ичимга жим ютавердим...

Кутдим, кун келиб ишқ нурга айланар,
 Кутдим, кишанларни парчалар ҳислар!
 Кутдим, тиконлардан зада қўнгилни
 Бир кун нафосатга буркар наргизлар...

Билмам, истиқболинг қайга бошларсан,
 Билмам, муддаонгда қандайин хислат?
 Мен балки у дунё сари кетарман,
 Сенинг муҳаббатинг, вафоинг излаб?

2008

* * *

Хаётимга кир, сирли баётимга кир!
Аччиқ аламларни, жабру ғамларни
Парчала, сўнг бизни боғласин тақдир,
Кўзларимдан арит қайфу, намларни!?

Йўлларимдан ҳайда номард касларни,
Зиндоналардан қайтар ноёб ҳисларим,
Ёруғ эди, ёруғ қолсин юзларим,
Сўзларимдан арит қаро номларни...

Бахт қасрини кўрсат, аҳд қайда кўрсат,
Дунё жамолини ишқ – майда кўрсат,
Роҳат, ором, қувонч... навбатма-навбат
Келсинлар, унугтай қатли омларни!?

Бугун видо айтдим титроқ ҳисларга,
Шоҳдан шохга сакрар енгил қушларга...
Сархил мевали боғ, сирли тушларга
Тўлдирап ишқ, балки тонг-оқшомларни!..

2008

* * *

Худо хоҳламади, учраштирмади,
Дунё сақламади паймонларимиз.
Юрақда пок ният, эҳтирос эзгу,
Ўтиб бормоқда соғ давронларимиз.

Худо истамади, ишқ истамади,
Биз ҳам истамадик имконимизни,
Диллар истади гоҳ, гоҳ истамади,
Ишқдан устун қўйдик иймонимизни...

2008

* * *

Мен сени соғиндим, соғиндим,
 Аммо
 Иқрор гулим очмоқ истаганда юз,
 Бирдан ёпирилар довулдек фурур,
 Арш ва қабр аро сарсон қолар ҳис...

Мен сени... мен сени...
 Ёзолмам...
 Ҳамон
 Тан олмас бу сўзни дил, ҳатто ўзи...
 Тунги тўлғоқлардан титрайди само,
 Ёшланади сирдош — уйғоқ тонг кўзи...

Рух-чи сезмаганга олади барин,
 Писанд этмагандек ғофил дунёсин.
 Тоғдан буюк дардни кўксимга ортиб,
 Ёлғизлик елкамга ёпар ридосин...

2009

* * *

Бирам баҳтли эдим ўшанда:
 Пойимга йўллар гул тўшарди,
 Бошимда куларди офтоб,
 Юлдузлар мен билан яшарди!..

Бирам шаҳтли эдим ўшанда:
 Кўкларга шай эди парвозим,
 Дарёлар тингларди дилимни,
 Тоғлардан ошарди овозим!

Бирам таҳтли эдим ўшанда!
 Давлатим — ишқ эди құдратли,

Мағлуб этолмасди юз ғаним,
Савлатим бор эди шұхратли.

Сенсиз дунё бўлди қушанда!
Дарёга чўқтирди муродим,
Мен ишқиз бир ғариб — гунг ва лол,
Бўғзимдан бўғмоқда фарёдим...

2009

ЎТИНЧ

Жимжима гул афсан Гултожихўроз!
Кўзларим юзингга тущди-ю, бехос,
Тароватингга лол, мафтун юрақда
Алвон гулларингдай ёнди эҳтирос...

Хазонгир боғимда балқиган қуёш!
Ўтинч сўзларимга қулоғингни ос:
Ишқим мезонида титраган дилим
Бекасам баргингга ўраб қўй бир оз!..

Кузнинг гул юзлиги — Гултожихўроз,
Гулларингта дилдан боғладим ихлос,
Сен Аллоҳ санъатин — гулларин тожи,
Гултожихўрози,
Гултожихўроз!

2000

СОЙ БЎЙИДА

Косонсойнинг бўйида маъюс
Хаёлингни қучди хаёлим,
Туйгуларим тошди сувлардек,
Васлинг излаб, васли зилолим!..

Бир тупгина жийда тинглади,
Бир сой билди юрак дардимни.
Нажот сўрмоқ истади сендан,
Юволмай сой кўнглим гардини...

Ҳамроҳларим кўп эди, юрак
Ўзни тамом санади ёлғиз...
Сувдек бисёр, сувдек соф тилак –
Орзуларим сувдайин ожиз –

Манзилига етгунча неча
Тошлар ботар сафо бағрига,
Парвонадир, бедор – сернидо,
Шошар чексиз ҳижрон баҳрига...

Мусаффодир Косон ҳавоси,
Тоғлари дур, сойлари зилол!..
Термулганча ўлтирибман жим,
Барча завқ-шавқ қалбимга малол –

Фақат васлинг излар юрагим,
Фақат хаёл берар тасалли...
Бенаво дил унсиз, умидсиз:
Висол тонги отгайми ҳали?..

Косонсойнинг бағрида ёлғиз
Ёздим ниҳон дил тафсири
...Боҳабар сой тўлғонди маъюс,
Тинглади жим жийда сиримни...

2004

ОРАЗИНГ

Оразингни кўрмоқ бўлмади насиб,
Имкон туғилмади бизга муносиб...
Кўп ўртади дилни сўзларинг жозиб,
Қарашлари жонни олар жаллодим.

Араз-гиналарга асло йўқ ҳожат,
Гарчанд зоҳирим тинч, дил беҳаловат,
Иқрори ишқ оғир ранжу малолат —
Замиримда пинҳон оҳу фарёдим.

Сирли нигоҳингда нури шаҳодат:
Ишқи садоқатми, рашки ҳарорат?
Дардинг дардим эрур, сехру синоат
Ўқлари мўлжалга аниқ сайёдим.

Ҳар ким дилга олов ёқолмас, аммо
Кулиб боқмас бизга серабр само —
Рақиблар, таъқиблар бисёр, бедаво,
Қўллари қисқа-ю, меҳри зиёдим.

Висолинг бир бора этгайми, насиб,
Фурсат туғилгайми, бизга муносиб?
Ва ё дилга фироқ чўғини босиб,
Ўтгаймизми армон бирла дунёдин?

2004

* * *

Алвидо, муҳаббат,
 Алвидо, севги!..
 Мен сенинг пойингга тиз чўқдим ожиз...
 Сенга илтижолар қилдим боумид,
 Қалбимни топширдим қатлингга ёвуз!..

Алвидо, гўзалим,
 Серҳадик оҳу!
 Сенга беихтиёр суюндим беҳол...
 Тунларимни кундуз, аёзим баҳор
 Айлаган илинжим – сен, дедим ошкор!..

...Ассалом, изтироб,
 Ассалом, ҳижрон,
 Сенинг оёғингга қўймоқдаман бош...
 Дилемда не хоҳиш –
 Не истак, не сас!?..
 Тингламайман!
 ...Фақат ...кўзларимда ёш!..

Алвидо, бенажот, бежавоб туйғу!..

2004

* * *

Ҳар лаҳза, ҳар соат, ҳар кун, ҳар кеча
 Мен сени соғиииб, эслайвераман!..
 Оҳларинг етмайди Узумзоргача,
 Мен ҳам фарёдимни асрайвераман!..

Ҳар лаҳза, ҳар соат хаёл уммони
 Гирдобида жисмим айлар чархпалак...
 Бунча олов-ўтсан, қўнгил армони,
 Бунча сербулутсан, бераҳм фалак?

Ҳар лаҳза, ҳар соат соғинч дафтарим
Исминг кўз-кўз қилиб дилим ёндирап,
Боқсан самоларга Сени ахтариб,
Юлдузлар ёғдуси қўзим тиндирап.

Бир лаҳза, бир соат, бир кун, бир кеча
Мени эслар бўлсанг, соғинар бўлсанг,
Розиман, ҳажрингда ўртансам қанча,
Бахтлиман, исмингни такрорлаб ўлсам!?..

2004

ЁМФИР

Беором, беозор, беғубор ёмғир,
Кўнгил гардларини ювмоққа қодир –
Сен ширин хаёлдан айирган кеча
Дилим ёр айлади ҳисларга соҳир.

Беором, беозор сас ила ёмғир
Сен ва менинг ҳижрон куйимиз чалур,
Сен дунё ғамларин тухфа этган тун
Кўнглимга илинжу умидлар солур!..

Беором, беозор, беғубор ёмғир,
Бемехрим кўксига муруват ёғдир!..
Мен фуур тогидан йиқилмай туриб,
Сен уни киборлар юртида толдир!..

Беором, беозор, беғубор ёмғир,
Кўнгил гардларини ювгилки, моҳир,
Мен дунё ишқидан воз кечай, токи,
У афсус наҳрида оҳ, чексин оғир!..

2004

* * *

Мен сени нурларга ўхшатдим,
Беғубор кўрингач борлифинг.
Сен мени беаёв қақшатиб,
Англатдинг дунёнинг торлигин.

Фусункор чаманзор қўйнида
Кафтингга дунёмни тутқаздим,
Сен-чи, ишқ булоғин бўйига
Изтироб дарахтин ўтқаздинг.

Севгисиз ҳаёт йўқ дерлар-у,
Жонни ҳам олғучи ишқ экан.
Сенга деб сақлаган дурларим
Вазнидан юракда тоғ — улкан...

Ушбу кун қалбимда на бир тафт,
На севинч, на соғинч, эътибор —
Ташна ишқ гулларим сен тараф
Сувсираб боқмаслар умидвор...

Соф меҳр, соф туйғу-ҳисларим
Ишқ отлиғ маъвода хорлигин
Билдинг-у, минг рангда тусланиб,
Англатдинг бекарор ёрлигинг.

Мен сени нурларга ўхшатсам,
Зулматдан қўл чўздинг ботиниб.
Сен мени кимларга ўхшатдинг,
Эй, маъсум дилимнинг қотили?

2005

МАВҲУМОТ

Сен на гулсан, сен на дурсан,
Сен на ёғду!
Сен – рўё!?
Сен на шодлик ва на қайфу,
На охир, на ибтидо!?

Сенда шафқат, сенда ҳайрат
Топилмас хуш фазилат,
Сенда жами сеҳру қудрат,
Жами зоҳирий зийнат.

Сен сабаб хор юраклардан
Чекингай ғам-аламлар.
Сен туфайли дилдан ситам,
Кўздан аrimас намлар...

Сен на булбул ва на зоссан,
Сен на висол, на ҳажр?..
Сен муаллақ манзилгоҳсан,
Сенга ер-кўқ мунтазир...

Сенга ишқу ҳурматим ҳам
Сенга қасду нафратим.
Сенга Ҳақдан етганда ғам,
Зикр этгайсан отим!..

2005

ТАЪҚИБ

Менга нигоҳингни тикмоққа, айт-чи,
 Қаңдай ботингайсан, эй бевафо ёр?
 Унутдингми, ҳажринг ҷоҳидан нажот
 Кутган қўлларимга санчганингни хор?

Зинҳор сен ҳақингда сурмасам хаёл,
 Нечун тушларимда таъқиб этасан,
 Умидсиз юракка ваъдаи висол
 Айлаб, қўксимга гул тақиб кетасан?

О-оҳқим, шум тақдир бир-биримизни
 Гоҳ-гоҳ учраштирас синоат учун.
 Шундай дам бешафқат нигоҳларингни
 Менга қадайверма, сендан ўтинчим!

Етар, айролиққа беролмайин дош,
 Тупроқлар қаъридан излаганим жой!..
 Етар, ҳижрон тийғин юракка санчиб,
 Беҳисларга беҳис очганим чирой...

Мехру муҳаббатнинг серқуёш фаслин
 Аёзли кунларга алмashiб ночор,
 Етар, сабр отин пойида ожиз,
 Вафо сўзларини этганим такрор...

...Балки ҳажринг ўти ёқар танамни
 Токи етгунича умрим поёнга?..
 Аммо учраштираса ҳам Маҳшар тонги,
 Нигоҳинг ташлама, ёр, мен томонга!..

2005

* * *

Атрофга боқаман — фариб бу дунё
Ичра ишқ гавҳарин излайвераман.
Кўнглим эзаверар телба бир савдо —
Васлинг илинжида бўзлайвераман.

Ногоҳ фурур отлиғ бир хилқат келиб,
Равон йўлларимни бурар сўқмоққа.
Ноумид ҳисларим сенга интилиб,
Тинмай тутаверар мени сўроққа?!..

...Биламан, барчаси беҳуда, асло
Тубан қилмишингни кечиролмас дил?!..
Юрак ўртанади нафратдан, аммо
Сенсиз дайри дунга беролмам кўнгили...

Минг алам, дунёдан сен, дея ўтмоқ,
Гарчи билмасанг ҳам садоқат қадрин.
Гарчи олмасанг ҳам гулларим тутмоқ —
Ўзга кўнгилларга сочолмай атрин...

2005

* * *

Айб фақат сендан ўтди,
Гувоҳ бунга ер-само!
Ўзинг айтгил, йўқса, бир бор
Айлаган бўлсам хато.
Фақат тоза меҳр бердим,
Фақат бердим тоза ишқ,
Фақат туннинг қароғига
Ёздим назми дилрабо.

Ойу йиллар билар менинг
не кечганин кунларим,

бода, гуллар билар — менинг
ичиккан дилхунларим.
Чорлама ишқ, сайри бофинг
серилтифот, сержафо,
чалсанг ҳамки жўшқин наво,
чиқмас менинг унларим.

Йиллар ўтар, хатоларни
англатгуси ниҳоят,
Надоматнинг тунларида
тонг отгуси ниҳоят,
Балки тағин кечирар дил,
балки кечирар юрак,
Аммо қайтиб келармикан
ўшал ўтли муҳаббат?

2005

* * *

Эсингдами, дунё битта эди-ю,
Сенга муҳаббатим ягона эди,
Туну кун ишқимнинг хос лашкарлари
Дил тазиқи билан овора эди...

Аламдан зор-нолон оҳ-фарёдларим
Нафақат дил-танни, оламни ёқди.
Кўнглинг осмонмиди — парвойинг фалак,
Мен ердан сен томон мастона боқдим.

Кибру асрорингдан толмади юрак,
Йиллар ўтаверди, ишқ кутаверди...
Теграмда дунёлар айланган сари,
Мен ҳажринг оғусин жим ютавердим.

Қара, рўпарамда ўлтирибсан-у,
Сенда ҳам, менда ҳам бугун бошқа ғам.
Нигоҳинг ташлайсан, нигоҳ, ташлайман,
Фикримиз ноаён, хотиримиз жам.

Бедорлик, бетоблик, бежонлик бари,
Руҳимни танамдан сўрасалар ҳам,
Юрак энтиксада ололмай нафас,
Мен дилга, дил менга ялинчоқ, қарам
Бўлса ҳамки сенга энди йўқ ҳожат,
Сендан тополмайман дардимга нажот.

2008

МУҲАББАТ

Дилни кўп қийнама, муҳаббат,
Жонимни олақол, яхшиси.
Йўлингда хорлигим етмасми,
Қўй мени, эй кўнгил баҳшиси!

Висолдан ўзга бу оламда
Гарчи йўқ орому фароғат.
Майлига кечайин баридан,
Фақат бас, қийнама, муҳаббат!

Майлига сочимни супурги,
Кўнглимни пойандоз қила қол,
Ўтинчим: бу дардкаш юракни
Ўртамай, жонимни ола қол!

Қўй, мендек ожизни, муҳаббат,
Таслимман, этмасман қасд-гина.
Беаёв жангингда бил, фақат
Беҳислар қилгайлар тантана!

2005

ОРЗУ

Мен боримдан кечмоқчи бўлдим,
Кўзингда ишқ учқунин кўриб.
Севдим, деган титроқ лабингу
Бор вужудингда жунун кўриб.

Диллар аро йўқ масофани
Осмону ер, кун ва тун кўриб,
Ўзим отдим тийрагоҳларга
Алиф қаддим долу нун кўриб...

Виқорингдан чўқдилар тоғлар,
Фариб дилда чунон хун кўриб,
Чекди фарёд ҳис-туйфуларим,
Кулди, э воҳ, даҳри дун кўриб.

Суйган эдим ўксик дилингни,
Чекингандим сўнг бутун кўриб,
Бедорлигинг-чун кўзёшларим
Тошдилар то Бистун, кўриб...

Софлигимдан кечмоқчи эдим,
Атрофингни сертугун кўриб,
Олов янглиғ норизо руҳим
Этди орзум кул – кукун, кўриб...

Мен боримдан кеча олмадим,
Жондан иймонни устун кўриб...

2003

ЭШИТДИМКИ...

Эшитдимки: висол иштиёқида
Уйқу келмаганиш қароғингизга...
Мехр деб аталмиш чашми зилолни
Излаб борган эдим гулбогингизга...

Таъриф айлаб дилим, самимий калом
Сўйлаган эмишсиз ҳамроҳингизга,
Тарки хоб қошида тўсиқ бўлган ор
Сабаб чорлолмабсиз даргоҳингизга...

Оловранг ишқ расмин кўрдим сертуйфу,
Термулиб сермаъно нигоҳингизга,
Замину фалак тун – кавқабистонда
Ўтдилар хуфиёна гувоҳингизга!

Дардимни қўшардим, қалбим тўшардим,
Чин малҳам бўларди қалб оҳингизга –
Беаёв рашқ ўтин балоси ёмон,
Етмасми дилдаги доғ моҳингизга?

Жафолар айласам, риё айласам,
Вафодор, муштипар салоҳингизга,
Оқибат надомат фаслига етгач,
Тўлмасми пайконлар садофингизга?..

Эшитдиму васлим иштиёқинда
Уйқу келмаганин қароғингизга,
Бенажот икки ўт аролифинда
Айландим айбдор адогингизга...

2003

* * *

Кирсам бу кун боғимизга,
Гул-чечаклар эгибдир бош,
Маъюс қушлар хонишиндан
Капалаклар кўзинда ёш.

Сирли булоқ сувлариндан
Туйдим аламлар таъмини.
Шаббодалар қулогимга
Сўйлаб ўтди ишқ ғамини...

Териб хомуш чечаклардан
Изларингни безатдим, ёр.
Тиниқ осмон аро сузган
Булутлардан ўкинчим бор.

Нетай, ҳолинг сўролмадим
Юзинг ўпган саболардан.
Юрак унсиз хабар кутгай
Мудом мунгли наволардан...

Тунги ёмфир шиддатидан
Дараҳтларнинг япроғи нам,
Янги унган майсаларнинг
Қаддин эгур тонгги шабнам.

Қароғимда соғинч ёши —
Йўлларингга қаролмайман.
Кечир, ҳолинг сўраб асло
Ҳузурингга боролмайман...

1999

ФИФОН

Булбул Гул домига тушганди ногох,
Гул Булбул ҳолидан эмасди огох,
Неча айлаб фифон, чекиб неча ох,
Булбул Гул боғига келди бу кечада...

Боғнинг бир четига қўнди-ю аста,
Хонишин бошлади Булбул оҳиста –
Зоҳиран хуш чаҳ-чаҳ, ботинан хаста
Эканлигин ошкор қилди бу кечада...

Аммо Гул атридан баҳра ололмай,
Гулнинг гул кўнглиниг сиррин билолмай,
Орият мулкига рахна сололмай,
Булбул Гул ёнидан жилди бу кечада...

Тонг отди...
Жисм аро асло жон йўқдир,
Кун ботди...
Юрақда қатра қон йўқдир,
Гулнинг висоли ўт, нигоҳи чўғдир –
Гулхан гирдобида ёнди бу кечада...

Гулнинг гул ҳуснига волай кўнгул –
Толе туҳфасидан маст эди буткул,
Висол жодулаган Гул ила Булбул
Еттинчи фалақда елди бу кечада...

Тонг отди...
Вужуди титрагай Гулнинг,
Кун ботди...
Малҳами топилмас дилнинг...
О, наҳот, қайтса-да баҳори йилнинг,
Қайтмагай оҳорли энди бу кечада?!

2000

БУЛБУЛ

Кўй-э, булбул, чаҳ-чаҳингни,
Сирим элга сочар бўлсанг.
Кўзим бойлаб, афсун айлаб,
Бағрим чўқиб қочар бўлсанг.

Қўнма қўнгил бўстонига,
Бесўроқ гул қучар бўлсанг.
Тўқиб гулбаргидин атлас,
Андин кафан бичар бўлсанг.

Отма жисминг қучоғимга,
Фам булогин очар бўлсанг.
Икки кафтинг бирла юрак
Қонин сиқиб, ичар бўлсанг.

Сан-эй, булбул, самоларда
Фолибу ҳур учар бўлсанг,
Туфроқдадир кўксим маним,
Лабздин воз кечар бўлсанг...

...Майли, булбул, сайра, қалбим
Қаҳридин сал чўчир бўлсанг,
Ҳазин хониш қилиб, дийдам
Наҳридин сув ичар бўлсанг.

Шошма, сўнгги сўрорим бор:
Дил равотин очар бўлсанг,
Вафо сасин тинглагин, гар
Ишқ аҳлига сочар бўлсанг.

1998

ЙЎЛДАМАН...

Йўлдаман: кўзимга кўринмас дунё,
Кетяпман, дилимни йўлингга ташлаб.
Қамарим эринчоқ нурлари рўё,
Шамсим ётар уфқдан кўтармай бошлар.

Сийратим ситамкор сийратинг тилар,
Гирёна юрагим ситилар чок-чок.
Дил торим арралаб, ўзни аллалаб,
Сен ором оляпсан сокин айни чоғ.

Умрбод умидвор умрим узилар,
Дилимга соялар солаверсанг, ёр,
Изингдаман, воқиф нигоҳлар, кўзлар
Васлингта интизор васлимни кўзлар.

Номус кучи ахир ўлимдан оғир,
Мусоғир — бир сағир, бир кўнгли ярим.
Ҳажр уйи қабрдан минг бор қорадир,
Сарсонликда қолди сағир кунларим.

Ойдин орзуларга ошно оқшомим —
Ваъдаи висолинг — ишқи иқроринг!..
...Лабз остонасин ортида беҳис,
Бесўзгина жавоб: кибру инкоринг...

Тун пардасин тўсар: кўрмасин дунё
Дарди сиртга чиқмас Хуршид юзини!..
Нетай, бешафқатим, меҳрибонларнинг
Писанд этмаса дил мингу юзини...

Фақат, сен, деб юрак ёнса, нетайин,
Ҳажринг хароб этса, хор этса нетай?
У ёнда бир гулу бунда бир гулинг
Йўлимга таъқиби хор экса, нетай?

Садақа тилайми алардин ва ё:
 «Бир лаҳза унугтигина гумон гинангни,
 Сенга борлигимни берайин, ағёр,
 Бир бор ҳидлаб олай хушбўйгинангни!?..»

Умидсиз, ушалмас умидим ҳаққи
 Умидбахш ваъдалар айлама тухфа.
 Менинг маъсума, зор юраккинамни
 Баским, бекадрлик қилмасин хафа!..

...Саргардон сар-пойим топсалар завод,
 Сўлиб қолса кўксимда ишқ чечаги,
 Олиб кетсан ҳижронингни қучоқлаб,
 Жаннатлардан васлинг излар юрагим.

2004

САВОБ

Бир висол истадим, қуёшдай тафтли,
 Баҳордай хушчирой, сабодай майин!..
 Топмадим...

Бир умр юрак торларим
 Унсиз чалиб ўтди айрилиқ куйин...

Бир хаёл истадим, самодай тоза,
 Топдим...
 Ниҳояси кўринмас, аммо
 Телба руҳим йиглаб, айласа нидо,
 Устимдан қаҳқаҳа урди ер-само...

Қадди дол истадим — ўзимдек маҳзун,
 Ўзимдек нимкўнгил, ўзимдек фақир...
 Топдиму, топганим ишқ майин эмас,
 Ҳижрон денгизидан сув тутди тахир.

Даҳри зол истадим – мозийга боқиб,
Дедим: керакмиди ҳижроний мерос,
Йўқ эса муҳаббат, йўқ эса вафо,
Нечун даркор ахир ўтли эҳтирос?!..

Бир висол топмайин, савол истадим,
Даҳри зол бағридан жавоб истадим...
Хуш овоз янградики: "Хуршидага
Фироқ дардин бериб, савоб истадим!"

2000

* * *

Эй ёр, қачон аҳдли бўласиз,
қачон дилни баҳтли қиласиз?
Қачон нурга кўмиб қўнгилни,
қачон гулга бағишлаб дилни,
қачон титратасиз юракни,
айтган сўзингиз ё эртакми?
Қачон ушалгуси орзулар,
ва кузақда баҳорий гуллаб,
юлдуз бўлиб ўксик бағирга,
жойлармисиз нурли шуурлар?
Бу юрак бўлгаймикан шодлар,
қадни тутиб мисли шамшодлар,
овозларни баландлаб бир оз,
кулгулар ҳур айларми парвоз?
Завқ улашиб дарё, қирларга,
ўхшаб Зухро-ю Тоҳирларга,
оқиб кетсак майлийди, жоним,
ушаларди асрий армоним.

2000

Нархи синоат

Мен сениң этмасман тавалло,
Ки сениң етмасам хастаман...
Мен күлгөн хатонниң устида
Сен күлгөн хатолар яспанағ...



ЧЕКИНИШ

(Түркүм)

Билолмадим мақсадинг нима?
Билолмадинг мақсадим недир,
Сен мен учун танҳосан, дема,
Сен – мен учун ягона, нодир!..

Ололмадим кўнглингни чофи,
Гарчи сен деб девона кўнгул!?..
Сенга очмоқ оғир қучофим,
Сендан қочмоқ ундан-да мушкул...

* * *

Кечир, магар ранжиттан бўлсам,
Кечир, олганим-чун тафтиңгни!..
Кечир, дунни унуттан бўлсам,
Қучоғингда билмайин тинни...

Кечир, сени танлади юрак,
Нетай, бўлдим далли девона,
Оғушингда жонланди юрак,
Ва тиландим ишқ дарвешона!
Хаста кўнгил сен, дер ягона!..

* * *

Мен қувлоқ эмасман, қўй қочма,
Дил гумроҳ эса-да ишқингдан.
Севмайсан!?
Ва ёки севсанг-да,
Бир лаҳза тушгинг йўқ, кўшкингдан.

Мен нодон эмасман, сўз очма,
Насиҳат кор қилмас юракка,

Билмасанг билгилки, дил асло
Кўнмагай шунчаки эрмакка...

Мен сарсон бўлмасман магарки,
Дил сарсон эса-да кўйингда,
Айтмайсан...
Билмасман тоабад
Не ният фикрингу ўйингда?!..

* * *

Тонгайман мен сени севганлигимдан,
Ёнсам-да ҳижронинг гулханларида..
Тонсанг-да сен мендан тонганлигингдан,
Тонмайман мен ёлғон суханларингдан...

Гарчи сен дунёниг tengsiz гавҳари,
Гарчи сен рўёлар ичра рўёсан!?..
Гарчи сен бўлмасанг руҳим — сарсари,
Гарчи сен мен учун икки дунёсан —

Гарчи пойинг узра қалбим эрур хор,
Гарчи баҳт қасрига йўлолмам сенсиз,
Гарчи кўзларимда ашким шашқатор,
Сенга иддаолар қилолмам ҳаргиз!

* * *

Мени демаганини демасман,
Мени севмаганини севмасман!
Дардли сасман, ўтли нафасман,
Лек севмасанг, мен ҳам севмасман!?..

Менинг боғим шунчалар маҳзун,
Гулим маъсум, фунчалар маҳзун,
Кечир, эта олмасам мамнун,
Мен нотовон ва ношуд касман!?..

Кўп қийнадим гулзорларимда,
Кўп қийналдинг озорларимдан,
Нетай ишқнинг бозорларида
Сотилмаган олтин қафасман!?..

Юрагимда ишқим соф эди,
Орзуларим Кўхиқоф эди,
Надоматдан қандай наф энди –
Хазонларга кўмилган хасман!?..

Ололмасам ҳам дардларингни,
Кўтаролмам ҳеч радларингни...
...Нетай, севдим жўмардларингни,
Дунё, мен бир меҳрпастман!?

* * *

Мен сенинг фикрингни англадим!
Ҳеч қандай сўзларга йўқ, ҳожат.
Мен сенга қалбимни топширмай
Ўзлигинг англатдинг,
Минг раҳмат!

Мен сенинг пойингга бошимни
Кўймоғим олдидан, минг шукур,
Бағрингда тиконлар боридан
Хабардор айладинг,
Ташаккур!

Мен сенинг дилингта тегмайман!
Мен сен деб этмайман оҳ-нидо.
Айтарга бир сўзим бор фақат:
Алвидо, азизим,
Алвидо!

Келишув

Сендан ранжимайман,
 Фақат дунёда
 Тирик эканингни билиб турсам бас!..
 Гарчанд сенга ишқим эди зиёда,
 Гарчанд сенга дунё қиларди ҳавас,
 Сенга интилмайман,
 Фақат риёга
 Менинг тоқатим ҳе-е-ч
 Етмайди, жоним,
 Бошқа кел, демайман,
 Дорилбақога
 Гарчанд висолингсиз кетмайди жоним!?..
 Гарчанд сенсиз менга дунёлар абас,
 Сендан нолимайман
 Омон бўлсанг бас!

* * *

Сен менга англатдинг:
 Дилларда
 Ё ишқ, ё саховат йўқлигин!
 Зилол сув даркор, деб,
 Гулларга
 Тутмоқчи бўлибман...
 Ва лекин...
 Англатмоқ ҳам фарзинг эканин –
 Дунёинг меҳрга тўқлигин,
 Унутма,
 Дилафгор эттанинг,
 Ўлдирган – сен отган ўқлигин!..

* * *

Сирли оқшом...
Фараҳди оқшом!
Асрори аён иккимизга...
Мен сенга бир гули намозшом
Тутдим-у, лол кетдим...
Ва бизга
Ҳавас-ла тикилди нигоҳлар!..

...Фамбода тонг,
Аламзада тонг...
Асрорин билолмай,
Изимга
Беистак қайтдим-у
Оловранг
Юрақдан яралган сойимга
Ўкинч-ла чўмилди сабоҳлар!..

* * *

Ёмғир каби селдир ҳажр,
Ёмғир каби тоза висол,
Агар менга қилсанг жабр,
Ёмғир бўлиб йиглар ҳилол...

* * *

Нечун бир ҳоли паришонимни сўрмайди ул ёр,
Ё асл гулларни тортиқ айламиш унга афёр?..
Мен эса жону жаҳоним садқалар этсам, не тонг,
Минг араз бирла манга ул айламас бир эътибор...

* * *

Фироқинг жонимни ўртади, жоним,
Шодон кўзларимга қайгулар инди...
Ҳали айрилишга эртайди, жоним,
Ахир учрашгандик илк бора энди!?

Тун бўйи хонишинг сеҳри-ла дилни,
Алдадим, хаёлот кўкида учдим...
Васлинг тонгида гул очган кўнгилни
Туннинг тиконлари мастона қучди...

Гарчанд ваъдаларинг самовий, улув,
Вафолар юртидан изинг топилмас!?..
Майли қизғонсанг-да васлингни ўтлуғ,
Нурли хаёлимдан айирмасанг бас!?..

* * *

Сен менинг жонимни олган жаллодсан —
Мен бир сиқим тупроқ, сен коинотсан,
Минг бир азоб ичра сўрмасман имдод,
Минг оҳ бесамардир — сен менга ётсан!?..

Маҳзун хаёлимда порлоқ нигоҳинг,
Мен бир остоангман, кўшкингда моҳинг,
Мангу ғамхонага маҳкума этган,
Мангу сарсоналар этган — фироқинг...

Аста қалб йўлингга ташлабон қадам,
Мен сени бегардим, дея атадим...
Хаста юрагимга олисдан қараб,
Беҳис кетавердинг англамай дардим...

...Гул тутсам, олмайин кетган гумроҳсан,
Саҳарлар отмайин кетган сабоҳсан,
Дил сендан бир олам севинчлар кутса,
Сен фақат бергувчи фарёду оҳсан!

* * *

Кўнглингда нелигин билолмам,
Севганга ўхшайсан баъзида,
Гумоним рост бўлса, азизим,
Пойингни ўпмоққа розийдим...

Севгини, паймонни гоҳида
Рўёга, риёга алмашиб,
Этмайсан аҳдингта вафолар,
Ўкситар қалбимни алдашинг...

Мен сенга этмасман тавалло,
Ки сенга етмасам хастаман...
Мен қилган хатонинг устида
Сен қилган хатолар ястанар...

Хатойим...
Билсанг, бу менингмас,
Тақдирнинг, умрнинг хатоси!?
Мен сенга еттан кун ортидан
Ёқмоқда тани дил сафроси...

Майлига, ҳазонгир фаслимда
Ҳазондай ёқ мени, муҳаббат,
Баҳорга ошиқмам, аслида
Унга ҳеч ёқмадим, муҳаббат?!

Кўзимда қатра ёш кўринмас,
Юзимда изтироб яширин,
Ишқимни йўқликка элтдим мен,
Билолмай дилингда не сиринг?

2005

ЁСУМАН

(T урк.)

Мен сизни тушундим —
 Ҳаракатингиз — менга аён этди
 Не дер дилингиз!..
 Мен розиман, фақат...
 Фақат, азизим,
 Қалбим билан қалтис ҳазиллашдингиз!

Гар сизга балолар ёғдирди ишқим,
 Гар сизга малоллар келди севишим?..
 Майли, мен розиманки,
 Жабрдийда
 Қалбимга санчингиз қалбингиз нишин —

Сиз мени тушунманг!..
 Майли, тоабад
 Васлингиз орзусин айлаб ўтсин дил...
 Майли,
 Ҳазонларга қўшилиб маҳзун,
 Байтул аҳзонларни кезсин бу қўнгил...

Майли,
 Бераверинг озорми, ситам,
 Мен — сабр элининг фуқаросига.
 Минг соғиич, меҳр ила суртгум жабрингиз
 Кўзгинамнинг оқи ҳам қорасига...

Мен Сизни тушундим!?..
 Фақат, ўтичим:
 Бундай ҳазил қилманг ўзга қалбларга!..

* * *

Фақат кутиш, фақат қаноат,
Бу не ҳукм, бу не синоат?..
Етгай сабр, етмас ҳарорат,
Кўтаролмам озорларингни;

(Чексиз алам, чексиз изтироб,
Ташна дилни қондирмас шароб.)
Тонгим қаро, тунлар тарки хоб
Этган ҳажр — мозорларингни.

Ҳислар бедор дилимни эзиб,
Жабринг ортар севишим сезиб!
Айрилиқдан, армондан безиб,
Кезмоқдаман гулзорларингни.

Нурсиз дунё, нурсиз коинот,
Ишқсиз давом этмас-ку ҳаёт,
Ажабланма айласам фарёд,
Эшифтмайин оҳ-зорларингни!..

Дардсиз юрак — бесавдо юрак!
Дилга зармас, чин меҳр керак!
Нигоҳларинг бермоқда дарак —
Шарҳ айлабон изҳорларингни!?..

* * *

Сездим: кутдинг менинг кетиб қолишим?..
Кетдим, тингламайин кўнглим нолишин —
Тун бўйи бетиним ашким хониши
Хўйл этди бошимни қучган болишим...

Ёлғизлик истадим, истадим хилват,
Тиладим тонгтacha Аллоҳдан тоқат,

Суянчифим бўлди муз девор фақат,
Кўксимни ўт каби ёқдинг, муҳаббат!..

Истадинг, дил кечсин ишқидан дунё,
Истадинг, сув ичсин ашқимдан рўё,
Истадинг нурафшон юзимни гўё,
Қопласин надомат доғи зим-зиё!?..

Ёқут лабларингдан ранг сўрамасдим —
Гарчанд усиз ҳолим танг, сўрамасдим...
Сочсанг сар то қадам зар, қарамасдим!..
...Мен унсиз — забонсиз олурман қасдим!..

* * *

Мен сиздан хафаман, қаттиқ хафаман,
Хушбўй ифорлари тансиқ ёсуман!
Аммо юрак қурғур гоҳида ёмон
Ўртаниб, интилар васлингиз томон.

Тилингиз ишқингиз яширсин, майли,
Кибр даҳридасиз — замона зайли!
Ҳажрингиз ўтида ёқай дил майлин —
Гулингиз яшнатсин кўнглингиз сайлин!?..

Сизга фурсат бергум, вақт — муддат бергум,
Дилдошингизга эрк, саодат бергум —
Давру давлат бергум, синоат бергум,
Аммо халал бермам, қасамёд бергум!
Охир пушаймондан каромат бергум?!..

* * *

Ҳажринг дилим ёққан заҳоти
Такрорлагай забоним отинг...
Фурур боғлаб қўйган қанотим —
Боролмам ё унугулмайман.

Ўртанаар дил, ўртанаар нолам,
Беун, бесас тўкилар жолам,
Тебранмоққа ожиздир қалам –
Фамдан бўлак сўз тополмайман...

Кўнглингда не эрур гумондир,
Шубҳа маҳжул тиғдан ёмондир,
Ошкори ишқ фазли иймондир,
Дилинг сиррин тушунолмайман?..

Сабр ҳарамида зерикмам,
Севсанг, севгум токи тирикман!..
Инкори ишқингга шерикман,
Ўзага лек дил беролмайман!..

* * *

Нафратлангум, дейсан-у, кўзинг
Жовдирайди у ёқ, бу ёққа...
Алдаяпсан ўзингни ўзинг,
Вужудингни ташлаб тузоққа!..

Нафратлангум, дейсан-у, ногоҳ,
Дарагини кутасан унинг.
Софингансан, кўксинг тўла оҳ!
Лек ичингга ютасан унинг...

Ўз-ўзингга сўзинг юракка
Бўлолмайди ҳозирча малҳам –
Вақт – унинг давоси якка,
Нафратдан ишқ топгуси барҳам!..

* * *

Бергил барча ситамларингни,
Ишқдан бунёд мотамларингни,
Қизғон майли, ҳотамларингни,
Фақат бошим мутеъ этмагил!..

Айттил севги эртагин, майли,
 Қалбим ишқдан ўртагин, майли,
 Узгин умид куртагин, майли,
 Фақат бошим мутеъ этмагил!..

Санчса нишин кўксимга ақраб,
 Кулсин ағёр баҳтидан яйраб,
 Хаста қўнгил ўксисин, ё Раб,
 Фақат бошим мутеъ этмагил!..

Мажнунтоллар соchlарин силаб,
 Кутай, майли, ишқ фаслин йиллаб,
 Ўтай мангу ёр васлин тилаб,
 Фақат бошим мутеъ этмагил!..

* * *

Ўзим Тошкандаман, қўнглим Андадир,
 Дард бор улуғ – соғинч деган танда бир!..
 Кундуз кулгу, тунда уйқу кандадир,
 Нетай, азму ихтиёrim сандадир!..

Қўлим ҳар ишда-ю, қўнглим сиришқда,
 Ҳужраи ғамдаман, ағёр-чи кўшқда!..
 Манимдек бир жафокаш борми ишқда –
 Сенсиз гирён қалбим парокандадир.

Теграм тўла дўсту ёрлар – вафодор,
 Эътиборим қутар йиллаб умидвор,
 Нетай, жоним Анжонингга харидор,
 Жисмим Тошканда-ю, жоним Андадир!..

Мен Сени йўқотишдан қўрқаман!
Қайта қурбонлик!?.
Йўқ, Сени йўқотишдан қўрқаман!
Энди ишқ топмоғлик мاشаққат!
Янги ҳис топмоғлик машаққат!
Ишқ!
Сени йўқотишдан қўрқаман!..

Мен сени гулларга топширдим,
Беҳис кўнгулларга топширдим,
Ишқимни кулларга топширдим,
Сен мени кимларга топширдинг?...

Мен сенга тилло баҳт тиладим,
Вафодан тоҷу таҳт тиладим,
Рашқдан қўксимни тифладим —
Йифладим...
Йифладим...
Йифладим!..

Мен сени атадим эзгу, деб,
Баҳорий гулларга қўзгу, деб!
Сен мени бир хазонрезги, деб,
Топширдинг...
Йифладим: севгум, деб!..

Афсус, Сизнинг асирангизман,
Афсус, Сиз, деб ўртанар юрак!..
Ишқ, деб тўлиб-тошган дengизман,
Охир ишқ, деб жон берсан керак?..

Афсус, Сиздан кечолмас кўнгил,
 Афсус, нурсиз сўнган юлдузман,
 Афсус, пойингизда пайҳон гул —
 Афсус, сувсиз сўлган наргизман...

Афсус, Сизга боғлиқ қувончим,
 Бебош туйфу — жиловсиз ҳисман,
 Сиздан ўзга йўқдир суянчим,
 Афсус, Сизсиз мангу ёлғизман?!..

* * *

Бир киши унутса, унутибди-да,
 Бир киши рад этса, этибди, ахир,
 Бир киши дилингни оғритаверса,
 Бутун бир дунёни билмагил тахир!

Бир киши устингдан кулса мириқиб,
 Бир киши қўксингта қадаса ханжар,
 Дунёни айблаб, дунни унутиб,
 Ўқсима, мағрур тур!
 Санчиса санчир!..

Бир киши ҳеч нега эмасдир қодир,
 Дунёлар фонийдир, даврон ўткинчи!
 Йиглама!
 Кўзёшинг садқаисардир,
 Гарчанд бошинг эгик,
 Ютгил ўкинчинг!..

Бир киши унутса унутсин, майли,
 Балки бу Аллоҳдан имкон — иноят?..
 Бир киши дилингни оғритаверса,
 Сен ўзга дилларга айла шафоат!..

* * *

Софинч деган садодан зирқирайди юраклар,
Софинч кезган саҳрода ушалмагай тилаклар,
Софинч абри — самодан ёмғир элар элаклар!
Софинч куйин навода оғир чертар билаклар.

* * *

Хаста — bemorингни ташлаб фироқقا,
Сен кетиб боряпсан мендан йироқقا...
Магар келгунингча жоним олса ишқ,
Кўзимни ёпгин-у, тўкмагил сиришк!..

* * *

Дедингки, дардингнинг давоси ўзим,
Садоқат мукининг гадоси ўзим!
Муддао отига миндингу дединг:
Ишқ фаслин беқарор сабоси ўзим!

* * *

Сенсиз менга ишқ деган сўз керакмас.
Боғу чаман, куну кундуз керакмас.
Лаҳза ором этолмагач баҳшида —
Тун керакмас, ойу юлдуз керакмас!..

* * *

Қара, дунёларга қуёш ярашур,
Хижрон тунларига кўзёш ярашур...
Юраклар амрига қараш ярашур!
Кел, ярашиб олайлик, азизим,
Биз ҳам ярашамиз бир-биримизга!..

...Биз-ку, ярашардик бир-биримизга,
Қарамади замон тақдири бизга.

Гоҳ, унинг, гоҳ бунинг таҳқири бизга
Тўсиқ бўлди...
Хамда азизим,
Таслим бўлиб қолдик фуруримизга!..

* * *

Не учун мен сенга ишондим,
Ишонмадинг нечун сен менга?
Хиёнатга дўст экансан-ку,
Диёнатим қолди беэга?

Дилим энди ҳиссиз ва дардсиз,
Ишқим қайтиб очолмас фунча,
Дунё ишонч берса-да бекор,
Сен менга то ишонмагунча.

* * *

Билмам, хаёлингдан нелар кечмоқда,
Билмам, менга нима демоқ истайсан?
Аммо менинг сенга айтар сўзим бир:
Севаман!
(Сен ҳамон янги ҳисдайсан!)

Нигоҳларимизда ажиб маънолар,
Ҳислар жисмимизни тортар ишқ томон.
Афсус, тоғлар каби фуруримиздан
Ошиб ўтолмайди улар ҳеч қачон!

* * *

Азизим, мен сени бердим-ку қурбон!
Берсам берибман-да уни ҳам!
Минг афсуски унинг қабоҳатидан
Ишқимиз топди барҳам...

...Сен менсиз айт, яшай олурмисан йўқ?
Билмам!..

Сезишимча яшашинг аён?..
Сенсиз менга ҳаво, сув, жон йўқлигин
Билиб, ўз-ўзимга айладим зиён.

Ва кеча...

Сен менга энг керак пайтда
Кўрдим...

Кўзларингда ажиб маънолар,
Кўнгилларда умид, дилда ажиб ҳис,
Юзларда нурли тус — оҳанраболар...

Фақат ўт нигоҳлар сўзлашдилар жим,
Фақат хотиралар кечди юракдан...
Илиқ саломлашдик, сезмади ҳеч ким,
Сўнгра хайрлашдик аста йироқдан...

2004 — 2005

АЛАМ

Ичмоқ мумкин аламни қониб,
Кучмоқ мумкин армонни нолиб,
Ютмоқ мумкин юракка, дўстлар,
Ишқ шаробин ҳижронда ёниб!..

Муҳаббатнинг титроқ қўллари
Кўнглим жомин тўкиб юборди,
Иzlарингдан ўпмоқчи эдим...
Ёр, лабларим — лабинг фубори!..

Ичмоқ мумкин май — илинж — нажот!
Кутмоқ мумкин дўстдан ҳаловат,
Ютмоқ мумкин сирларни, бироқ
Юрак бўлмас асло саломат!?..

...Ҳаёт дарахтининг япроғи
Ташнаи зор сарғайиб, сўлди,
Нур ваъдасин айлаган юлдуз
Тийра туннинг устидан кулди...

...Кетмоқ керак унсиз бу тундан,
Чекинмоқдир руҳим одати!..
«Ранжимоқлик йўқ, жоним, сендан!» —
Нотовон дил самимияти!..

...Тотли суҳбат тотини туйдим,
Висолингнинг ўтидан куйдим,
Шафқатингдан баҳраманд бўлиб,
Шафқат қилдим, суйилдим, суйдим!?

...Кел, дединг, баҳт чақнатди кўзим,
Бил, дединг, чин муҳаббатимдир,
Ишонаман, ишон, чин сўзим!..
...Кунинг — иқрор, инкоринг тундир...

...Ёқимлидир озорларинг ҳам,
Гарчанд ҳамон юрак гирёна,
Сен нафосат ичра яктосан,
Сен юрагим ичра ягона!..

Сен манимсан, муҳаббатимсан,
Сен заминсан, самовий нурсан,
Сенга борим берсам-да жимсан,
Сен жаннатсан, малаксан — ҳурсан!

Мен пойингга интизор тупроқ,
Мен — садоқат даштида ташна,
Мен чин ишқ-ла севаман, бироқ
Сен севасан кўзимни ёшлиб!?..

Битмоқ мумкин аламдан ашъор,
Кутмоқ мумкин васлингни йиллаб,
Ўтмоқ мумкин оламдан фақат
Сенга умр, омонлик тилаб?!..

2004

ВАФО

Бунчалар бепарво бўлмангиз,
Бу юрак Сизни деб яшайди!..
Не ғамким, пайваста ришталар
Тугуни кўнгилни ғаштайди...

Бунчалар бепарво бўлмангиз:
Дил қушим Сиз томон шайланар,
Ишқ – висол боғига қўнолмай,
Тиконлар устида айланар.

Бунчалар бепарво бўлмангиз,
Кўнгилда Сиз – бир-у, дунё – бир!
Вале қалб бечора жиссимнинг
Аҳди-чун ўлмоққа ҳам қодир...

Шунчалар бепарво бўлдингиз –
Кун сайин кетмоқда мажолим.
Азизим, билингки, ногаҳон
Йиқилсам, Сизнингдир заволим.

2001

* * *

Кутаман...

Изламасанг, манам сани изламарам...
Излаб-излаб чарчаган дил ичра аlam
Бошим мағрур айлаганки тоғларданам –
Изламасанг, энди манам изламарам!..

Кутаман...

Кунлар келур, бевафоинг ташлаб кетур,
Осуда, тинч осмонингни ғашлаб кетур?..
Кўзларимни гарчи соғинч ёшлаб кетур,
Изламасанг, аммо манам изламарам...

Кутаман...

Муҳаббатим яктолигин англағайсан,
Сабо элтса, ашъорларим тинглагайсан,
Ки сатримда яшамоғинг билмагайсан!..
Изламасанг, билки манам изламарам,
Гарчи битмас тоабад дил ичра ярам...

2000

ТОҒ ЙЎЛИ...

Тамшанар забоним – ҳамиша ташна,
Қониб сув ичмаган йилларим қақшар.
Тоғ йўли...

Қизчалар узатар лола,
Кўзларимдан томар лоларанг жола...

Кетяпман, эргашар рух – кўнгил нолиб,
Кетяпсан сен жуда олисда қолиб...
Тоғлар, дардингизга дардим қўшингу
Бўлингиз янада улканроқ,
Оғир!..

Ваъда отлиғ енгил – бебизоатни,
Армонлар дояси – ҳажри фурқатни
Мулзам этсин вазмин, мағрурлигингиз,
Ўргатинг аларга раҳму риғъатни.

Лолалар – нолалар – тоғ ашки – жола,
Лоларанг юраклар – хаста дил – вола!..

2004

БЎЛМАСА...

Хуршида бўлмаса оламда,
Ер юзи чароғон бўларми?
Хуршида йиғласа аламдан,
Тўлмаган қўнгиллар тўларми?

Хуршида куйласа юрақдан,
Қилгайми само акс садолар?
"Хуршида, ёзганинг кимга ҳам
Керак", деб учиргай саболар!..

Хуршида кулмаса, куларлар
Бетуйфу – беишқұ дилраболар.
Хуршида кимлигин биларлар
Энг ҳазин, энг мунгли наволар.

Хуршида, Хуршида сен жуда
Ожизсан, ожиз бу жаҳонлар...
Суйганинг – куйганинг бекадр –
Даҳр аро кўп Хуршидахонлар!..

2003

ГУНОҲ

Мен борманми,
 Йўқми,
 Не наф оламга?
 Керак бўлсам,
 Керақдирман онамга.
 Қулоқ солмай
 Юрақдаги ноламга
 Тўғри қиласиз!

Оқаверсин
 Кўздан дарё ёшларим,
 Ёқаверсин
 Дилимни дилдошларим,
 Етмаса ҳам,
 Етса ҳам бардошларим —
 Гувоҳ бўласиз!

Кулинг, майли,
 Кулмаса омадларим,
 Сўранг, берай,
 Асли бор баҳтим — ярим,
 Лек тиламанг бевақт ўлим,
 Дўстларим,
 Гуноҳ қиласиз!

2004

* * *

Ҳолим ёмон деманг, ҳолим минг бор маним
 ёмондир,
 орзуларим бирён — ўжар руҳим ҳажр томондир.
 Таъқибу ор ўртамиизда ҳадсиз баҳри уммондир,
 алвон ҳисларни ҳис этмас тошдийда бу замондир —
 мулки олам беишқ ғариб, беилтифот мезбондир!?

2003

* * *

Мен дардимни сўйладим...
Шамол
Эшитди-ю, бедарак кетди...
Сенга етолмади юрагим,
Афсус, сиру арзларим етди...

Мен дардимни сўйладим...
Илинж
Излаб ишқнинг кўчаларидан...
Юпанч тополмади юрагим
Ошиқларнинг неchalаридан...

Мен дардимни сўйладим...
Дунё
Кулди тўйиб абгорлигимга.
Ҳилвирайди ўксик юрагим,
Суянмоқни билолмай кимга?

Мен дардимни сўйладим...
Афсус
Олиб кетди шамол олиста...
Қолиб кетди ожиз юрагим,
Алдовлардан тўлганча ҳисга...

2005

* * *

Изингиздан ахтариб илинж,
Сўзингиздан кутмам эътибор.
Ўз фамимни ўзим ейман,
ич-этим тинмай тилса ҳамки хор!..

Дилхастага бергувчи даво
Меҳр, ишонч, суяңч сўзлари,

Оромингиз олаверинг, то
абад юмилгунча кўзларим...

Эй дил, етар, қушларингни бўғ,
Орзу, сан-эй ишқарааст, баским,
Самолардан қутавермай чўғ,
Қидир ернинг остидан таскин!

Юраклардан излайверма оҳ,
Вужудлардан тилайверма тафт,
Танҳоликда ўртанганинг чоғ,
Бағрингга бос тупроқни бир кафт.

Кўзни юмиб очгунча экан,
Тириклиқ ва ўлим ораси,
Кўзёш туртавериб чарчаган
Киприк, тин ол, руҳим яйрасин!

Ашъорнинг ҳам якуни бордир,
Умрнинг у сўнгги нафаси!?..
Ёпса ҳамки оғзимни қабр,
То қиёмат ўчмагай сасим!..

2010

* * *

Мен дилимни очдим, азизим,
Ҳасратимни тўқдим ботиниб.
Мехр элидан сўрадим изн,
Илинж қўйдим туйғум отини.

Муҳаббатдан буриб юзимни,
Садоқатга суюнди беҳол.
Рух мулкида ҳорган сўзимни,
Сўзингизга боғладим ҳалол.

Фалак билгай, ярим асрким,
Бир бедаво, бенаво каснинг
Кўкси олов, кўзи басирки,
Асрагайдир ташна нафасин...

Дилпорага риё на ҳожат,
Қалб акси гар ноаён Сўзда,
Бари қулга айлансин, ҳайҳот —
Мен розиман кечмоққа ўздан!?..

2010

* * *

Бедор кўзларимга берган ҳаётий нур,
Дилда яшаш иштиёқин этган пайдо,
Ёруғ ҳислар оламига элтган сурур —
Соф дилингиз меҳри офтоби ҳувайдо.

2010

* * *

Узр сўрмоқ мумкинми Нурдан,
Мумкинми бош эгмоқ Самога?
Қандайин қуч бошқарди, билмам,
Ўзим тортдим оҳанрабодан...

Юрагимни эзмоқда бир ҳис,
Оромимни олмоқда алам.
Узримни рад айламанг ҳаргиз,
Айб мендан ўтган бўлса ҳам.

2010

* * *

Аршда мангу ёнган дилнинг нафаси,
Илоҳий ҳукм ила Сизга тараалди.
Бекор эди дунёнинг нур-зиёси,
Мехр Сизнинг қалбингиздан яралди.

2010

* * *

Дилда сайрайверса бир қушча,
Типирчилайверса найлайнин,
Юрак ўтдан яралган бўлса,
Ёнмай ахир нима қилайин?

2010

* * *

Кимнидир соғинмай яшаб бўлурми?
Бўлурми ҳеч кимни кутмайин яшаб?
То тириқдир инсон, ўлмагай ҳислар,
Яшаб бўлмас жонсиз буюмга ўхшаб.

2010

* * *

Бағрим тўла баҳорий гуллар,
Эсар маъюс руҳимда насим,
Фунчадайин бокира, маъсум
Ишқимга чанг солмоқда йиллар.

Вужудим минг титроққа солсин
Азалий ва абадий бир ҳис,
Илоҳий ишқ музофотида
Ушшоқдайин қолдираман из...

Ишонч кезар мозийгоҳ аро,
Қадр билар тупроқда жойи!
Истак нима, сабр қурбони,
Юрак нима, фууриинг пойи.

2010

* * *

Изн берманг узр сўрмоққа майли,
Бўлди қалб ғамдин йироқ сиз туфайли.
Омон етсин сизга сўнгти шу қалом:
Минг узр, минг ташаккур, минг эҳтиром!

2010

* * *

Сизни унутмоққа етади қурбим,
Фақат ер фууриим топмас ҳаловат...
Айлай сукут, сабр, чекай минг фурбат,
Отманг лек бошимга санги маломат!

2010

Дашти фано

Сен ёрнинин юксаклағдан излама,
Юксакликка отт өт күёттү мунисиб
Ертүн сен деб, самоларни сизлама,
Охир бұлшың жоғиниң шүрекідан пасиб.



ҚУЁШЛИ КУНЛАРИМ

Қуёшли кунларни соғиндим,
соғиндим, юлдузли самони!..

Қиши бўйи гувоҳим –
Оймомо
қошида қақшади бу жоним...

...Қуёшли кунлар ҳам келдилар,
тўлдилар юлдузлар самога,
баҳорнинг серташвиш кунлари
дилим ёр этди бевафога...

Қаноат отига ўлтириб,
оймомо қошига учдим мен,
ҳаёт, бу не синовким,
ишонч
тоғидан йиқилиб тушдим мен?..

...Ёз ўтди, куз ўтди, қиши ўтди,
кўкламга етарман эрта-кеч?
Бу бошдин анчайин иш ўтди,
минг излаб топмадим бир юпанч...

Қуёшли кунлар-ку қайтажак,
тарк этса гар туйбу қайтмагай,
тўлса ой, ҳилол юз кўргазар,
сўнса лек ишқ – семурғ қайтмагай!?..

Серқуёш кунларим,
алвидо,
алвидо, серёғду самолар!..
Яшарман-ку...
Сизга ошино
Бўлмоққа қилолмам даъволар!?..

2002

ГУЛ ЁШИМ

Гул ёшимни йўқотдим, аммо
 Кўзёшимни йўқотганим йўқ,
 Ўт нигоҳим сўнди-ю, сафо
 Қалбим мудом ёниб турган чўғ.

Ишончимни йўқотди дунё,
 Ишқим vale садоқатга дўст,
 Қувончим йўқ, муз қотдим гўё,
 Юраккинам тўла қасос — ўч.

Гулзоримни йўқотдим, рўё
 Бўлди гўзал сайргоҳларим.
 Мадоримни йўқотдим, риё
 Зарбидан кўп доду оҳларим.

Сардоримни йўқотдим — зебо
 Суйиб, авраб бандилар этди.
 "Қароримни йўқотдим", деб-о
 Қалбим тифсиз сўйиблар кетди...

Соф ишқимни йўқотдим, даво
 Топилгайми рашк дардига?
 Сиришкимни йўқотдим, равон
 Оқиб кетди ернинг қаърига...

Гул ёшимни йўқотдим, аммо
 Бардошимни йўқотганим йўқ.
 Сар — бошимни йўқотди само,
 Қуёшимни йўқотгани йўқ...

2003

«ВАФОДОРЛАР»

Бир оз қилсам сабр келур баҳорлар,
Бедиллар кўксин-да забт этур орлар...
Кулмасин қалбима ошиқи зорлар –
Тарки ишқ этгани рост «вафодорлар».

Сабр этсам, Офтобга қайтажак нурлар
Тафтидан тағин кўз очурлар гуллар.
Топилур ғоғиллар йўқотган йўллар,
Васл уйин лек тополмас «вафодорлар».

Сабр этсам, янги Ой бир кун тўлиб, маҳв
Бўлган чоғ Шамснинг кўксин безар шавқ,
Ҳожат не, қудратин айламасман шарҳ –
Кўрни ҳам этгуси халос, «вафодорлар».

Гарчанд фано олий бир имтиҳондир,
Муҳаббат ўтида майли, Ҳақ, ёндири!
Кўнгил кушандаси шубҳа-гумондир:
Туманларда кезар маст «вафодорлар».

Наилож даҳр аро дажжол хиёнат –
Аждодлардан мерос энг бад омонат.
Сийласа беорни ҳамки саодат,
Риёни тутмасин дўст, «вафодорлар».

Забун жисму жоннинг юксак ғурурин –
Дилдан ёғиб турган садоқат нурин
Айрилиқ онлари келмасдан бурун
Кўймасин тупроқдан паст, «вафодорлар».

Каттами, кичикми гуноҳингизни
Кечар, тинглаб Аллоҳ дод-оҳингизни,
Ризо этломай жуфт-салоҳингизни,
Борсангиз Ҳақ кечирмас, «вафодорлар!»

2003

* * *

Майли, туннинг қучоидан
 тундан қаро гуллар келтири,
 (Каззоб дунё, ўчоингга
 алвон рангли ашким селдир!)
 Майли ўлдир,
 хиёнатли қучоингда мени ўлдир,
 Аммо асло аёй этмай,
 олиб кетгум асроримни.

Майли менинг гулзоримда
 сайрасин ёв булбуллари,
 Майли, мунгли осмонимда
 елсин ғолиб дулдулларинг,
 Майли, куйсин кўнгилларим,
 кулсин сенинг шўх дилларинг,
 Минг бор жабру жафо айла,
 алишмасман қароримни.

Мен жонимни бериб бўлдим –
 ишқ элида қабрларим,
 Агар ошкор этар бўлсам
 сенинг барча жабрларинг,
 Эшитмоққа етмас на ер,
 етмас само сабрлари! ..
 Ўлсам ўлгум,
 Вале ошкор этмам ҳоли абгоримни...

ФОФИЛГА

1

Сен гулни ҳақорат қилмагил, эй дўст,
Кўнгилни ҳақорат қилмагил, эй дўст,
Мунча кўп чалмасанг хиёнат куйин,
Бас, етар, нақорат қилмагил, эй дўст!

2

Дерлар: айтилган сўз – отилган ўқдир,
Суяксиз тилга кўп эрк берма, нодон.
Малаклар номингга лаънатлар ўқир,
Ҳар сўзнинг жавобин қайтарар жаҳон.

3

Сен ўрнингни юксаклардан излама,
Юксакликка ой ва қуёш муносиб!
Ерни сен деб, самоларни сизлама,
Охир бўлгай жойинг тупроқдан насиб.

4

Мунча ёлғонларни хуш қўурурсан, айт,
Ёмби ёронларни туш қўурурсан, айт?
Мен сенсиз қуёшга ҳамроҳ бўлмишам,
Сен менсиз чоҳ сари кетмоқдасан, қайт!

СИНГАН КЎЗА

(Дугонам дил дафтаридан)

(Т у р к у м)

Ўн олти йил ўтиб, асл қиёфанг
 Кўзларим олдида бўлди намоён.
 Бўйнимга тилла деб тақдан занжиринг
 Зангли кишан экан,
 Дилда зўр исён!

Ўн олти йил бурун ясаган кўзанг
 Чил-чил синдириди ўз қўлинг ниҳоят...
 Ямаш учун синик кўзани,
 Ҳатто
 Ўн олти минг йил ҳам эрур кам муддат!..

Ўн олти минг бора
 Ўн олти минг ғам
 Зарбидан кўзангни чертди кўзёшим...
 Вужудингга меҳмон қуфронга ҳислар
 Макри-ла кўр каби уриб ўз бошинг —

Парчалаб ташладинг!..
 Риё баҳрида
 Кенг очиб қулочинг
 Ўн олти минг йил
 Сузсанг-да бир томчи оби ҳаётни
 Топмасинг муқаррар, бандай ғофил!?..

Сенга-да, менга-да тупроқдан охир
 Абадий жой берар сахий Она ер!..
 Кўзангнинг ўн олти минглаб парчаси
 Танангта ўн олти минг бор ботиб, дер:

“Ўн олти минг қўза ясай жисмингдан,
Ўн олти минг томчи қўзёши тўккил,
Ўн олти минг бора дўзах ўтида
Тобланиб,
Кўзалар қадрига етгил!?”

* * *

Энди сен мен учун бегона,
Бўлмасман лек далли девона!..
Мен ҳали Қуёшга етгайман,
Ҳатто Ой бўлолмас парвона.

Билмадинг вафо не, баҳт нима,
Шукроналик нима, таҳт нима?
Оқибат нимадир, қадр не,
Муҳаббат не демак, аҳд нима?

Кўп учдинг қабоҳат макрига,
Гулсуват тиконлар заҳрига,
Тавба не билмадинг, минг афсус,
Дил бердинг фано ишқ шаҳрига!..

Ақл-идрок, юрак-қон сенингдир,
Омонат ёлғиз жон сенингдир,
Гар ўйлаб босмасанг қадаминг,
Сарсон тан — саргардон сенингдир...

Сархушсан, сархуш май сехридан,
Нун соя пайдодир эгридан,
Кўзинг кўр этган нафс балоси
Айиргай энг улуг мөхрдан!

Ҳавас, ҳирс ўткинчи, кун фоний,
 Куфрона нур сочган тун фоний,
 Надомат юргига етганда
 Азобдир лаззатинг шул оний!..

Кўнглинг кўчасида девона —
 Энди сен мен учун бегона!
 Қуёшга суюкли қалбим бор,
 Сен не?
 Ой бўлолмас парвона!..

• • *

Сенсиз яшаган дил,
 энди ўзим ҳам
 сенсиз яшамоқни ўрганадирман,
 маккор нигоҳингдан,
 қув забонингдан
 фориф тонгла Маҳшар уйғонадирман!?..

Кишанбанд танаму туйфуларимни
 айни қиши чилласи айладинг озод,
 неча бетакрор гул баҳорларимни
 кузга айлантирдинг, бераҳм жаллод!..

Дил беун,
 мисоли она капалак —
 ҳар кун-тун учун бир қурбон бергувчи,
 дил беун...
 мисоли маъсума малак —
 иблислар кўксининг заҳрин сўргувчи...

Сенсиз яшамоғлик баҳтлигин балки
 ҳамоно англамоқ истамас кўнгил,
 сафолат мулкининг сафилидан ё
 кечмоқ эмасмикан у қадар енгил?..

Сенсиз яшаган дил...
энди ўзим ҳам
Сенсиз яшамоқни ўрганадирман!..
Ёлғон сўзларингу
офу тилингдан
фориғ тонгла Маҳшар уйғонадирман?!..

* * *

Сенинг қилмишингдан ранжимам асло,
Бундан-да тубанлик кутмоғим мумкин...
Мен ахир нафосат ганжиман – сафо,
Сен эса эрурсан сафолат мулки.

Сенинг қилмишингдан ранжимас юрак,
Унга ҳеч даҳлдор эмассан чунки.
Дил бу мусаффо ишқ, мусаффо тилак,
У сендан айро-ку неча йил-кунки.

Дил фақат шафқату шафоатдадир,
Дил мутлақ юксайдир мағлубиятдан.
Сенинг қилмишингга қайғурса ахир,
У айро тушгуси салоҳиятдан!..

Ҳеч айро тушгим йўқ салоҳиятдан!..

* * *

«Тенг-тенги биландир,
Тезак – қоп билан!»
Энди муносибинг топибсан,
Қойил!
Ахир самоларга юлдуз ярашар,
Зулмат қатларида яшайди ғофил!

Сен гулдан мушк тилаб,
 Ишқ кутма нолон!
 Қолган дил – чиққан жон,
 Унутма, нодон!
 «Кечир, адашдим», деб,
 Адашма, асли
 Сен энди тенгингни
 Топдинг, «қадрдон!»

* * *

Қоч, мунааввар йўлимдан,
 Қоч, зулматга бошлама!
 Лойқаланган сувингни
 Гулзоримга ташлама!

Қоч, дилимни ғашлама,
 Юқтирасан гардингни,
 Содик гумроҳларингга
 Айт, давосиз дардингни.

Менга нима, мен ҳамон
 Яшаяпман ўшандай!
 Бор муаммо сенингдир,
 Ечсанг, ечавер қандай!

Қоч, қўлингни узатма,
 Қоч, қўнглимни оздирмай.
 Қарашга ҳам ҳаққинг йўқ,
 Менга, ҳатто сездирмай!

* * *

Балчиқли қўлларга ботдинг-у,
Дарёдан айрилдинг тоабад.
Қўй, менга чўпчаклар сўйлама,
Қўй, мени алдама, «муҳаббат»!

Чиркин қўл билан ишқ оби, деб,
Оғулар тутдилар, нўш этдинг,
Покиза туйгули оламдан
Харобот кулбасин хуш этдинг.

Бор, ўша кўнглингга муносиб
Ошингни ичавер шимириб.
Бас, олтин орзусин айлама,
Тошингни теравер қидириб.

Ўйлайсан: бу дунё вафодир!?
Ўйлайсан: кайф-сафо ғанимат!?
Эҳ, ғофил, устингдан мириқиб
Куляпман – кулмоқда жамият!!!

Дунёни алдашинг мумкиндири,
Алдамоқ осонмас муршидни,
Зулматга равона бўлмаким,
Қаҳридан кул бўлиб хуршиднинг!

* * *

Йўқ!

Мен сени қизғонганим йўқ!

Фақат таҳқир оғир юракка!

Севмайман!

Рост!

Хеч тонганим йўқ!

Фақат тинч қўй, қўй мени якка!

Йўқ!

Мен ҳали дунёга келиб,

Бирор дилга бермадим озор!

Яхшимисан ва ёки ёмон,

Сен учун ҳам қурмагайман дор!

Яшайвергин истаганингча,

Яшайвергин ғафлатда қониб.

Мен яшайман мағрур ва голиб,

Гарчи мағлубдирман сенингча!?.

* * *

Мен таслим бўлмайман,

Бўлмаганман ҳам!

Фақат юрагимга тирама ханжар!

Майли дунёлардан кечарман, малҳам

Тополмасам қўнгил дардимга агар...

Мен таслим бўлмайман,

Бўлмаганман ҳам.

Фақат чуқурларга итарма мени!

Сенга дунёингни қайтариб бергум,

Фақат қўшилмайман дунёнгга сенинг.

Мен – само бағрида милтироқ юлдуз,
Тубан ниятларга қарам бўлмасман.
Сен менга ёмонлик соғинма ҳаргиз,
Сенинг қарфишинг-ла ўлмасман!

Фақат дунёингга қўшилгим йўқдир,
Фақат риёингта қилолмам тоқат...
Мени ўлдиролмас сен отган ўқ, бил,
Мени ўқ қилолмас қабоҳат!
Мен яшаяпман – дунё мен томон!
Сен ва фақат удир қабрда.
Мен чарчамайман,
Кечмам ҳеч қачон!
Сабрдан!

2003—2005

Дафтари Зазфафон

Самандар қавмидан әфүб бу жисимим,
Көни ғам донидан құғыр бу жисимим,
Көни Қоф шошыга битилүб номим:
Мен — Адам шахришынан бир ғамбодасы



АЛДАМЧИ ТОНГЛАР

Яна ҳижрон доги кўксим тифламиш,
Дил шўрлик беланмиш тупроққа яна,
Маъсум юрак ўқсиб-ўқсиб йифламиш —
Қайфу фолибона қилмиш тантана.

Кўнгил яна олис Самони кўзлар,
Қайсар руҳим ҳамон ор қошида лол.
Равон кўзёшлару соғинчли сўзлар
Мадҳияси мудом хаёлий висол...

Сафо қучоғингга етурман бир кун,
Эй олис Осмон, эй олий Тилак!
Бағримдаги харсанг тошларни кукун
Айласа, не ажаб, самовий юрак!..

Тунлар тушларимда меҳринг суратин
Чизгум — қалб девори ўйма нақшинкор.
Ўйилган кўксимга етмас сира тин —
Кутаман, ҳар ёруғ тонгни умидвор...

Лек, алдамчи тонглар бир-бир хўшлашиб,
Мозий денгизига сокин чўкмоқда.
Дарё кўнгил эса ўзандан тошиб,
Субҳи дийдор учун фифон чекмоқда...

Ҳаё тожин кийган мутеъ бошимни
Тилло остоңангга қўйсам, дафъатан,
Киборинг сўндиrsa гар Қуёшимни —
Фарзанд догида зор йифлагай Ватан!..

1998

* * *

Насим оғушида
 соғинч нағмасин чалди торим,
 Изинг излашга чоғландим, лек түсиқ бўлди орим,
 Маскани ноаён ёrim, озорлари бисёrim,
 Қадамлари ошёнима ҳаво янглиғ даркорим.

Ташна дил заҳри мор ичди, ўртаган армон сабаб,
 Ўт ичинда хорни қучдим, заҳми зўр ҳижрон сабаб.
 Даҳр аро ишқ домига ҳеч топмадим имкон, сабаб:
 Кўнгил сенинг, жисму жоним побости зиндан
 сабаб.

Жон физо ўйлар баҳрига чўлғонмоқни соғиндим,
 Умидбахш тунлар бағрида тўлғонмоқни соғиндим –
 Субҳи козиб ваъдаси-ла уйғонмоқни соғиндим,
 Дийдорсиз ишқ гулханида чўғланмоқни соғиндим...

Эсласам, дил токчасига изтироблар тахланур,
 Ёнар қўксим, vale ашким кипригимда яхланур,
 Васлинг баёни кўйида қаламларим чархланур,
 Энг муқаддас Сўзим –
 Кўнгил жавонида сақланур...

1996

* * *

Унута олмасам нетай, севгилим?
Ҳамон тирнамоқда кўксимни фироқ.
Абгордир ситамлар заҳмидан дилим,
Фифоним Аллоҳга етмайди бироқ.

Унута олмасам нетай, севгилим?
Гирён туйфуларим қўр этди кўзни.
Ишқим розин ошкор этолмай тилим –
Дилга қулфлаб қўйди муқаддас Сўзни...

Хушҳолликка ётман, токи, севгилим,
Этмагунча тақдир дуч иккимизни.
Лек ҳорғин, ғамзада кўзларим лим-лим
Ёшин сочиб энди изламас Сизни...

1996

* * *

Севгим туморин асрадим қалбимнинг ардоғида,
Ҳаёл мулкида сайр этдим соф муҳаббат боғида...
Ҳажрдин афтода ўлдим, ёр сарафroz чоғида,
Бесамар кетди нидолар тўбийнинг япроғида,
Ташнаман ишқ сахросида, дилафформан доғида...

Ситамгар шоҳвор фироқи бирла хунхор йигларам,
Дўсту душмандин ниҳона бисёру зор йигларам,
Ломакон қалбима тополмай ғамгузор йигларам,
Бесамар кетди нидолар тўбийнинг япроғида,
Ташнаман ишқ сахросида, дилафформан доғида...

Занжирбанд кўнглима ошиқ харидорлардин
толдим,
Билмам, замирим нечун ул қимматбаҳоға солдим?!
Машраби девонадек дил можаросига қолдим,

Бесамар кетди нидолар тўбийнинг япрофида,
Ташнаман ишқ саҳросида, дилафгорман доғида...

Севгисиз бехонумонман, бор бисотим найларам,
Толеим, тахтим фифону ғамга сотдим, найларам,
Тун-куним зулмат эзур, Хуршида отим найларам?!..
Бесамар кетди нидолар тўбийнинг япрофида,
Ташнаман ишқ саҳросида, дилафгорман доғида...

1996

* * *

Еру кўқдан саралаб, ягона танлагоним,
Васлингга, жамолингга етсам армоним қолмас.
Такрорлайверар исминг тинмай ташна забоним,
Хаёлларим хаёлинг бирла қувлашиб толмас...

Еру кўқдан саралаб, ягона танлагоним,
Беиштибоҳки, магар кўрсанг бир оразимни –
Асиримга айланиб, такаллум этган оним
Ортга қўярдинг Шошу Самарқанд, Хоразмни!..

Андижонни ошиён айларди кўнглинг сўзсиз,
Мисли оҳанрабодек этардим ром ўзимга...
Демагил, чиройинг-ла бунча фуурурланма, қиз,
Сеҳрлар севгим кучи, кўзинг тушса кўзимга!..

1996

* * *

Руҳим изтироблари қачон топгуси барҳам,
Токай бедаво дардга излар ҳакимлар малҳам?
Висол кошонасига ошуфтадурман мен ҳам,
Ҳижронга қул қалбимнинг шоҳи, қаерлардасан?

Бенажот қолдирса гар ҳакимларнинг давоси,
Этурман Мажнун мисол саҳрони қалб маъвоси...

Ҳаловатим ўғирлар ҳорғини асаб ғавғоси,
Зулматга ёр қалбимнинг моҳи, қаерлардасан?

Лайли, Шириналар фақат афсонада бор эмас,
Улардек қасд жонига исломга хос кор эмас,
Ошкора ёр ишқида ёнса Зухро ор эмас,
Ишқи пинҳон қалбимнинг оҳи, қаерлардасан?

1996

* * *

Ёлғизим, борлигим сенга талпинар,
Сен томон шайланар неча бор юрак,
Армону орзуйим кўксимда тунар,
Лек боролмам...
Нетай, эй, боҳабар фалак?!

Дилим фарёд чекиб, оҳ уриб толмас,
Вужудим bemажол, қўлим бетиним...
Юракни бу таним кўтара олмас,
У фақат ёстиқдан топгуси қўним.

Умид гулдастасин бир қучолмасман,
Армон тиконлари тўлиқ қўйнимда...
Орзу мусалласин ҳеч ичолмасман —
Чигал ўй иплари бўғар бўйнимдан...

Руҳим танимни ўз измига солар,
Кўнгилдан берухсат ташлайман қадам.
Не учун, не учун ўз руҳим тонар
Ўз кўнглимнинг хоҳишиш-истакларидан?...

1996

* * *

Софиндим, кўқдаги танҳо юлдузим,
 Рухсорингни бир бор кўрмоққа зорман –
 Қувонч не, билолмам, хунхора ўзим,
 Сенсиз ҳолим забун, бенаво, хорман.

Фалақдан анжумлар аро пинҳона,
 Аҳён-аҳёнда бир кўргазурсан юз –
 Шуъла афшонингдан дилим тўлфона,
 Турфа ўйга чўмар кеча-ю кундуз...

Қайдасан, суюкли танҳо юлдузим?
 Покиза севгимни айла ижобат.
 Фам ажини қоплаб олмасдан юзим,
 Ҳабибинг бўлайин, бергил ижозат.

1996

* * *

Кўзёшларим сочилиб, дилим сиёҳдир бугун,
 Қалбимнинг ўқинчлари фарёду оҳдир бугун,
 Армон тифи танамга қазгувчи чоҳдир бугун,
 Ҳалос этинг илинжим, ушбу тор шабистондан.

Неча йилдирки, кўнглим танҳо сизгадир қарам,
 Юрагим деворларин тинмайин тирнар алам,
 Надоматлар кулбасин тарқ этмоқни истарам,
 Орзу этгум манзилгоҳ ёруғ кавқабистондан.

Умидларимни ҳижрон гулхани этмасин кул,
 Найларам бу маконни кўнгилда очмаса гул?..
 Жаннатдир мулкингизда магар эрсам-да бир қул,
 Олиб кетинг, султоним, қулингиз зимистондан.

1996

* * *

Софинчим бағрингга олгин, оқ қоғоз!
Чак-чак томчи бўлиб чертса деворинг.
Ором кечалари бу маҳзун овоз
Безовта этса ҳам ёпма узоринг.

Алвоңранг бу ҳисга паноҳ бер, қоғоз,
Даргоҳингга сифур ҳаттоқи минг йил.
Ҳаста қўнгул аро фурсат эрур оз –
Йўқса шу кеч ани кул этгуси, кул!..

1997

* * *

Кўксимда кўкарған ғам дарахтининг
Ҳар бир япроғида исминг ёзиғлиқ,
Юрагимга тифдек санчилаётган
Шоҳларида зил-зил армон осиғлиқ,

Хазонга айланган япроқ юзидан
Бирма-бир исмингни сугуруар қалам,
Зулматга чўмганда беғубор қоғоз,
Дайди ел мисоли изфийди алам...

1997

ОНАЖОН

Софинч ҳисси ва мунглиғ
Дилим айтар, Онажон,
Мехрингиз нури янглиғ
Хотиримда чароғон –
Орзулар кўкида сайр
Айлаган онларга хайр!..

Қаноат тобеси – дил
Эшик очар, Онажон,
Қалбимнинг энг мусаффи
Туйгуларини қурбон
Этиб, бегоналарга –
Суиб оввораларга...

Байтул ҳазон кўнглима
Ёдуд сочар, Онажон,
Куёш тафтидан ўтлуғ,
Қамар сиймосидан пок
Чеҳрангиз, нурмаконим,
Кўкси дурларга коним.

Наҳри Норин юзимнинг
Шўрин ювар, Онажон.
Нигоҳингиз ғамимни
Дилдан қувар, Онажон...
Бажармас юрак фарзин,
Уқмас кўнкимоқ дарсин,
Йўлимга сочар арзин –
Йиқилгайман, Онажон!..
Пойингизга хазондек
Тўкилгайман, Онажон!..

1997

НАМ САТРЛАР

Қоғоз қоралаган қалам ҳамкори
Сиёҳ эмас, қаро кўзим ёшидир.
Сатрлар – безовта руҳимнинг зори,
Кўксим эзаётган алам тошидир.

Тураглар сафлашиб,
Ожиз, безабон
Кўнглим кашкулидан тўкилган сўзлар.
Бошпана ахтариб қанчаси сарсон,
Ё қофоз, ё дилга сифмайин бўзлар...

Сатрларга сизиб сўзлар қаъридан,
Ашким жилға бўлиб оқмиш бетўхтов.
Кимдир киприк ювар ўқир чоғида,
Мисралар намлигин сезмайди бирор...

Қофоз қоралаган қалам ҳамкори
Сиёҳ эмас, қаро қўзим ёшидир,
Деманг, сўз саралаш экан-да кори?!
Шеър – юрак озиғи, қалб қуёшидир!

1997

ХИЁНАТ

Қалбим шикастадир юзинг аксидан,
Бағритош зотларга соя солсанг-чи!..
Аёвсиз афсунгар нигоҳинг тифин
Рақибим қўксига санчиб олсанг-чи!..

Кўнглим эрур – тирик ғам мақбараси,
Чироқ тансиқ вайрон юракларимда...
Ҳамла қилсанг тағин,
Эй, беражм ёв,
Жонсиз таним ётгай йўлакларингда...

Кўзимнинг шароби гар бўлса даркор,
Майли гирён айлай ҳар он, ҳар соат.
Ягона ўтинчим:

Лоақал бир бор
Менга қиё боқмай кет, эй хиёнат!

1997

ПАНОХ

Не нафким, бедорхоб байт битурсиз, дер,
Ором ёр бўлмағай, гар ёзмасам шеър,
Қўним йўқ жисмима, ё фалак, ё ер —
Шояд, кўнгил юкин олсалар, ё Раб!

Ёзсам, чекингай мунг, дейману гумроҳ —
Армон ва ҳижрон мунг мулкига ҳамроҳ,
Кезгайлар садоқат гулбоғида... Оҳ!..
Кошки, пайҳон айлаб толсалар, ё Раб!

Неча мезон, неча фасллар, ойлар
Жолаларин дийдам шашқатор айлар,
Қоғоз ашқ шодасин кўксига жойлар —
Зора, зорима кўз солсалар, ё Раб!

Ишонч қасрига ўт ёқса иштибоҳ, —
Топгум шеър бағридан қўнглима паноҳ!
Умр илдизига төға урса, чоҳ,
Тубига чўккай бир кун алар, ё Раб!

1997

* * *

Тунда тундек тийра дилга
Илк баҳри нур сочолдинг сен.
Таҳаммул-ла ташна гулга
Ишқ булоғин очолдинг сен!..

Надоматким, вобаста гул
Ихтиёрин ниҳон этди,
Ёғдуларингга бўлди қул,
Вале этмай аён, кетди...

Тагин тундек қаро зулфинг
Насиб бўлғайми, билолмас...
Чашминг, қарофинг оҳ, қулфинг!..
Гул – банди, озод бўлолмас.

Бир дам саховатли ҳариф
Бўлдингу бахш этдинг ҳаёт!
Наҳот, эй беназир шариф
Маҳшаргача эрурсан ёт?!

Жон олғувчи малак ташриф
Этса ҳам боғ кезмасмисан?
Гул – ғоғил эрса, сен – ориф,
На дер кўнгил, сезмасмисан?

Чархи кажрафтор гулни гар
Элтмаса ул висолингта,
Йўлла малақдин хуш хабар –
Зори гуфтори болингта...

1997

* * *

Сиздан ранжимоқقا ҳаққим йўқ сира,
 Гарчи ўртанса-да минг бора кўнгул!
 Сизсиз туйғуларим ҳамон бокира,
 Армон сахросидан излармиди гул?..

Дерларким, ер юзин меҳру диёнат
 Тарк этиб, мангалик сари равона
 Бўлса гар, яқиндир рўзи қиёмат —
 Колмаса яхшилар охир замона...

Сиздек соф кўнгиллар яшасин доим,
 Замин юкларини ортиб елкага!
 Шояд, олислагай қиёмат қойим —
 Раҳматлар ёғилгай шунда ўлкага!..

Сиздан ранжимоқقا ҳаққим йўқ сира,
 Майли, ҳабиб бўлинг ҳабибингизга.
 Мен пинҳон севгимни асрраб бокира,
 Яратгандан толе тилайман Сизга!..

2000

* * *

Келишга ваъдалар айлаб,
 Вафолар қилмадинг, ёрим,
 Жаҳонни тутди фарёдим,
 Сенга лек етмади зорим.

Эдинг бир лутфима муштоқ,
 Сенингдир борлиғим бу кун,
 Ки сезмайсан, бутун олам
 Ҳажрдин торлиғин бу кун.

Сиру асрорларим қисмат
Санга этганди шарҳ бир-бир,
Бу кун ғамларга ғарқ қилган
Ўзингсан – дилни эзган сир...

Ситамлардан эдим безор,
Билардинг бу юрак ҳолин.
Фироқинг наҳри гирдоби
Тамом танг қилди аҳволим.

Ҳукмрондир бугун дилда
Алам отлиф қасоскор ҳис.
Видо сўзин этур такрор
Умид кўнгил аро танқис...

2000

ГУМОН

Ёлғизман, ёлғизим, юрагим ёлғиз...
Сен – шерюрақдурсан, мен – ожиза қиз.
Софиндим, софинчим, софинчим – чексиз,
Афсус, қайтиб Сени кўрмоғим гумон...

Мен Сендан на гуҳар, на дур сўрадим,
Висол хобгоҳида сабр сўрадим,
Ҳисларинг авайлаб, дилга ўрадим...
Афсус, қайтиб Сени кўрмоғим гумон...

Менга керак эмас жаннатий гулзор,
Қалбинг гулларига бўлганман хумор,
Ойу юлдузлар ҳам эрур хабардор!..
Афсус, қайтиб Сени кўрмоғим гумон...

Қўрқма, гулбофингга қадам қўймасман,
Гарчанд ўзга боғнинг гулин суймасман...
Э воҳ!

Дил куйга-ю, ўзим куймасман?!..
Афсус, қайтиб Сени кўрмоғим гумон...

2000

* * *

Қалбинг тўла гул экан!
Лек, не сабаб қўлимга
Тутдинг бир даста тикан?!..

Овозинг экан майин,
Ҳам сўзларинг пурмаъно –
Мафтун бўлдим кун сайин!..

Фуруринг бирам баланд
Эканки, фуруримни
Этди тупроқقا монанд...

Шарифинг гарчанд улуғ!
Аммо тушунмас юрак –
Нечун гоҳ ваъданг қуруғ?

Бек экансан!
Во дариф!
Билмам не ҳис дилимда –
Рангим этмоқда сариф?..

2000

* * *

Босган қадамимча харидорларим
Бошлари хам эрур қошимда...
Рұхимни ҳолсизлик енгди-ю
Бошгинам эгилди қошингда...

Тупроққа күмилган ғууриим
Юрақдан симириди ёшимни...
Мукаммал борлифинг қуёши
Илитган эди дил-тошимни...

Сездимки, ҳисларинг мен томон
Тортдилар жисмингни оҳиста...
Во ажаб!...
Сенингдек метинни
Топмоғлик мاشаққат минг истаб...

Билурман,
Эй умри азиз ёр —
Босган қадамингча харидорларинг
Бошлари хам эрур қошингда...
Ҳажрингда бедармон эсам-да,
Орият тожи бор бошимда —

Боролмам,
Эй умри азиз ёр!

2000

* * *

Бағрим аро босиб йўл,
Мехр исмли бир гул
Ўсиб чиқади аста...

Елга боғлаб муҳаббат,
Қадди долдир, оқибат
Излаб юраги хаста!

Хастаки, давоси йўқ –
Асло интиҳоси йўқ
Фам қўйига пайваста...

Булбул жўр дил дардига,
Жилвагар гулбаргига
Товус кўнгли ҳавасда...

Ел англамас дилини,
Элга очмас сирини –
Зуҳур этар орастা.

Ҳуснига ой маҳлиё,
Маъсума боқмай қиё,
Ўлтирур жим қафасда...

1999

• • •

Мисоли кўксимда, э воҳ,
Фам кони борга ўхшайди.
Бу ғамлардин холи бўлмоқ
Хўб мушкул корга ўхшайди.

Армоним дилдан тамоман
Узилган торга ўхшайди,
Ҳажру аламлар кўнглима
Етган озорга ўхшайди...

Бунча ситам: оҳу андуҳ,
Бергувчи ёрга ўхшайди,
Кўзларим мангу йўлинда
Қолгувчи зорга ўхшайди...

Фироқ дарёсига отган
Жисмимни – орга ўхшайди,
Севгим бамисли Хуршиду
Дардим бисёрга ўхшайди.

1996

* * *

Кўзларинг тубинда маънно яширин,
Мисли дурдонадир, сухонинг ширин,
Кўнглингда не ҳис бор, ошкор эт сирин,
Матонат мулкининг эй шаҳзодаси?!

Безабон нигоҳим – оҳим сенингдир,
Мехру муҳаббатим шамс ила тенгдир,
Не баҳт, изларинг ер узра менингдир,
Минг оҳ, кўксим тўла армон шодаси!..

Висол ваъда айлаб, тонглар оқарап,
Хуш сабо паришон соchlарим тараф,
Юз очган умидим фунчасин саҳар
Маҳв этар оқшомнинг шум шаббодаси...

Орзулар эртагин сўйлайди дилим:
Хаёлот водийсин боғлари сўлим,
Гулларин тергали етмайди қўлим –
Базми ишқ жомида ҳажр бодаси...

Самандар қавмидан эрур бу жисмим,
Кўҳи ғам доғидан қурир бу жисмим,
Кўҳи Қоф тошига битилур исмим:
Мен – Адам шаҳрининг бир ғамбодаси!..

1999

Нури ҳилол

Шеър бағында ишқон кўшиклиар —
Ойга сирдом нурағашон рўғе.
Күёш ва диг — шенисиз ошиқлар,
Күёш ва диг — лекинз оғ ҳаё



МАКОН ВА РУҲ ОРАЛИГИДА...

(Сизга етмас сатрлар)

(Туркмеништирилген)

* * *

Сизда уммон құдрати мавжуд,
Менда қуёш ҳарорати бор.
Сиз бергайсиз дунёга умид,
Мен шу умид дардида bemor.

Сиз қатъият юртида шоҳсиз,
Мен ҳиссиёт мулкига қарам.
Сиз нақадар мендан йироқсиз —
Музаффарсиз, олий, мукаррам!

* * *

Ишонч ипларига бойланса ҳислар,
Самовий сирларга бурканса дилим.
Күз очса кўксимда умид булоғи,
Изингизга атрин сочса ишқ гулим...

Ногоҳ, узиб ишонч ришталарини,
Даштта айлантириб кўнглим гулзорин,
Ишқ йўлида сарсон хаста юракка
Жойламасмикансиз дунё озорин?..

* * *

Сиз бир қадам босдингиз-у,
Босолмай мен бир қадам,
Суқунатнинг йўлларида
Чекяпман ранжу алам.

Нигоҳингиз сўйласа гоҳ,
Эътибору ҳурматдан,
Шеър яралар дилда ногоҳ,
Нур ёғар самоватдан.

Дил дегани бир девона,
Кашкули тўла туйфу,
Ишқ даштида кезар сарсон,
Билмас тиним ва уйқу.

Чалар маҳзун қуй – тарона,
Солар ўзин минг қўйга.
Йиғлар зарра чиқармай ун,
Тифлар кўксин минг ўйда...

Сиз бир қадам ташланг яна,
Босмам қадам ортимга,
Бурмам юзим мухаббатдан,
Кўнурман дил шартига?!..

* * *

Аршдан ёғилган соф тилакларимни
Лолу асир бўлиб тинглади дунё...
Шу тун кўзларимга келмади уйқу,
Шу тун юрагимда тунади дунё...

Мехр риштамиздан яралди ҳайрат,
Суйиб назар қилди ҳазрати Хизр,
Сирримиз билса-да нури илоҳий,
Бизга бериб кетди тоғдайин сабр!..

* * *

Биламан, висолга умид йўқ сира,
Гарчи юракларда ҳислар бокира.
Хаёлот мулкидан дил изн сўрар,
Тақиқ этмасмикан Сизни суйищдан?

Дунёда неъмат йўқ туйфудан азиз,
Гарчи қолдирсак-да айро-айро из,
Ҳасрат-надоматга қул бўлмам ҳаргиз,
Мен ишқ оловида қўрқмам куйищдан!

Эҳтиром ёғилса нигоҳингиздан,
Хушкалом янграса даргоҳингизда,
Гарчи бу шаҳодат илоҳий ҳисдан,
Ортиқ журъатим йўқ шукр дейищдан...

* * *

Хаёлотта дил бериб бўлдим,
Беролмайсиз Сиз хаёлга дил –
Кўл узатиб турибди дунё,
Нажот тилаб Сиздан муттасил!

Мен меҳримни сочдим мардона,
Меҳрингиздан меҳрга тўлиб,
Гар хатога йўл қўйсам, ҳатто
Айбимни қон ювмоғин билиб!..

Минг бир савол тилди қўксимни,
Минг бир нигоҳ, айлади таъқиб.
Ёқолгайми Куёш қўксин ўт,
Бўлгайми Ой балдоғин тақиб?..

Аллалар хуш хаёллар ҳар тун,
Энг мунаvvар, сирли шу лаҳза –
Мен дунёдан излаган шуур,
Мен Худо-ла сўзлашган лаҳжа!..

* * *

Йўқ, Ишқ оловидан қўрқаман!
Нафақат дил, куйиб битган тан –
Ахир бошдан оёғим майиб!..
Лек Ишқиз жон бергум дафъатан!
Ҳа! Мен Ишқизлиқдан қўрқаман!
Ишқизлик бу – ҳиссизлик демак!
Яшаб бўлмас ахир бетуйғу –
Бетуйғулик бу ахир ўлмак!

* * *

Менга шеър ёзмагил, дегандан кўра,
Келинг, юрагимга санча қолинг тиф!
Жисмим мансуб эса ҳам бу дунёга,
Руҳим ўзин кўкка айлаган тортиқ.

* * *

Тағин кирибди Ой тушимга,
Ишқи пинҳонмикан ботинда?
Ер-кўк қадар кўп масофани
Зумда босиб ўтади тунда!?

Ҳавасланар дунёлар ғариб,
Ҳайратланар хаёллар дайди,
Дилда эса аллақандай ҳис
Бу ҳол сиррин мендан сўрайди...

Тонг энтикар ажиб тўлғониб,
Кун бағрида узун хўрсиник,
Термулади ўғринча Қуёш,
Ойнинг юзи сутдайин тиник!..

Ҳаваслардан, дунё, юр нари,
Ҳайратларга тўлма ер-фалак!

Ҳаддим сира сифас, Ой нури
Берса ҳамки ишқидан дарак!..

Ажаб, ул Ой тушимда гоҳ-гоҳ,
Бир пўртана ясар руҳимда!?
Ё ростмикан, тушга кирмоғи
Сени кимдир ўйласа зимдан...

* * *

Шукрилиллоҳ, чекинмиш қадар,
Йироқданмиш бир оз бедорлик,
Юрагимдан тортмаяпти ер,
Зеболанмиш ниҳоят борлиқ!..

Иншоаллоҳ, тозармиш ҳаво,
Ноз-неъматин тутмоқда ҳаёт,
Сокингина вақт бермиш садо,
Юпанч ҳисси бўлмоқда бунёд.

Биҳамдиллоҳ, умр — синоат,
Шукрилиллоҳ, синаладим узоқ.
Иншоаллоҳ, сенга етурман,
Унга етолмадим, ё Аллоҳ!..

* * *

Ҳажр тийфи тилса-да танни,
Сафир туйфу, дилни тарқ этма!
Ожиз тилак, кўзлаб осмонни,
Беиз замин қаърига кетма!

Дунё, юкинг ортма елкамга,
Само ишқи қаддим этмиш дол!
Ўқинч дарёсида елкандай,
Овунч рўё — муаллақ ҳилол.

Тақдир менга жилмайган они,
 Мен тақдирга боқдим хўмрайиб.
 Бу қанчалар оғир, ёмон-а —
 Кунлар тураг тундай хўмрайиб...
 Дунё ўзин санар беайб.

* * *

Мен барибир баҳтлиман, шукр,
 Нигоҳингиз сири овутар.
 Кўзингизга қаролмам, узр,
 Нигоҳимдир ҳуркак кабутар.

Мен барибир баҳтлиман, шукр,
 Арзир дунё ҳавас-ла боқса —
 Ва йўқотган меҳру вафосин
 Иккимизнинг юрақдан топса!

Мен барибир баҳтлиман, шукр —
 Измингизда турса-да дунё,
 Илиқ меҳр офтобингиздан
 Таратасиз дилимга зиё!

Бу — ер-само излаган толе,
 Бу — ой-қуёш орзу этган ҳис,
 Мен барибир баҳтлиман, шукр,
 Гарчи айро бизлар босган из...

* * *

Сизга етармикан бир қуни,
 Ёзаётган ушбу байтларим?
 Дилга илҳом бергани учун
 Дилингизга бордир айтарим...

Ҳислар мисли пўртана, жондай,
Гарчи юҳо ўртада дарё,
Дил сиздан куч олаётганда
Ҳасадлардан ўртанар сахро...

Муҳаббат энг мусаффо орзу,
Ишончдандир юксак эҳтиром,
Мен учун баҳт саналгай эзгу,
Етар бўлса сизга шу қалом.

* * *

Сизга ҳам аёни сиришк нелиги,
Ҳижрон нималиги, азоб нелиги?
Бегонамисиз ё ҳислар оҳидан,
Сизга намоёнми дунё кенглиги?

Воз кечолгайсизми ишқ дея жондан,
Тонгни уйғотарми тунги бедорлик?
Кўксингиз ёнарми истак авжида,
Кўзингиз ёқарми ишқи хумморлик.

Ва ё дунё ғами мендами тутқин,
Фақат менми ишқ деб келган оламга,
Минг чекавергувчи изтиробдан ун,
Жим ўтавергувчи ҳажру аламда!?..

* * *

Қандай баҳт, кўксингда кулса нур-анжум,
Қандай баҳт, дилингга тўлса ифтихор,
Мехр чашмасининг об-ҳаётидан,
Умринг сафҳасига¹ битилса ашъор!

¹Сафҳа — саҳифа.

Бошиングни силаса отангдек кимдир,
Иzzатдан елкангта қўнса хумоқуш,
Руҳингни овутса ишонч-эҳтиром,
Кўнглингни кўтарса юрма деб хомуш.

Фанимлар ҳасаддан ғафлатда қотса,
Ич-этин тирнаса алам ва ҳайрат,
Санамлар кўзлаган остоналарга
Сенинг қадамларинг етса беминнат.

Самога бўй чўзса умиidlаринг шод,
Навога айланса ғамларинг аста.
Яратганга шукр айласанг минг бор,
Иймон нурларига дилинг пайваста!
Қандай баҳт, қувонса бир дили хаста!

* * *

Юрақдан бир ғазал тўқилар ҳар тун,
Сўнгра тушларимда такрорланар байт...
Тонгги насим қаби мусаффо, маъсум
Нигоҳингиз сирли сўзлаётган пайт!

Осмон узоқлиги аён ҳақиқат,
Заминнинг кафтига тушарми юлдуз?
Уммон саховатли, қуёш қудратли!
Тундай кароматли бўлолмас кундуз!

Мен англагандекман само асрорин,
Сиз ҳам ер сирридан эрурсиз огоҳ?
Ишқдан сўзлай билган тил лисон эмас,
Севги салтанатин султони – нигоҳ.

Ҳислардан яралгай гарчи шеър – баёт,
Туйғу оламига етмас сўз кучи,

Юрак деб аталган энг нозик ҳилқат
Борини тўкишга ботинмас, чўчир.

Ҳар кун нигоҳларда ёнади юлдуз,
Ашъор тўкилади ҳар тун иложсиз...
Ишқ отлиғ покиза илоҳий нурга
Биламан, сиз ҳам мен каби муҳтожсиз!?..

* * *

Кўзимдан қочди уйқу, дилми ё кўзми дайди?
Тун хўмраяр, ухла, бас, тинчимни бузма, дейди!
Иншоаллоҳ, отса тонг, Қуёш чиқар чараклаб,
Менга боқ дейди у, чўғ нигоҳинг узмай, дейди!

Тун кўзига нигоҳим қадайман тик дўст билиб,
Қуёш юзига, ҳатто қаролмам бир қайрилиб.
Унга айт, эй ер-фалак, юраккинам ўтлидир,
Боқсам ёнгуси дилим, жондан қолгум айрилиб.

Ўнглашга етмас қурбим, дунё турар тескари,
Қаршимда мени алқар ўксик қалбим меҳвари.
Диллар мисли мутаржим, мусаввир кўз ер чизар,
Юзимни тўсар ҳаё, Қуёш бокқани сари.

* * *

Ўйловдимки, сиз мени ўйлаб,
Тунлар беун чекасиз фифон,
Фироқимда бўласиз хомуш,
Дийдорлашсак кўнгил чароғон.

Бугун сездим, адашгандекман,
Менингсиз ҳам кўнглингиз обод!
Сиздан умид узгайман, энди
Таскиним деб юролмайман шод...

Бироқ оғир вобаста дилга —
 Кимни дегай суюнчим ёлғиз?
 Кимни ўйлаб кўз юмгум тунда,
 Кимни ўйлаб тонгда очгум кўз?..

* * *

Ажабланманг, йиғласа созим,
 Фамга ботса ногоҳ сўзларим.
 Тўхтаб қолса чарчаган юрак,
 Нурсизликка чўмса кўзларим.

Қадрдонлар, ажабланманг, гар
 Ўздан кечар бўлсам дафъатан,
 Сочилса-да бошим узра зар,
 Гарчи қадрим билса-да Ватан.

Муҳаббатнинг сўқмоқ йўлида,
 Топилмагач борар манзилим,
 Жисмим қолур ҳижрон чўлида,
 Жоним олур ишқ берган зулм.

* * *

Биласизми, нигоҳингизда
 Кўриб кеча бедардлик расмин,
 Юрагимда музлади ҳислар,
 Бўлиб қолдим ўксик, аразли.

Умидларим қўмилди ерга,
 Қувончларим тарқ этди дилни,
 Байт битмоққа қолмади ҳожат,
 Синдириди фам ишқ берган гулни...

...Тонгда яна тилай бошладим,
 Ҳақдан ўтли нигоҳингизни,

Висол насиб этмаса ҳамки,
Қайтарса деб дил оҳимизни...

Менга ётдир кулгу ва ханда,
Ҳамроҳимдири маъюс хаёлот,
Мен Худодан тиладим туйғу,
Лек Худога қилмадим фарёд.

Олажакман ишончдан мадад,
Кўкка етар ҳурматдан бошим,
Курашаман енгмас адоват,
Синалгум етганча бардошим.

Дилда бўлса муҳаббат олий,
Сийлаб турса ғамхўр нигоҳлар,
Яқин кела олмагай қайғу,
Юз буролмас субҳи сабоҳлар...

* * *

Ашъор ёза олмадим кеча,
Караҳт эди дилда ҳисларим,
Саболардан тиландим хуш бўй,
Қизғондилар лек нарғизларим.

Она сўзи азиз, инчунун,
Унга меҳрим икки оламча,
Онам яшар фақат мен учун,
Малҳам излаб дилда ноламга...

Ватан онамдайин меҳрибон,
Бошим силар ўксиган чофим,
Ҳижронида қийнамас сўйсам,
Суйиб очар тафтли қучогин.

Кўзларимга тўлганда кўзёш,
Она сўзи келар тилимга.

Ёлғизланиб қолганимда гоҳ,
Ватан меҳри таскин дилимга.

Аммо Сизга аталгай мудом,
Ёзганларим тунлари бедор,
Кўзингизда кўрсам ишқ ўтин,
Туғилади энг гўзал ашъор!..

Сиз Ватандай бўлолмайсиз кенг,
Онам каби тутолмайсиз жон,
Замин ётар онам пойида,
Мен Сизни деб кўқда андармон...

* * *

Ишонсангиз бўлади менга!
Муҳаббатга ишонган каби.
Сирдошим йўқ юрақдан бошқа,
Йўқ вафодан ўзга матлабим.

Ишонсангиз бўлади менга!
Эл корига ярайман ҳар он,
Ишқ кўйида сарсон юрагим
Ҳақ йўлидан боргай бегумон.

Ишонсангиз бўлади менга!
Дўстларимга дўстдирман асиљ,
Душманимга қилмасман парво,
Эзгуликка эшман муттасил!

Ишонсангиз бўлади менга!
Жондан кечгум, иймондан эмас,
Фақат ўта қатъийдир феълим,
Ундан кеча олмаслигим рост,
Ахир менга бу – ота мерос!

* * *

Кимларнидир қиласиз танқид;
Ишқ бояда андармон, дея,
Демак Сизни ўртамас туйғу,
Демак Сизга хосдир рағдия?

Балки мендек яшаш тарзингиз:
Севмоқ мумкин, висол шарт эмас,
Дунё битта, ишқдир ягона,
Малҳамли дард асло дард эмас!

Балки бедор кутасиз тонгни,
Кунни ўтказасиз bemадор?
Мұхаббатдан бегона дилда,
Бўлармиди тоғдайин викор!?

Оқибатдан яралғандирсиз,
Садоқатли ахир дилингиз,
Орзуйимдек олий мақомда,
Юз очгайдир орзу гулингиз?

Балки мендек қуйган күнгилсиз,
Ҳам менингдек мағрур, сабрли –
Ўзингизни тутиб бепарво,
Сездирмассиз ҳажру жабрни?

Дилда ҳислар покиза, эзгу,
Балки ишқда эрурсиз тенгсиз?
Не бўлса ҳам хуш кўрдим Сизни,
Асрагайман дилда меҳрингиз!

* * *

— Нега жилмаясан, Қуёшжон?
 — Само бағри бирам соф, мовий!
 — Юрагингда туйфу, ҳаяжон!?
 — Жўш урмоқда ҳисларим олий!
 — Аммо Ерга сочилар меҳринг,
 Само эса кутар эътибор!
 — Ҳақнинг ҳукмин этяпман адо,
 Замин мендан ҳақдор, умидвор.
 Самога бас келолмас дилим,
 Ерга тақдир боғлаган маҳкам.
 Дил Само деб уриб турса ҳам,
 Жисм қурбон бўлмоққа маҳкум.

* * *

Ой қошида сеҳр бўлгуси восил:
 Сирга тўлгай ишқ олами муттасил,
 Минг ҳаяжон, эҳтиросдан титрар дил,
 Узр, минг бора узр!

Бунда тиллар эмас, диллар сўзлашар,
 Бефарқликка баҳоналар излашар,
 Ўринча бир-бирларига қарашар,
 Зўр-базўр...

Синоатли бу лаҳзалар сотқиндир –
 Зоҳирни забт айлагувчи ботиндир,
 Энг титроқ сўз, энг гўзал сўз отингдир –
 Гавҳар, зар!

* * *

Ожиз гул ишқи олис Қуёшга тушди ногоҳ,
Кўз тикмоқ қайда унга, ёниб кетгайдир нигоҳ.

Кўнгил зори ниҳондир, аросат бунда жондир,
Дил армонга макондир, юракни ўртайди оҳ!

Яқин борсанг Қуёшга, куйиб битгайсан, деманг,
Бўйнимда зуннори ишқ, қалбим тўла иштибоҳ.

Дил муҳаббатга ташна, гул парваришга муҳтож,
Вале ишқ, оламида ҳамиша ҳушёр, огоҳ!

Босолмам бир қадамни, чексам-да минг аламни,
Йўқ малҳами ярамнинг – қўксимда санчиқ гоҳ-гоҳ...

* * *

Олиб қўйдим, узр, сўзингиз,
Ҳазир бўлмай суҳбатингизда...
Беихтиёр бу ҳол берди юз,
Умидворман шафқатингиздан! ? ..

Раҳмат сўзин ўрнига бехос,
Арзи ҳолим айтдим ботиниб,
Сиз мардларча этдингиз эъзоз,
Азиз билиб аёл зотини.

Гарчи узрим етолмас Сизга,
Арзим ерда қолмас беомон,
Гарчи бари тушса-да изга,
Кечиролмам ўзим ҳеч қачон!

* * *

Йифлаб чиқди тун бўйи юрак,
 Тилаклари мавҳум, яширин...
 Тонгда Қуёш унга ўғринча,
 Ташлаб қўйган эди қўз қири...

Умидланиб турса-да дунё,
 Бир эътибор, шафқат ишқида,
 Парво қилмай оламга Қуёш,
 Дилга боқди бир оз рашк ила...

Ажаб, пинҳон қандайин асрор,
 Балки олий ишқдан бу дарак?
 Жавоб қайдা, саволлар бисёр,
 Дилни ҳислар айлар муборак!

Дилда сукут, сабр, шукронा,
 Улуғ ҳикмат мужассам нигоҳ!
 Аламдан лол зайди замона,
 Армонлари титроқ иштибоҳ!

Йифлаб ўтар тоабад юрак,
 Англаёлмай Қуёшнинг сиррин! ? ..
 Толе шулки, тонгда ўғринча
 Ташлаб олган у ҳам кўз қирин! ..

* * *

Тунда Ойнинг рухсорин тилаб,
 Тонгда Қуёш нурин кутаман,
 Юракдаги сирли қўшиғим
 Шеър исмли қушга айтаман.

Ой рухсорин қизғонмас тунда —
 Тушларимга сочади зиё,

Куёш меҳри ёғилса дилга,
Юрагимда гуллайди дунё!

Аммо Ойнинг висоли олис,
Куёш бағри үтдир беаёв!
Юрак эса хокисор, маъюс,
Истакларим бежилов бедов.

Қаноатдан эгнимда либос,
Синоатдан кўксимда тўлқин,
Куёш менга нур сочгани чоғ,
Дарёларнинг кўзида ёлқин...

Куёш нурин боғу чўл узра
Тенг сочмоғи эмасми фарзи,
Ҳасадгўйлар чоҳ қазир шундан,
Етолмагач Қуёшга арзи.

Шеър бағрида пинҳон қўшиқлар –
Ойга сирдош нурафшон рўё.
Қуёш ва дил – тенгсиз ошиқлар,
Қуёш ва дил – чексиз ор-ҳаё!

Йўлда

Кетяпман азизим, қўнгиlda оғриқ,
Сезяпман Сизни-да ёқмоқда алам.
Нетай, замин паноҳ бўлолмади-ку,
Сиғдиролмади-ку бағрига олам...

Йўл олис, кўк йироқ, дарёлар сокин,
Зимиston бағрига чўқкан тоғу тош,
Дунё жим, мутаржим – сукунат ҳоким.
Беҳисгина чорлар қучоғига Шош...

Қоялар бошларин эгиб битар байт,
 Ёмғирлар шивирлай бошлар дафъатан:
 "Азизам, кўзингнинг ёшларини арт,
 Не бахт дил паноҳинг – мағрур ва ўқтам!"

Ёнидан оққан сув топмаса қадр,
 Ҳаддан ошса тагин фийбату таъна,
 Кетгум, қанча берманг Сиз менга меҳр,
 Андижонга сифмай қолганда танам.

* * *

Илиқ сўз айтибсиз менинг тўғримда,
 Тилга олиб исмим қайта ва қайта...
 Мен-чи дайри дунда сақлагум сукут,
 Дилсўзим ҳеч кимга олмайман айта.

Қаноатда гирён эрурман, гарчи
 Мен учун ишқ устун бўлса-да жондан.
 Вулқонни шаштидан қайтаролмас ер,
 Дил тутиб турган ҳис кучли вулқондан.

* * *

Яна ҳижрон, яна изтироб,
 Яна қалбим ўртамиш нола.
 Дил талпинар тагин ҳеч қачон
 Қўлим етмас офтоб жамола.

Нигоҳ ташлар оҳиста ҳилол,
 Илиқ ёғду сочади қуёш,
 Мен ҳакимда сўзлар заминга,
 Гарчи сиррин этмаса-да фош...

Фарид дилда туғилар илинж:
 Чин севгидан даракми нигоҳ?
 Топилгайдир муҳаббатдан куч,
 Ёғилгайдир самолардан оҳ!..

Мен қуёшдай эмасман ғозий,
Дилни ҳислар енгай ҳамиша...
Лек ҳеч кимга дёёлмам бир сўз,
Мени асир олган андиша.

Аламларим айланар гирён,
Оламларим тўлар кўзёшга.
Умр боғим бўлса-да хазон,
Гул тутар қўл етмас қуёшга!..

* * *

Эътибордан ҳавои дилни,
Қучоfiga чорлайди само,
Биз ҳеч қачон сирлашолмаймиз,
Тақдир бизни сийламас асло...

Очолмайсиз кўнглингиз сира,
Сочолмайман йўлингизга гул...
Сиз азобга бўлмассиз қарам?
Ҳислар мени айлаб қўяр қул.

Армонлардан синар бардошлар,
Таъқибларга тўлар замона,
Макон ва рух оралиғидан
Таралади маҳзун тарона.

Энтикади дил қаршиングизда,
Титраб кетар ишқ салтанати...
Юрагимда пинҳон ётар сир,
Очолмайсиз сиз ҳам дил қатин!?..

• • •

Рўё!
Борлифинг асли!
Ҳисларим – рўё!
Сатрим оралар фасли
Найсоний насим –
Хаёл тин олганда тушимга кириб,
Бағишлиб кетасан
Кўклам нафасин!?..

Хаёл!
Борлифинг асли!
Борлифим – хаёл!
Рухим настарин исли
Хушхонни истар.
Кўй, овутма мени, эй нури ҳилол,
Айлаб кун, тун, умр –
Барисин музтар.

2010 — 2011

• • •

Күёш кулиб, қорлар эриб кетган кун,
Ишқ юксалиб, фаним ерни ўпган кун,
Оҳим Арши аълоларга етган кун,
Дунё, гўзаллигинг намоён бўлгай!?..

Курим босган мўрилардан нур чиқар,
Балчиқлардан гавҳар чиқар, дур чиқар,
Тухмат аҳдин пешонаси шўр чиқар,
Дунё, замонларинг лол-ҳайрон бўлгай.

Яратган меҳр боғимдан ўсар баҳт,
Ниҳолларим чинор бўлур бақувват,

Умидларим ушалгусидир барвақт,
Дунё, чор тарафинг боғ-чаман бўлгай!

Осмон пастлаб қолармиди, тухматдан,
Ер айланиб толармиди, тухматдан,
Күёш четлаб олармиди, тухматдан,
Дунё, фақат озоринг ёмон бўлгай!

2011

* * *

Икки олам ичра инсон қалбидин йўқ нозиги,
Ким савол берса қараб сўз очсин аввал оғзига.

Пок муҳаббат боғидан нопок сифат изловчилар,
Минг қабоҳат этмасин, албатта гуллар очилар.

Чин саховат мулкида зулму адovат не қилур,
Минг надомат, беҳаё андишани қўрқоқ билур.

Ёғса нур кимнинг юзидин дил тажаллиси гўзал!
Ўз-ўзингча фол очиб, эй нотовон, бўлма ўсал.

Ки самимиятга ошно эрса кўнгил ложарам,
Зоҳиру ботини ободдир, Худо этмиш карам!

Минг сафоҳат¹ мулкида сен айлаким бедодлик²,
Бил, қилолмайсан асил яхшини ёмон отлик.

2011

¹ Сафоҳат – подонлик, қабиҳлик.

² Бедодлик – адолатсизлик, зулм.

Дунё, сенга кераклигимдан
 Тангрига минг шукрлар қилгум,
 Зиммамдаги масъулиятни
 Ҳақнинг олий қарами билгум.

Халқим, сезгум меҳринг тафтидан,
 Яшамоқлик ҳақ-ҳуқуқимни,
 Сендан айро қолса юрагим,
 Суянчим деб атайман кимни?

Сенга хизмат қилиб овунгум,
 Четга сургум дил армонимни,
 Касби-корим пок манзилида,
 Омонатинг билгум жонимни.

Борим сенга багишлагайман,
 Бош тортмасман ҳеч юмушингдан,
 Фақат сендан сўрорим битта:
 Ёруғ юз бер, асра муштингдан.

Балолардан йироқ тут Ерни,
 Ҳасадлардан асра юлдузинг.
 Яхши номим шеърим-ла қолсин,
 Хазонингдек учирма сўзим...

2011

Садоқатли дулдул — юрагим,
 На ҳожат, сиз бермангиз баҳо!
 Ёт қудуқдан ичолмайди сув,
 Минг йил ташна этса-да саҳро.

Нафосатли гулдир юрагим,
Сафолатдан сўз очманг асло,
Ифоридан яралар назм,
Ниш урмоқлик ундан мустасно.

Ҳилвирайди жулдир юрагим,
Най сеҳрига ошиқ, бенаво,
Адоватга ёвдир бемисл,
Адолатга оҳанглари жо.

Титкилайди кимдир юрагим,
Гард қидириб топса-да сафо,
Ҳасадлардан чарчайди дунё,
Нафасларин учиргай сабо!

Муҳаббатга қулдир юрагим,
Хиёнатдан олис мутлақо,
Сизга исбот, шаҳодат шартми?
Шеърим кафил этмасми бақо!?

2011

* * *

Шеър ёзиш ҳам гуноҳми, айтинг,
Хаёлот ҳам хиёнатми ё?
Орзуга ҳам қўйилгайми айб,
Қўшилгайми ё шеърга риё?

Жиноятми ҳайратланмоқ ҳам,
Тонг – бокира, тун ахир қора!
Шайдир юрак жазоланмоқقا,
Даъво қўзғаб бўлманг овора.

Ёзган – дилим!
Килаверинг суд!

Шеърларимни тинтинг беаёв!
 Бошливеринг терговингизни,
 Мұхаббатим қилгайман гаров!
 Шеър ёзиш гар жиноят бўлса?...

2011

ҲАСАДГҮЙГА

Эй сиз, оёғимга урмангиз болта!
 Зарби ўзингизга қайтмасин ногоҳ,
 Чунки олам мени яхши билгувчи,
 Суйиб қўллагувчи ҳамиша Аллоҳ!

Тинчгина ишлашга берингиз имкон,
 Эзгулигин сочар дилим бегумон,
 Бундан ўзингиз ҳам хабардор, аммо
 Нечун ичингизни кемирар шайтон?

Риёга тоқатим етмас, қилинг бас,
 Ўзингизни билинг, қўйинг ўзгани!
 Ҳазир бўлинг, менинг айбимни излаб,
 Изингизнинг билмай қолманг тўзганин.

Мен-ку эркин парвоз қиласераман,
 Сизга нима руҳим Самони қучса?
 Сизнинг дилингизда яшаса илон,
 Менинг дилим Аршга суюмли қушча!

Эй сиз, азобламанг ўзингиз бунча,
 Барибир сиз айтган бўлмайди ҳосил!
 Яхшиларнинг умри дунё тургунча,
 Ёмонлар касрига қолгайдир насл.

2011

* * *

Фууримга тегма, тубанлик!
Ишон, яхшилар бор оламда!
Ўзингни фош этма ҳасаддан,
Ўзингта тош отма аламдан!

Чўлпон ерга ботди рашкингдан,
Осмон қолди усиз мунгайиб,
Сайданинг тўккан ашкидан
Андижоннинг кўксидир майиб...

Бошин олиб кетганда Бобур
Юрагида лахта-лахта қон,
Ожизона ингради замин,
Маккорона кузатди замон...

Муҳаммадга осилди ғийбат,
Муҳаммадни чарчатди риё,
Омонатин топширди ногоҳ,
Уни кўллаб турса-да дунё!

Юракларда яралди қабр,
Тупроқ кўмди азиз жисмни.
Нечун қақшар вужудинг, ахир
Мақтасалар атаб исмимни?

Бад нияting ер қилгай юзинг,
Айлагайдир номингни қаро!
Менга тегмас, бил, отган тошинг,
Ҳақиқатни енголмас ифво!

2011

* * *

Сени деб эй қабоҳат,
 Оқ қофозни кир этдим,
 Алҳазар, минг надомат,
 Сенга атаб шеър битдим!?..

Қилолмам лек адсоват,
 Юрагимни пок тутгум.
 Кўқдан ёғсин маломат,
 Заволингни жим кутгум.

Чиранасан ҳар соат,
 Тинмай отасан ўқлар,
 Қани, кўргаз каромат!
 Кўксингда-ку чандиқлар?

Мен, шукр, соғ-саломат,
 Юзимда балқир қуёш,
 Кулиб боқмоқда омад,
 Ташлаб кетмоқда қўзёш!?..

Сени деб эй сафолат,
 Оқ қофоз бўлди қора,
 Эртангта йўқ кафолат,
 Тугаб боряпсан, қара!

2011

* * *

Ёмонларнинг юзларини терс айлагил,
 Кўнгли қаро, тубанларни паст айлагил,
 Маним борим, мавжудлигим рост айлагил,
 Курашларда олиб қўйма мадоримни.

Самодаги абрлармас, менинг бағрим,
 Ёмғирлари кўзларимдан томган сабрим,

Қуёш билар, юлдуз билар фақат қадрим,
Азиз билар ҳилол ҳар бир қароримни.

Мен шеър ёзай муҳаббатдан ёна-ёна,
Қолгани ҳеч, қолгани пуч бир афсона,
Тинч қўйишин, яшайверай дарвешона,
Яширмам бас, ўқишин дил иқроримни.

Ёмонларга айтар сўзим йўқdir бўлак,
Арzonларга бўлолмайди шеър муштарак,
Йиллар пучни пуч, саракни айлар сарак,
Омон бўлсам кўргум ҳоли аборини.

2011

* * *

Мен Ватанни куйлай десам,
Ёмонлар дил яролади.
Қаро ният билан ойдин
Кунларимни қаролади.

Муҳаббатдан сўйлай десам,
Қалам тутди қаро юзлар,
Оёғимга осилдилар
Мен борар манзилни кўзлаб.

Нафосатли гулзоримга
Тиконларнинг тухмин экди...
Ҳароратли юрагимдан
Фанимга ҳам меҳр сепдим.

Мен Ватандан сўйлай, қўйинг,
Муҳаббатдан куйлай наво!
Ёмонга ҳам бордир ўлим,
Ёмонларни топсин Худо!

2011

САМИМИЯТ

Сиёсатхон Абдулаевага

Кибр аҳли самимииятни
Ўргансалар қанийди сиздан,
Ибратлисиз катта-кичикка,
Нур сочасиз Олтин юлдуздай.

Сабри меҳнат, ҳалоллик ошин
Ошаб ўтмоқ осонмас сира.
Тунларингиз ёруғ меҳрдан,
Тонгларингиз гулдай бокира.

Улуғликнинг ортида шаксиз
Камтаринлик тураг яширин.
Талх туялар гарчи тўғри сўз,
Хосиятан лаззатли, ширин.

Сиз боқсангиз самимий, кулиб,
Ёнингизда кибру ҳаво-ла,
Турса турсин, кимдир керилиб,
Ноқис виждонига ҳавола...

Шуҳрат кимни қувласа тоза,
Бўлиб қолса гар иззатпараст,
Ва ҳаммадан устун деб ўзин,
Ўз сўзига бўлса у сармаст.

Маҳмадона, вайсақи, тажанг,
Авлиёдек тутар ўзини,
Кимларнидир айлаб андармон,
Сингдиради сохта сўзини.

Аслида-чи риёкор, бадҳў,
Қолмас ҳеч ким соғ фийбатидан,

Ўзин кўрса, мақтовин бошлар,
От ҳуркигайдир ҳайбатидан.

Э шундайин қасларга агар,
Сизнинг шараф бўлсами насиб,
Ердан узиларди оёғи,
Инсонликни қўярди осиб.

Аллоҳ билур иноятини,
Ҳар кимга ҳам сочмас нур-зиё.
Эл ҳурматда, юрт эҳтиромда,
Сизга таъзимдадир бу дунё.

2011

ҚИЗИМ

Гулжаҳонга

Дунёларга алишмасман қувончингни,
Дастёргинам, ҳушёргинам, онам қизим.
Истиқболинг бўлсин ёруғ, ишончимсан,
Армон тўла бағримдаги лолам қизим.

Кўз тегмасин, яйра доим, табассум эт,
Юракчангда осмон қадар орзу, умид,
Бошиング узра ёғилсин нур, муродга ет,
Ҳайратда лол қолсин минг бир санам, қизим!

Мен банд эсам, муштдек жисму жонинг билан,
Уринасан ҳар ишга имконинг билан,
Сен бор ташвиш билмам хонумоним билан,
Хаста кўнглим суюб турган қалъам, қизим.

Яхши жойдан этсин ато баҳт юлдузинг,
Кўнглинг обод, бўлмасин нам чақноқ қўзинг,

Ҳамдардимсан, ҳаммаслагим, танҳом ўзинг,
Омонатим, кўзимдаги шабнам қизим...

Дунёсининг ёлғонлари бисёр, абас,
Толеингни тилар фақат дил ҳар нафас,
Энг ёруғ кун, энг ёруғ тонг эттай ҳавас,
Сенинг баҳту камолингга олам, қизим!

2011

* * *

Отам эди тоғдай улуғвор,
Нигоҳидан чўчириди риё,
Юзларидан ёғар эди нур,
Нафасидан гулларди дунё.

Нафосатдан сўзларди чандон,
Ишқ деб урар эди юраги,
Нур сочарди атрофга чунон,
Бўлар эди диллар тиргаги.

Садоқатдан топарди ҳузур,
Юз бурарди мулозаматдан,
Яшар эди мардона, мағур,
Яхшиларга иззат-ҳурматда.

Керак бўлса кечарди жондан,
Юртга фидо, аҳдига содик,
Юксалганди тоза иймондан,
Сўзларини тингларди борлиқ!

Мен отамни йўқотганим йўқ!
У яшайди руҳимга пайваст!
Ҳадеб менга ураверманг дўқ,
Ҳадеб қадрим қўяверманг паст!

2011

* * *

Она, Сиздан сўрайман узр,
Корингизга яролмаяпман.
Тинчмисан, деб айлайсиз шукр,
Софинганда боролмаяпман.

Она, сезиб турсам-да умр,
Омонат бир устунлигини,
Ногоҳ, қулаб кетмоққа қодир,
Ва бўлажак ўтилигини,

Тез-тез Сиздан хабар олмоққа,
Бандман, дея тополмайман вақт,
Сиз бетиним дуоимдасиз,
Тилаб икки фарзандимга баҳт.

Оромимни олмоқда дейман,
Танг асабнинг зўриқишилари!?
Йўқ, Онажон, ҳаммаси бекор,
Баҳонадир бу қилмишларим.

Она, мени кечирманг асло,
Сизни соғинтириб у ёқда,
Минбарлардан соғинч ҳақида
Шеърлар айтсам минг бир бўёқда!

Баҳоналар кўпдир изласанг,
Иш топилар, топилар шухрат,
Фаниматдир онанг, кўзинг оч!
Эртага бой берилар фурсат!

2011

* * *

Жуда қизиқ экансиз?
Яшаяпмиз қайси асрда?
Ҳисоблашмоқ аҳмоқ фикри-ла,
Минг тусланмоқ шартми басирга?

Жуда оми экансиз?
Тухмат ажраб турса ростидан,
Вақтингизни бой бериб, ғубор
Ахтарасиз тирноқ остидан?

Жуда қалтис ҳаракат!
Она туққан сизнинг-да ахир,
Синглингиз, жуфт-ҳалолингиз бор,
Аёл зотин айламанг таҳқири!

Лўндагина бир савол:
Мунча сизда тор дунёқарашиб?
Ўлчар ҳар ким ўз қаричи-ла,
Ўзингизни этасизми фошиб?

2011

* * *

Бора-бора жўнлашар сатрим,
Бора-бора юз бурар ташбеҳ.
Бас, етар минг ёзганим, ахир,
Бас, етар минг маломат, танбеҳ!

Туйгуларнинг тасвирин чиздим,
Орзуладан яратдим ашъор,
Сабр боғин беаёв кездим,
Туболарни излаб умидвор.

Ўтмоқ учун дилни опичлаб,
Синоатнинг кўчаларидан,
Дилга сирли эртаклар айтдим,
Уйқу қочган кечаларида.

Иштиҳордан терс буриб юзим,
Шеър бағрида жим ўтдим яшаб.
Ҳақиқатнинг пойида сўзим
Ўтар балки асрлар ошиб?..

• • •

Кўринмас ғунчалар гулбоғларимда,
Тўлқинлар кўксимни ёрмас,
Наҳримда
Сокин жилваланар орзу-армонлар,
Ювош тортган ҳислар ҳамроҳларимдир.

Тун ва тонг ранглари айрича экан!
Хуштаъм улашмоқда сархил мевалар!
Ниқобин ташлади табассум охир,
Гулзоримдан умид узди кўзтикан...

Атрофда неки бор аён!
Юрагим
Ниҳоят ер билан ҳамдил, ҳамнафас,
Муҳаббат осмонин остида
Ҳавас
Йўлларига солар жимгина разм...

2011

НОЗИКҚАЛБ ШОИРА

Илк бор бир шоир укамнинг тавсияси билан мен ёш шоира Хуршиданинг шеърларини қўлёзма ҳолида ўқиб чиқдим. Кейин икковлашиб, уларни «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасига тавсия қилдик. Чунки бу шеърлар ёш шоиранинг ўзига хос истеъдод соҳибаси эканлигидан, айниқса, муҳаббат мавзусидаги шеърлари ўқувчининг юрак торларини черта олишидан дарак берарди. Хуршиданинг бу шеърлари газетамиз таҳририятига ҳам маъқул бўлди-ю, уларни тезда чоп этдилар.

Мен ва шоир дўстим янгишмаган эканмиз. Ёш шоиранинг шеърлари газетхонлар томонидан ҳам илиқ кутиб олинди. Негаки, ёш шоиранинг нозик қалбини улар ҳам англаган, бошқача қилиб айтганда, шоира ифода этмоқчи бўлган туйғулари, ўйлари, орзуларини газетхонларга етказа олган эди.

Шундан кейин шоиранинг шеърлари бошқа газеталар, жумладан, «Марказий Осиё маданияти» газетасида ҳам чоп этила бошлади.

Ниҳоят, шоиранинг фойдасига яна бир яхши гап. Шу йил март ойида Марказий Осиё Ассамблеяси, Ёзувчилар уюшмаси ва Республика байналмилал маданий маркази Наврӯз байрамига бағишланган ёш шоир ва оқинлар мушоирасини ўтказдик. Мушоирада Хуршида ўқиган шеър ҳайъат қарори асосида биринчи ўринни эгаллади ва соврин олди.

Ҳозир шоиранинг ёзган шеърлари бир китоб ҳолига келди ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси тавсиясига қўра чоп этиш учун нашриётга топширилди.

Шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олган ҳолда, мен ёш, истеъдодли шоира Хуршиданинг шеъриятдаги порлоқ истиқболига ишонч билдираман.

*Одил ЁҚУБОВ,
Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси.
1998 йил, апрель, Тошкент.*

РУҲИЯТНИНГ НОЗИК ЧИЗГИЛАРИ

(«Изҳор» китобига ёзилган сўз)

Шеърни кўнгил иши деганлар нечоғлик ҳақ, эканлигини Хуршиданинг шеърларини ўқиганда англайсиз. Чунки кўнгил инсоннинг кўксидаги шоҳ — унинг амри вожиб, бажарилиши шарт ва уни адо этмаганлик учун баҳона-ю сабаблар иnobатга ўтмайди. Зотан, Хуршиданинг ҳар мисраси юракдан яшашга фатво олиб яралгандай.

Шеър — гўзал руҳий фикрларнинг тажассуми. Шеър билан гўзаллик эса ҳам маънан, ҳам шаклан ғоят ўхшаш бўлиб, улар такомилига етган бўлса, гўзаллигича, шеърлигича қолаверади.

Мен шоиранинг ушбу шеърий тўпламини варақлар эканман, нозиктаъб қизимизнинг қалбида ҳақиқий шеърият чечаклари солланиб турганига ишондим.

Хуршида — ажойиб мумтоз шоиралар нашъу намо сурган Фарфона водийсининг бугунги навниҳолларидан. Менинг назаримда, бу қизимизнинг шеърларида хосиятли водий заминида унибўлсан шоираларнинг ўлмас анъаналари, гўзал ғазалиётнинг сехрли анъаналари бордек...

Шоиранинг аксарият шеърларида, ғазаллари-ю мухаммасларида инсон қалбининг, руҳиятининг нозик чизгиларини учратамиз. Хуршида тинмай изланади, ҳар бир сатрида янги ташбеҳлар қўллашга уринади.

Мен бу ўринда унинг ушбу тўпламидаги шеърларидан истаганча мисоллар келтиришим, билдирилган фикрларимни тасдиқлаб олишим мумкин эди. Бироқ шоира сўzlари ортиқча изоҳ ёҳуд шарҳга муҳтоҷ эмас, фикрлари ўз ўрнига шундай ифодалаб қўйилганки, уларни ўзингиз ўқиб кўрганингиз яхшироқ.

Ўз овози, ўз сўзи, ўз эътиқоди билан шоира
Хуршиданинг шеърият гулшанида дадил жавлон
уришига ишонаман.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, ҳалқ шоири.
2001 йил.

ҚАЛБНИНГ БЕДОР НУҚТАЛАРИ

(«Сигмагай жисмим жаҳонга» китобига ёзилган сўз)

Адабиётнинг бағри кенг. Барча пок ниятли ис-
теъдод соҳиблари учун унинг эшиклари очик. Ҳар
ким ўз имконияти қадар қалби буюрган мавзу-
ларда бемалол ёзиши, уни ўқувчи ҳукмига ҳаво-
ла қилиши мумкин. Асарнинг холис баҳосини эса
зукко ўқувчи беради.

Улуғ алломалардан бири айтганидек, адабиёт
ўзининг турфа хил нурлар таратувчи, олис-яқин,
катта-кичик юлдузлари билан гўзал ва бойдир.
Ҳар бир давр адабиётига назар ташлайдиган
бўлсак, унда ёруғ юлдузлар атрофида минглаб
"сомончи"ларни кўришимиз мумкин. Улар фалак
"сомончи"ларидан фарқли ўлароқ ёруғ юлдузлар-
дек нур таратиш армонлари билан яшаётган "юл-
дузча"лардир.

Хуршида эса кўп йиллардан буён қалам теб-
ратиб, муваффақиятсизлик сўқмоқларида қоқила-
қоқила йўлинни топиб олган ёшлар сирасига ман-
суб эмас. Унинг ижоди асосан, кейинги уч йилда
юз кўрсата бошлади ва унинг шеърлари ўзининг
бир қатор фазилатлари билан Одил Ёқубовдек,
Абдулла Ориповдек адабиётимиз яловбардорла-
рининг ҳам диққатини тортди. "Ўзбекистон ада-
биёти ва санъати", "Марказий Осиё маданияти",
"Ёзувчи", "Холис" каби газеталарда чоп этилган

дастлабки шеърлари ёқ, унда истеъдод мавжудлигидан далолат берди.

Шу йил март ойида Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси, Ўзбекистон Ёзувчилар ўюшмаси ҳамда Республика байналмилал маданий маркази ташаббуси билан Тошкентда ўтказилган қардош халқлар шоирлари ва оқинларининг катта мушоирасида Хуршида ҳам иштирок этди. Бу мушоирада қатнашган ўзбек, қозок, қирғиз, уйғур, тожик шоирлари ичида Хуршида устозлар томонидан "энг ёрқин шеър муаллифи" деб эътироф этилди. Айни ана шу анжумандан сўнг шоира Ўзбекистон Ёзувчилар ўюшмаси аъзолигига қабул қилинди.

Хуршида рассомлик касбини ҳам чуқур эгаллаганлиги учун рассомона кузатувчанлик, қалбнинг рангларини рассомона ҳис этиш унинг шеърларига ҳам кўчган. Унинг бир қатор шеърларида учрайдиган топилдиқ мисралардаги тасвир оламга рассом нигоҳи билан қараб, шоир қалби билан ифодалашга интилаётган юракнинг бетиним изланишлари маҳсулидир.

Шоиранинг "Она истаги" шеърида тунларни фарзанд қошида бедор ўтказаётган она кечинмалари ҳароратли сатрларда шундай ифодаланаади:

*Юракнинг қонига уйқаш армоннинг
Бағрига тилларанг пайкон жойласанг...*

Онанинг фарзанд ўстиришдан муддаоси нима? Унинг аллаларидан мурғак қалб бўшлиқларига эзгулик, нафосат, сахийлик чашмалари оқиб кирмоғини истайди:

*Пайваста дилларга қалбингдаги шамс
Айласа беадаг меҳрдин нисор.
Қуритса кўкарган риё томирин,
Сочса вафо нурин заминга бисёр...*

Хуршида ўз тенгдошларидан фарқли ўлароқ Шарқ мумтоз шеърияти анъаналарини ҳозирги замонавий шеърият билан омухта этган ҳолда образ яратади. Бундай кузатишларни унинг шакл борасидаги изланишларида ҳам кўриш мумкин.

Тўпламдан ўрин олган шеърлар аруз вазни ва бармоқ системаси имкониятлари асосида ёзилган. Шоира шеърларидаги фикр мумтоз адабиётга хос бўлган бадиий санъатлар воситасида ифода этилганки, бу унинг изланишлари самарали кечаётганлигидан далолатdir:

*Бу на туйгутир, юракни бир ажиб ҳол ўртагай,
Бу на кўнгил, соҳибин ҳар субҳи висол ўртагай.
Бу на гултир, кўксига шабнамни жойлар ёшурун,
Этмай осон мушкулин ул гулни ниҳол ўртагай.*

Хуршида ўзининг илк тўпламини "Сифмагай жисмим жаҳонга" деб номлабди. На жисм, балки унинг шоирона туйгулари ҳам жаҳонни тутмоғига тилақдошмиз.

Йўл бошида турган ҳар бир қалб ўзининг мақсад манзилларига етмоқ истайдир. Хуршида шеъриятнинг нурли манзиллари сари интилаётган экан, биз бу умидли шоирага ижодий парвозлар тилаб қоламиз.

Исмоил ТЎЛАК,
филология фанлари доктори, профессор.
1998 йил.

АДАБИЙ МАКТУБ

(«Ёшлик», 2008 йил, 5-сон.)

*Мен Сизга дунёнинг энг гўзал
Гулларин иноят айласам,
Денгиздек мавжланиб муфассал
Дилларим
Дурларга айланса.
Ва Сизни энг зилол,
Мусаффо
Нурларга менгзаса дил сўзим!
Сиз-чи ишқ мулкидан
Вафолар
Келтира оласизми,
Азизим?..*

Бу сатрларингизни ўқигач, сизга мактуб ёзмоқни лозим топдим. Коммуникация ривожланган давримизда хат битмоқ, эски услуг бўлса-да, бунинг айрича гашти бор. Зотан, хатлар инсонларга ўзаро ҳурмат, илиқлик белгиси, кўнгил ойнаси. Сизнинг шеърларингиз билан матбуот орқали танишман. Ижодингизни имкон қадар кузатиб бораман. Одатда, бирор ижодкорнинг асарларини биринчи бор ўқиганингизда маъқул келса, ўз-ўзидан унинг ижодини кузатувчисига айланиб қоласиз. Ҳар бир адабиёт мухлисида шундай бўлса керак, менимча. "Тажалли" тўпламингиз қўлимга тушгач, яна бир бор севиндим, чунки китоб муаллиф ҳақида тўлиқроқ маълумот беради, шоирнинг ижодий қиёфасини ўзида акс эттиради. Сиз, албатта, тажалли сўзининг маъно-мазмунини ҳис қилган ҳолда китобингизни шундай номлагансиз. Бу ном менга-да хуш келди, чунки ҳар бир ёзилган асар муаллиф кўнглининг тажаллисиdir. Китобдан хушнудлигимнинг яна бир боиси, вилоятларда яшаб ижод қилаётган шоирларимиз ижодидан кўпчиликнинг баҳраманд бўлишидир. Шу ўринда Андижон адабий муҳити ҳақида фикрларимни айтгим келди. Ўзбекистон халқ шоири

Тўлан Низомнинг кетма-кет эълон қилинаётган досто-ну шеърлари, Қамчибек Кенжанинг сайланмаси, са-фарномалари китобхонларда яхши таассурот ўтамоқ-да. Заҳматкаш инсон Зокиржон Машрабовнинг улуг аждодимиз Бобур меросини ўрганишдаги саъй-ҳара-катлари таҳсинга сазовор. Отахон адаб Олимжон Хол-дордан сизгача яна кўпгина ижодкорларни эслаш мум-кин.

Энди "Тажалли"га қайтайлик. Тўплам "Ватан" шеъри билан бошланади. Ватан шаънини яхши ардоқлабсиз, раҳмат. Ҳақиқий шоир борки, эл-юрт тақдирига бе-парво бўлмайди. Ватаним "кўзгинамнинг қароги" деб билган.

*Сенсиз тупроқларнинг исин сезмасман,
Ёмғирлар сасин, қор тусин сезмасман!
Оlamни яшнатиб, ифор таратиб,
Баҳорлар гул очиб келсин, сезмасман!..*

Бу сатрларни ўқиганда ватандан айри тушган ким-саларнинг куни нурсиз, кечаси юлдузсиз бўлишини, ҳамиша кўнгли фариблигини ҳис қиласди киши. Ватанин шунчаки севиб бўлмайди. Она юртга бўлган меҳр, садоқат ҳар нарсадан устун бўлиши керак. Ватанин улуғлаб азиз билганлар меҳнатини унутмаслик, эл фар-ровонлиги учун фидо бўлганларни ёд этиш ҳам юрт-севарлиқдир.

*Ватан сўзин улуг, азиз билганлар,
Она тупроқча чин меҳр берганлар,
Бу кун бизни деб жон фидо қилганлар
Номларин унумта асло, эй халқим!*

*Ҳеч ким топмагай баҳт кечиб виждондан,
Ахир Ватан сўзи эрур иймондан,
Агар Ватан дея кечмасак жондан,
Авлодлардан ёғар жафо, эй халқим!*

Албатта, келажак авлодни ўйлаб, уларнинг биздан-да порлоқ бўлиши керак бўлган ҳаётига замин яра-

тишга ҳаракат қилиш, ҳар бир иймонли ватандошнинг бурчири.

Ватан мавзусида минглаб шеърлар ёзилган. Муҳими бу меҳрни ўзига хос тарзда, янги либосда айта олишда. Сиз буни уддалабсиз. Шу ўринда жаҳонга машҳур шоир Расул Ҳамзатовнинг "Менинг Доғистоним"даги қуйидаги сўзларини эслаш мумкин: "Шундай мавзу борки, уни такрорлаганинг сари ибодатдай иймонингни бут қиласи, кўнглингни ўстиради, маънавиятингни бойитади. Бу мавзу ибодат, бу мавзу – Ватан!"

Шеърларингиз мавзу жиҳатидан турфа хил. Чаман ранг-баранг гуллари билан гўзал бўлганидек, бу турли мавзудаги шеърлар "Тажалли"га чирой берган. Аммо соф түйгулар тасвирига бағишиланган лирик шеърларингизда қаламингиз яйраб ёзади, назаримда сизнинг ўзингизга хос майин овозингиз бу борада яққолроқ сезилади.

*Баҳор!
Қалбим сенингдек соғдири, ишон!
Шаббодангдек ҳисларим бедор,
Беозор
Осмонингдан юксакда ишқим яшар.
Тупроғингнинг остига юрагим бор...*

Бедор ҳислар ҳаволаниб-ҳаволаниб қофозга тўкилганидек, шеърга айланиб қўним топғандек туюлади. Дил бедорлиги шоир сўзига мазмунан уйқаш. Шу оромсизлик туфайли гўзал асарлар яратилган. Ижодкорнинг ҳаловати бузилмаса, қалбини нимадир ўртамаса яхши асарлар туғилмаслиги шоён ҳақиқат. Бу ҳақда улуғлар кўп айтганлар.

Сиз кўпгина шеърларингизни нафис сезимлар номи билан атайсиз: "Хаёлий висол", "Вафо", "Орзу", "Меҳр", "Софинч" кабилар. Бунинг ўзи инсонийликка урғу беришингизни кўрсатади. Инсонийликнинг бош белгиси сифатида ишқни биласиз.

*Ишқисиз ахир қандай яшар одамзод?
Дарёлар тўлқинсиз наҳрми,
Юрак
Тўлғониб, қўймаса кимга ҳам керак?*

Бу сатрлар бепарволикка, беҳисликка, лоқайдликка исёндек янграйди. "Мулки оламни беишқ ғариб" кўрасиз. Атрофингиздаги одамларни бир-бирига меҳрли кўришни истайсиз.

*Мен дунёдан фақат меҳр изладим,
Дилга чин вафодан муҳр изладим...
Меҳр излай-излай кўксим музлади,
Ўзимни сенлабон, ишқни сизладим.*

"Ишқни сизлаш"ни мен кенг маънода тушундим. Бу дунёвий ишқдан ишқи илоҳийгача бўлган тадриж йўли. Бу борада кимдир йўлини топа олади, кимдир адашишлар қуршовида қолади. Асосийси беишқликдан арасин. Ишқ эса меҳрдан туғилади. Шунинг учун "Дилга зармас, чин меҳр керак" деганингизда минг бора ҳақсиз.

"Ишқ! Сени йўқотищдан қўрқаман!" дея бонг урингиз ўринлидек туюлади. Бу ўринда ишқни йўқотиши одамгарчилкни йўқотищдек янграйди. Балким сиздаги мана шу руҳий ҳолат устоз шоирларимиз фазалларига мухаммас боғланган мухаммасларингизни ўқиб, қувондим. Аввалио, улуғлар сўзига сўз қўшмоқ, "панжасига панжа урмоққа" ҳар ким ҳам журъат қиласкермайди. Бунда озми-кўпми ўзига ишонч керак. Иккинчидан, аruz қонун-қоидаларининг мураккаблигиданми ёки бошқа сабабдан, бутунги шеъриятимиз вакилларидан арузда ёзгувчилар кам. Кимдир фазалларингиздан сакталик топиши мумкин, аммо бу йўлдаги интилишларингизга иддао йўқ.

*Хаста бўлдим, зоҳиримда намоён эттадим зинҳор,
Саодатроҳига қалбимни шоён эттадим зинҳор.*

*Фасллар чарҳи-ла беинтиҳо айланди андуҳлар,
Нажом берди қаноат, чашми гирён эттагим зинҳор.*

Бу байтларингизда хаёлан “зоҳирини намоён қилмаган”, лекин андуҳларини қаноат билан енгган Шарқ аёлининг нигоҳи кўринади. Шеърларингиздан яна бир сезганим, сиз аллтерацияни, айрим сўзларга алоҳида урғу беришни суяркансиз. Бу-да туйфуларингиз пўртасини кўрсатадиган ҳолат.

*Афсус, Сиздан кечолмас кўнгил,
Афсус, нурсиз сўнган юлдузман.
Афсус, пойингизда пайҳон гул,
Афсус, сувсиз сўлган наргизман.*

Ушбу сатрлардан қелиб чиқиб бир мулоҳаза айтмоқчидим. Муҳаббатли дил нолишлари, “алам тоши” изтироблари, ўзига оғир олишлар гоҳида шеърларингизда устуворлик қилиб қолгандек. Менимча, яхши лирик шеърларингиздаги майинлик нурафшонлик билан уйғунлашса маъқул бўлармиди. Мен сизга йўл кўрсатмоқчи эмасман. Шоирликка, шеър ёзишга ўргатиб, ўқитиб бўлмаслигини тушунаман...

Хуршида, “Тажалли”нинг яна бир хуш келувчи томони, унда сизнинг ижодий имкониятларингиз анча кенглиги, келажакда ёзиладиган нафис шеърларнинг ифори сезилиб турибди. “Шеър – юрак озиғи, қалб қуёшидир!” дея сўз саралашга интилишингиз фикримнинг маълум маънодаги тасдиғидир. Ижоднинг машаққатли йўлида сабот, туйфуларга тўла қалбингиз йўлчи юлдуз бўлишини тилаб қоламан.

*Ҳурмат ила Адҳамбек АЛИМБЕКОВ,
Ўзбекистон Миллий университети доценти.
2008 йил.*

МУНДАРИЖА

Ишқи шуурий

Мусаффо маскан	6
Бедорингман, Ватан	7
Ватан	8
Пахтакор	9
Андижон	10
Фалла хирмони	11
Улуг зот	12
Ватан посбони	13
Она истаги	14
Саодат фасли	15
Шараф	16
Фидолик	18
Мехр күёши	19
Фахрия	20
Муқаддас Ватан	21
«Арзир элга хизматингиз...»	22
Дунё	22
Юрт ишқи	23
Ватанга	24
Эътиқод	24
Истак	26
«Мен жой ахтариб юрибман»	26
Бобур бобо билан мулоқот	27
Сени севамиз	30
Огоҳлик	31
Тилак	33
Баҳор	34
Умид	35
Сайд Аҳмад	36
Шоир Муҳаммад	37
Машъала	38
Изладим	39
Оқибат	39
«Зулмат қучоғида...»	40
«Сўрдилар: ишқ, деб топганинг...»	41
Гул фасл	41
Ёшлар	42
Қуёш	43
Устозга	43
Қуш	44
Сўз	45
Ўзлик	46
Топилмас	47
Дўст қадри	48

Ёлғизлик	49
Яхшилар	50
Она	51
Соринч	52
Отажон	53
Бузруквор	54
Таскин	59
Ота	60
Отамдан қолган	60
«Ота, яшаб-яшаб...»	61
Иқрор	61
Дил армони	62
Мурод-ул шамс	
Самойинур (<i>Изтироб достони</i>)	64
Дури азалий	
«Ақла бүйсунар жисмим...»	102
«Күнгил таскин излар...»	102
Бу кун	103
Сўроғлаб	104
«Етти ёт бегонадек...»	104
Андижон томонларда	105
Зулм этманг	106
Алдасанг	107
Қолмади	107
«Бесўроқ...»	107
«Не сабаб...»	108
Ўртагай	109
«Йўқ ҳушим...»	109
Хаста бўлдим	110
«Дилим кўиди...»	111
Жамолинг	112
Аржуманд этмас	113
Уландан сўр	114
Ўлум уйқуси	116
Баҳор айёми	118
Арзимни айтдим	119
Эҳтиёж	121
Тун билан йиглабди булбул	123
Бул ажаб...	124
«Дил аламда...»	125
«Дейдиларки...»	126
«Дарёдин оқиб келодир...»	127
«Хазон янглиғ...»	127
«Не хуш кун...»	128
«Куч-мадад сўзинг...»	128
Қатраи уммон	
«Бугун оламимда қуёш кўринмас...»	130
«Дунё хиёнатта тўлиб ётибди...»	130

«Дийдам қотди менинг...»	131
«Кўнглимда очилди...»	131
«Тобора...»	132
Хулоса	132
Қорхат	133
«Сен шафқатни билмайсан...»	136
«Бугун куйдириб Офтоб...»	137
«Мехрнинг бағрига сингсайдим...»	138
Томчилар	139
Риёкорга	153
«Бирдан маъюсликка...»	163
«Тақдир дастида...»	163
«Бошинга...»	164
«Ахир ким бўлибман...»	165
Тақдир	165
Тұхфаи ризвон	
«Энг олий севинчим...»	168
«Мен сизга...»	169
«Мен сизни...»	170
«Мен сиздан кетаман...»	170
«Ё Раб...»	171
«Муҳаббат...»	171
«Бизни Аллоҳ, бирга яратди...»	172
«Сенсиз саҳроларда...»	173
«Ҳаётимга кир...»	174
«Худо хоҳламади...»	174
«Мен сени соғиндим...»	175
«Бирам баҳтли эдим ўшанда...»	175
Ўтинч	176
Сой бўйида	176
Оразинг	178
«Алвидо, муҳаббат...»	179
«Ҳар лаҳза...»	179
Ёмғир	180
«Мен сени...»	181
Мавҳумот	182
Таъқиб	183
«Атрофга боқаман...»	184
«Айб фақат сендан ўтди...»	184
«Эсингдами...»	185
Муҳаббат	186
Орзу	187
Эшийтдимки...	188
«Кирсам бу кун...»	189
Фифон	190
Булбул	191
Йўлдаман..	192
Савоб	193

«Эй ёр...»	194
Наҳри синоат	
Чекиниш (<i>Туркум</i>)	196
Ёсуман (<i>Туркум</i>)	203
Алам	212
Вафо	214
«Кутаман...»	215
Тоф йўли..	215
Бўлмаса..	216
Гуноҳ	217
«Ҳолим ёмон деманг...»	217
«Мен дардимни сўйладим...»	218
«Изингиздан ахтариб илинж...»	218
«Мен дилимни очдим...»	219
«Бедор кўзларимга...»	220
«Узр сўрмоқ...»	220
«Аршда мангу ёнган...»	221
«Дилда сайрайверса...»	221
«Кимницир...»	231
«Багрим тўла баҳорий гуллар...»	221
«Изн берманг...»	222
«Сизни унутмоқقا...»	222
Дашти фано	
Қуёшли кунларим	224
Гул ёшим	225
Вафодорлар	226
«Майли...»	227
Фоғилға	228
Синган кўза (<i>Туркум</i>)	229
Дафтари заъфарон	
Алдамчи тонглар	238
«Насим оғушида...»	239
«Унуга олмасам...»	240
«Севгим туморин асрэдим...»	240
«Еру кўқдан саралаб...»	241
«Руҳим изтироблари...»	241
«Ёлғизим...»	242
«Софиндим...»	243
«Кўзёшларим сочилиб...»	243
«Софинчим бағрингта олгин...»	244
«Кўксимда кўкарган...»	244
Онажон	244
Нам сатрлар	245
Хиёнат	246
Паноҳ	247
«Тунда тундек...»	248
«Сиздан ранжимоқقا...»	249
«Келишга ваъдалар айлаб...»	249

Гумон	250
«Қалбинг тўла гул экан...»	251
«Босган қадамимч...»	252
«Бағрим аро...»	252
«Мисоли кўксимда...»	253
«Кўзларинг тубинда...»	254
Нури ҳилол	
Макон ва рух оралиғида... (<i>Туркум</i>)	256
«Қуёш қулиб...»	275
«Икки олам ичра...»	276
«Дунё сенга кераклигимдан...»	277
«Садоқатли дуддул...»	277
«Шеър ёзиш ҳам гуноҳми...»	278
Ҳасадгўйга	279
«Фуруримга тегма...»	280
«Сени деб эй қабоҳат...»	281
«Ёмонларнинг юзларини...»	281
«Мен Ватанини куйлай десам...»	282
Самимият	283
Қизим	284
«Отам эди тоғдай улуғвор...»	285
«Она, Сиздан сўрайман узр...»	286
«Жуда қизик экансиз...»	287
«Бора-бора жўнашар сатрим...»	287
«Кўринмас фунчалар гулбоғларимда...»	288
Нозикқалб шоира	289
Руҳиятнинг нозик чизгилари	290
Қалбнинг бедор нуқталари	291
Адабий мактуб	294

*Муқовада Ўзбекистон халқ рассоми
Ақмал Нур асари.*

ХУРШИДА

САМОЙИНУР

Сайланма

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2011

Мұхаррир Қодиржон Қаюмов
Бадиий мұхаррир Шуҳрат Қурбонов
Рассом Мурод Умар
Техник мұхаррир Раъно Бобохонова
Саҳифаловчи Ҳилола Шарипова
Мусаҳдиҳлар: Нодира Охунжонова,
Юлдуз Бизаатова

Нашр лицензияси AI № 201, 28.08.2011 йил.

Теришга берилди 25.02.2011. Босишга рухсат этилди 25.10.2011.
Бичими 84x108 1/₁₂. Оффсет босма. “BalticaUz” гарнитураси. Шартли
босма табоги 15,96. Нашриёт-ҳисоб табоги 13,0. Адади 1500 нусха.
Буюртма № 1891. Баҳоси келишилган асосда.

**«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси,
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кӯчаси, 41.**